

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
МЕДИА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ**

С.А.ҲАЛИМОВА

**УБАЙДУЛЛА АСАДУЛЛАХЎЖАЕВ
ВА “САДОИ ТУРКИСТОН”**

Монография

10.00.09 – Журналистика

**Тошкент
“Университет”
2021**

**Ҳалимова С.А. Убайдулла Асадуллахўжаев ва “Садои Туркистон”.
Монография. –Т.: “ Университет”, 2021. –148 б.**

УЎК: 94:32(575.1)

КБК: 63.3(5Ў)

66.3(5Ў)

X 22

АННОТАЦИЯ

Убайдулла Асадуллахўжаев ва “Садои Туркистон” номли мазкур монографияда биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси, “Садои Туркистон” газетасининг бош муҳаррири Убайдулла Асадуллахўжаевнинг 1914-1915 йилларда Туркистонда олиб борган миллий озодлик учун кураш ғоялари ёритилган. Ушбу монография Ўзбекистон Республикасида илк бор тайёрланиб чоп этилмоқда.

“Убайдулла Асадуллахўжаев ва “Садои Туркистон” монографияси журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалари, мазкур соҳа тадқиқотчилари ҳамда жадид матбуотига қизиққанлар учун мўлжалланган.

Масъул мухаррирлар:

Ш.Қудратхўжа – сиёsatшунослик фанлари номзоди, профессор
Н.Муратова – филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Н.Тошибўлатова – филология фанлари номзоди, доцент
А.Нурматов – филология фанлари номзоди, доцент

Монография Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Кенгашининг 2020 йил 30 декабрьдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланиб, чоп этишга тавсия қилинди.

ISBN: 978-9943-7644-4-6

© “Университет” нашриёти, Тошкент, 2021

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	4
I БОБ.“САДОИ ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИ - ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ НУФУЗЛИ НАШРИ	7
1.1. Газетанинг ташкил этилиши, таҳририяти : муҳаррири ва муаллифлари.....	7
1.2. Газетанинг йўналиши, иқтисодий аҳволи ва таъқиб этилиш сабаблари.....	21
II БОБ. “САДОИ ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИДА ЎЛКА ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ҲАЁТИ, МАЪРИФИЙ ВА МАЊНАВИЙ МУАММОЛАРИ ТАЛҚИНИ	34
2.1. Газетада ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ёритилиши.....	46
2.2.“Садои Туркистон”газетасида маориф муаммоларининг таҳлили	
2.3. Газетада адабиёт масалаларининг талқини.....	61
2.4. “Садои Туркистон”газетасида матбуот муаммоларининг ўрганилиши	71
III БОБ. “САДОИ ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИНИНГ ТИЛ, УСЛУБ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ	78
3.1. “Садои Туркистон”газетасида миллий тил ва имло муаммолари	
3.2. Газетанинг услуби ва жанр хусусиятлари.....	89
ХУЛОСА	104
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	106
ИЛОВА	116

КИРИШ

Туркистон халқларининг бой ижтимоий-фалсафий, маданий тараққиётида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидағи давр мағкуравий ҳаракат шаклларининг хилма-хиллиги, инқилобий кураш ғояларининг суронли шиддати билан ажралиб туради. Бу албатта, тасодифий эмас эди. Чунки Туркистон халқлари бошқа қардош миллатлар билан биргаликда чор Русиясининг мустамлакачилик зулмидан қутулиб, ўз миллий давлатчилигини барпо этиш, маънавият ва маърифатда илгор мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун кураш ғояси миллий онгни уйғотаётган жадидчилик ҳаракатини шакллантирди. Бу ҳаракат Ўрта ва Яқин Шарқдаги, Қрим, Қозон, Уфа ва Озарбайжондаги қардошлари, Исмоилбек Ғаспрали ва бошқа кўплаб қардош халқларнинг диний ислоҳчилик ва маърифатпарварлик ғоялари билан озиқланган эди. Чор Русиясининг ўзида туркий мусулмон халқларининг бирлиги рамзи сифатида Исмоилбек Ғаспрали таъсис этган “Таржумон” газетаси теварагида маърифатчилик мағкураси шаклидаги жадидчилик ҳаракати буюк тарихий шахслар сиймосини яратди. Булар муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Тавалло, Чўлпон сингари миллат фарзандлари эди. Булар сафида рус тилини мукаммал билган, адвокат сифатида рус зиёлилари орасида шуҳрат топган, билимдон, юртпарвар шахс сифатида 1917 йилнинг ноябрь ойида Туркистон тарихида илк бор ташкил топган халқчил ҳокимиёт – Туркистон Муваққат ҳукумати тартибида Милиция ва Хавфсизлик Вазири лавозимигача кўтарилиган улуғ маърифатпарвар Убайдулла Асадуллахўжаев номи алоҳида эътиборга моликдир. Айниқса, у муҳаррирлик қилган “Садои Туркистон” газетаси бугунги истиқлол ғояларига муштарак, ҳамнафаслиги билан Туркистон матбуоти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Убайдулла Асадуллахўжаев газета воситаси билан эл юкладики ва халқни энг оғир кишанлардан, ғафлат ва жаҳолатдан

қутқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. “Садои Туркистон” ўзбек публицистикасининг шаклла-ниши ва ривожланишида бешик бўлди. У миллатни маҳв ва инқироз-дан қутқармоқ учун замона илмини, маорифини ўрганмоқ Ғасрали ғояларига содик қолди. Нафақат халқни маърифатга чорлади, балки Туркистонда маориф ишларининг ривожига амалий йўлбошчи бўлди.

Газета адабиётни миллатга ўзлигини англатувчи маърифат ойинаси деб қаради. "Садои Туркистон" теварагида янги адабиётнинг ёрқин намоёндалари тарбия топди. Газета таҳририяти орзу қилганидек, улар “миллий роман” миллий адабиётга асос асос солдилар.

“Садои Туркистон” матбуотни - миллатнинг тили, “умум дарсхона” деган хуносага келди. У нафақат хабар берувчи восита, балки миллат тараққиётига тўсик бўлаётган иллатларни бартараф қилувчи бош ислоҳчи эканлигини исботлаб берди. Шу боис ҳам газета ўз муаллифларидан фидоийликни, сўзида халқчиликни талаб этди. “Садои Туркистон” миллий матбуотни ривожлантириш тамойилларини белгилаб берди. Бу тамойилларда маънавий устунлари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Абдулла Авлонийларнинг публицистик мероси ва ноширлик ёшларимиз учун ибрат мактабидир.

“Садои Туркистон” соф миллий тилда, оммабоп нашр бўлиш учун курашди. Ўз ўқувчиларига саводхонлик дарсхонаси бўлиб хизмат қилдики, бу унинг адабий тилимиз тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасидир.

Газета ўз саҳифаларида публицистика жанрларининг ўзига хос илк намуналарини яратди. “Жамият қандай очилур?”, “Вазифамиз муштарак”, “Туркистон мактаблари”, “Бизга ўғурлик ё гадолик қолур”, “Миллий ва тарихий икки кун” каби ва бошқа ўнлаб ижтимоий-сиёсий мақолалари билан “Ватан таржумони” бўлишдек юксак масъулиятни адо этди. Газета тахламларида шундай фикр-мулоҳазаларни ўқиймиз: “Бир замонлар келур, бу шояд майдонга чиқмасдан қолмас” . Бугун бу башорат ҳақиқатга

айланди. Биргина “Садои Туркистон” газетаси Туркистон халқларининг бир асрлик ўтмишининг нодир сахифалариdir. Уларнинг “матбуот – бош ислоҳотчи бўлиши керак, матбуот – миллат ойинасидир, маърифат – миллатнинг ҳаёт-мамоти” каби илғор ғоялари тараққиёт сари йўл олган мустақил янги Ўзбекистон ривожи учун дастури амал бўлиб хизмат қиласиди.

Мазкур монографияда миллий матбуотимиз тарихига оид тадқиқот натижалари, жаҳон журналистикаси тарихи фанининг билимлари, назарий ва амалий тажрибаларига эътибор берилди.

I БОБ. “САДОИ ТУРКИСТОН” – ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ НУФУЗЛИ НАШРИ

§ 1.1. Газетанинг ташкил этилиши, таҳририяти: муҳаррири ва муаллифлари

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 1913-1914 йиллар Туркистонда Чор мустабидлик тузумининг кучайиши, ҳам миллий зиёлиларнинг мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларида жипслashiш жараёни кўзга ташланади. 1906 йилнинг августида ilk миллий газета “Тараққий” ёпилгач, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Осие” деган газеталар нашр қилинса-да, улар ҳам узоқ умр кўрмади. Бироқ бу маҳаллий маърифатпарварларнинг кураш йўлидаги инқирози эмасди. Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Тавалло, Рауф Музаффарзода сингари – янгилик, ижтимоий турмушни ислоҳ қилиш ғоясининг тарафдорлари бир ғоя, бир мақсад истагида бирикиб, матбуот минбаридан миллий зулмга, мустабидликка қарши яна курашга бел боғладилар. Самарқандда Махмудхўжа Беҳбутий “Самарқанд” газетаси ва “Ойина” журналини, тошкентлик маърифатпарварлар “Садои Туркистон”, фарғоналий зиёлилар “Садои Фарғона” газеталарини ташкил этдилар. Бу нашрлар жадид мутафаккирларининг умуммаданиятимиз тарихига қўшган буюк ҳиссалари бўлди. Айниқса, ўз маслигини сиёsatдан йироқ, маърифий газета деб белгилаган, амалда эса Туркистон халқариининг ҳуқуқ ва эркинликлари учун курашган “Садои Туркистон” газетаси истиқлол фидойиларининг чинакам минбарига айланди. Газета саҳифаларида юртга жонини фидо этган буюк аждодларимиз хизмати, тафаккур дунёси муҳрланиб қолди.

“Садои Туркистон” газетасининг ташкил топиши ўз даврининг етук зиёлиларидан бири, машҳур адвокат, газетанинг асосчиси (бош муҳаррири ва ношири) Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев номи билан боғлиқдир.

Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев 1885 йили Тошкентнинг Шайҳонтохур даҳасидаги Мирғани маҳалласида дунёга келган¹. Унинг отаси таниқли пардозгир бўёқчи уста бўлиб, ўғлининг ўқимишли, маърифатли инсон бўлиб етишмоғи учун қўлидан келганча ғамхўрлик қилган. Ёш Убайдуллахўжа дастлаб рус-тузем мактабида таълим олади. У болалигиданоқ билимга ўта чанқоқлигини, қобилиятини намоён этган. 1898 йили 13 ёшли ўспирин Тошкентда ўтказилган мусулмон болалари ўртасида рус тилини ўзлаштириш бўйича маҳсус комиссия синовидан муваффақиятли ўтади ва танловнинг энг ёш иштирокчиси сифатида гувоҳнома олишга муваффақ бўлади². Ҳамма нарсага қизиқувчан Убайдуллахўжа ўсмирлик давридаёқ талайгина бадиий китобларни мutoала қилади. Ўша даврда турк-татар тилида чикқан газета ва журналлар билан мунтазам танишиб борган. Айниқса, Исмоилбек Ғаспрали раҳномалигига Кримда нашр қилинган ва Туркистон ўлкасида кенг тарқалган “Таржумон” газетаси тарғиб қилган маърифатпарварлик ғоялари унда катта қизиқиш уйғотган. Убайдуллахўжа ўша пайтлардаёқ босма сўзнинг куч-қудратини, унинг инсон маънавий камолотидаги бекиёс аҳамиятини тушуниб етган эди. Ана шу тушунча уни кейинчалик матбуот соҳасига бошлаб келди. Архив ҳужжатларидан аён бўлишича³, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев 1897 йилда Тошкентдаги рус-тузем ўқув юртини тугатгач, Тошкентдаги суд идораларидан бирида таржимон бўлиб ишлай бошлайди. Хизмат давомида ундаги ҳуқуқшуносликка бўлган ҳавас кучаяди. Кўп ўтмай, унинг таржимонлик хизматидан фойдаланаётган судьяни Саратов шаҳрига ишга кўчиришади. Ўзи билан бирга у Убайдуллахўжани ҳам олиб кетади. Бу ерда у ҳуқуқшунослик бўйича таълим олишга муваффақ бўлади. Хусусий ҳимоячи гувоҳномасини олган Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев аввалига Саратов округ судида, 1913 йилдан эътиборан Тошкент округ судида ҳимоячи бўлиб

¹ ЎзМДА. ТФ-461. 1-рўйхат, 1795-иш, 33-варак.

² Туркистон вилоятининг газети. 1898, 30 май.

³ ЎзМДА. ТФ-17. 1-рўйхат, 17654 иш, 77-варак.

фаолият кўрсата бошлайди. Юксак савияли хукуқшунос сифатида ҳамюрлари орасида тезда катта шухрат қозонади.

1914 йили Убайдуллахўжа учун ҳаёт йўлининг бурилиш даври деб айтиш мумкин. Бу пайтда у 29 ёшга тўлган эди. Худди мана шу палладан бошлаб ёш хукуқшунос ноширлик ва журналистик фаолият билан ҳам шуғуллана бошлайди. Унинг бу борадаги қобилияти ўзи ташкил этган “Садои Туркистон” газетасида тўла намоён бўлади.

У.Асадуллахўжаев матбуотга Туркистон ўлкасида миллий уйғониш ҳаракати ўзига кенг йўл оча бошлаган, тараққийпарвар ўзбек зиёлилари халқни саводли, маърифатли қилиш учун жонбозлик кўрсатаётган шиддатли бир даврда кириб келди. Дунёқарали замонасининг илғор ғоялари, шу жумладан машхур Исмоилбек Ғаспралиниң маърифатпарварлик ғоялари таъсирида шаклланган Убайдуллахўжа ҳам мана шу миллий уйғониш ҳаракатида фаол қатнашиб, унинг етакчи раҳнамоларидан бири сифатида танилди.

Россияда подшоҳлик тузумига барҳам берган 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Туркистонда миллий озодлик ҳаракати авж олди. Ўз миллатининг ҳур, озод ва мустақил яшашини ҳамиша орзу қилган Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев мустамлакачиларга қарши курашнинг олдинги сафларидан ўрин эгаллаб, 1917 йил ноябрида Туркистон тарихида илк бор ташкил топган халқчил ҳокимият Туркистон Миллат Мажлисини юзага чиқаришда фаол иштирок этди ва ушбу мажлис қарорига мувофиқ тузилган Туркистон Мухторият ҳукумати таркибиға киритилди. Большевиклар қурол кучи билан ағдариб ташлаган бу ҳукуматда Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Милиция ва Хавфсизлик Вазири лавозимиға тайинланганди. Халқимизнинг таниқли фарзанди, миллатпарвар, истиқлолчи Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевнинг Шўролар давридаги қисмати фожиали кечди. Бу фикрнинг далили учун Ўзбекистон Ҳалқ шоири Шукуруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” хотира романидан қуйидаги парчани келтирайлик:

“Холамнинг ўғли Убайдулла Хўжаев миллат учун ниҳоятда жон куйдирган сиймо эди. 1927-28 йилларда сиёсий айб билан қамалиб, 1936 йилда қамоқдан қайтади. Убайдулла акамда на бола-чақа, на бисот баҳам, на тайинли уй-жой бор эди. Қамоқдан қайтгач, синглисенинида турди. Бор бисоти китоб эди. 1937 йилда яна қамалди, шу кетганича бедарак йўқолиб кетди”¹.

Публицист ИброҳимFaфуров таъкидлаганидек, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев аслида ўз халқининг миллий манфаатларини ҳимоя қилгани учун “мустамлакачиликка қарши курашгани учун, маҳв этилди”².

Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевнинг ижтимоий фаолиятида матбуот билан боғлиқ хизмати алоҳида аҳамиятга моликдир.

Газета воситаси билан она юрти Туркистоннинг маънавий-маърифий юксалишига қўмаклашишдек олиjanоб ниятда у 1913 йилнинг 21 декабря Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернаторидан Тошкентда “Садои Туркистон” исмида хусусий газета чиқариш учун 37882 рақами руҳсатнома олишга эришади³.

Маълумотлардан кўрсатишича⁴, У.Асадуллахўжаев газетани дарҳол чиқаришни кўзлаган, аммо таҳририят жамоасини тузиш, дурустроқ босмахона топиш ишининг чўзилиб кетиши бунга монелик қиласи. У газетани Туркистон генерал-губернатори иш юритиш бўлимига қарашли босмахонада нашр қилишга эришиш учун кўп ҳаракат қилди. Мазкур босмахона ўша даврда Тошкентдаги техник жиҳатдан яхши жиҳозланган, малакали матбаачилари бор йирик полиграфия корхонаси ҳисобланар, бу эса чиқарилажак газетанинг сифатли нашр қилиш имкониятини берарди. Босмахона мудири билан газетани чоп қилиш ҳақидаги олиб борилган музокаралар натижасиз тугайди. Шунга қарамай, У.Асадуллахўжаев руҳсат олиш учун бевосита генерал-губернатор иш юритиш бўлими бошлиғига ёзма ариза билан мурожаат этади.

¹ Шукрулло. Кафансиз қўмилганлар. -Т.: Чўлпон, 1991. -Б.132.

² Faфуров И. Миллий хаёллар ва Садои Туркистон. ЎзАС, 1994, 11 март.

³ ЎзМДА. ТФ.461, 1-ёзув, 1910 иш, 64-варап.

⁴ ЎзМДА. ТФ-461, 1-ёзув, 9475 иш, 15-варап.

Бироқ ижозат олишга муваффақ бўла олмайди. Ниҳоят 1914 йилнинг 4 апрел куни Тошкентдаги В.М.Ильин босмахонасида “Садои Туркистон” газетасининг I-сони босилиб чиқади.¹ Мазкур газета юзага келган пайтда бутун Туркистон ўлкасида ўзбек тилида бор йўғи иккита даврий нашр Туркистондаги чор маъмуриятига қарашли “Туркистон вилоятининг газети” ва Самарқанд шахрида Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан нашр қилинаётган “Ойина” журнали мавжуд эди. “Садои Туркистон” газетасининг чиқарилиши ўлка ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, Туркистонда ўша кезларда чиқиб турган барча газета ва журналлар ўз ўқувчиларини бу воқеадан хабардор қилганлар. Бу газетанинг чиқа бошлагани ҳақидаги хабар Оренбургда нашр қилинаётган “Шўро” журналида ҳам босилган².

Миллат ва матбуот фидойиси Маҳмудхўжа Беҳбудий нашр қилинаётган “Садои Туркистон”нинг чиқарилишига бағишлиб “Ойина” журналида чоп эттирган қутловида қувончини ичига сифдиролмай “Бор бўлсин миллат! Яшасин, тараққийпарвар ёшлар, фидокор тужжору муҳаррирлар! Обод бўлсин Ватан!” дея хитоб қилган эди. У Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ташаббусини қизғин олқишлиб, “Садои Туркистон” газетаси ижодий жамоасига ўзининг самимий тилакларини изҳор этади.³

“Садои Туркистон” газетасининг биринчи сонида муҳаррир У.Асадуллаҳўжаев газетанинг мақсад ва маслагини баён этиб рус ва ўзбек тилларида ёзилган мақоласи билан қатнашган. Рус тилида чоп этилган ҳажман кичик мақолада “Садои Туркистон”ни чиқаришдан кўзланган мақсад умумий тарзда ифодаланган бўлса, “Убайдулла” имзоси билан босилган иккинчи мақолада бу масала хусусида батафсил фикр юритилади. Муаллиф ўлкадаги маҳаллий аҳоли олдида кўндаланг турган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш

¹ Бу босмахона 1888 йилда Тошкентда Василий Мефодович Ильин томонидан ташкил қилинган ўз даврининг йирик полиграфия корхоналаридан бири бўлган. Унда А.Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллӣ шеърлар» /1909/ «Биринчи муаллим» /1912/, «Гулистон ёхуд ахлоқ» /1913/, «Иккинчи муаллим» /1915/, Мунаввар корининг «Адиби аввал» (1914) китоблари, шунингдек, У.Асадуллаҳўжаевнинг ташаббуси билан «Куръон» шу босмахонада чоп этилган.

² Шўро, 1914 йил, 5 май.

³ Ойина 1914 йил, 25-сон.

воситалари хусусида аниқ тасаввурга эга бўлган. У бунёд этилган газета миллатни забунликдан қутқариш мақсадига хизмат қилажагини асослаб, ёзади: "...биз Туркистонликлар на замонга қараб ҳаракат қилурмиз, на дин ва шариатимизга суюнурмиз, на тарихимиздан ибрат олурмиз... Бизим шул қадар ғафлат ва жаҳолатимизни кўра туриб янада сабр ва қаноат ила сукут этмай муқаддас ватанимиз ва меҳрибон онамиз бўлғон Туркистонга қўп оғир келди.

Шул сабабли ул ўзининг дилдан чиққан ҳазин "садоси" ила ўз авлодларининг сўйлаган сўзу чиқорган садоларининг таржимони бўладурлар... Олия муқаддас онамиз бўлғон ватанга шояд ожизона бир хизмат бўлса деб биз ҳам зиммамизга "Ватан таржумони" киби оғир бир юкни юкламакка жасорат этдик"¹.

Мақола мазмунидан Убайдуллахўжа "Садои Туркистон" газетасининг мақсад ва маслагини белгилашда И smoилбек Фаспрали томонидан 1883 йилда Кримда чиқарилган ва Туркистонда ҳам кенг тарқалган машхур "Таржумон" илгари сурган маърифатпарварлик ғояларидан илҳомланганлигини яққол пайқаш мумкин. Дарвоҷе, мақолада "таржумон" сўзининг ишлатилиши ҳам бежиз эмасдир.

Бош муҳаррир "Садои Туркистон"нинг маърифий нашр сифатида давом этажагини англашиб "жаридамизда ҳозирда энг зарур бўлғон майший, фанний, иқтисодий ва тарихий сўзларни сўйлаб, сиёсий сўзлардан мумкин қадар сақланмоғи табиийдур" деб ёзади² ва газетанинг шу йўналишдан ташқари чиқмаслигини таъкидлайди. Ўз-ўзидан равшанки, мустамлакачилик шароитида ҳарбий цензура назоратида фаолият кўрсатган "Садои Туркистон"нинг сиёсий масалалар хусусида баҳс юритиш имкониятлари жуда чекланган эди. Шу муносабат билан газетада босилган "Вазифамиз нимадур" сарлавҳали мақола эътиборга лойиқ. "Садои Туркистон" ўз саҳифаларида жаҳон афкор оммасининг диққат марказида бўлган биринчи жаҳон уруши

¹ Садои Туркистон, 1914 йил, 4 апрель.

² Садои Туркистон, 1914 йил, 4 апрель.

воқеалари хусусида мухтасар телеграф хабарларини босиш билан кифоялангаётганини тушунтириб: “Туркистонда ҳафтада бир марта чиқадиган мусулмон жаридасининг вазифаси ўзининг саҳифаларини миллат учун аҳамияти бўлмағон ва халқнинг савияси кўтармаган хабарлардан сақламоқ, ҳар нарсадан олдда миллатни мақсад тутиб шуни кўрмак, шуни тушинмакдур. “Садои Туркистон” шунга ўхшаш миллий жарида бўлғони учун миллий масалалардан ошиқ қолғон сатрларнигина муҳораба руқнига бағишиламакдадур”¹ дея ёзган эди. Афтидан, газетхонлар саволларига жавобан ёзилган бу мақоладан “Садои Туркистон” бош муҳаррир белгилаган йўналишга изчил амал қилганини пайқаш қийин эмас.

Ношир ва бош муҳаррир У.Асадуллахўжаев олдида турган энг мураккаб вазифа бу газетани белгиланган маслак асосида рўёбга чиқаришга қодир бўлган қалам соҳибларини топиш эди. У бунга муваффақ бўла олди. Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Музafferзода каби маърифатпарварлар унга кўмакка келиб “Садои Туркистон” идорасида ишлай бошлишди. Уларнинг ҳар бири газетачилик соҳасида муайян тажрибага эга бўлган, матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини теран фаҳмловчи қаламкашлар эди.

Чунончи, М.Абдурашидхонов 1906 йилда “Хуршид” номли газетани ташкил этган ва унинг фаолиятига етакчилик қилган. А.Авлоний эса 1907 йилда “Шуҳрат” газетасига асос солган эди. “Садои Туркистон” газетаси ижодий жамоасининг ўзагини XX аср бошидаги ўзбек маърифатпарвар адабиёти ва публицисткасининг яловбардорлари бўлган мана шу сиймолар ташкил этган эди. У.Асадуллахўжаев бош муҳаррир сифатида улардан ўринли фойдалана олди. “Садои Туркистон” тарихига оид мавжуд манбаларда мазкур газетада доимий ҳамкорлик қилган муаллифларнинг номлари кўрсатилган бўлса-да, аммо таҳририят жамоасининг ўзагини ташкил этган, бош муҳаррир

¹ Садои Туркистон, 1914 йил, 6 май.

У.Асадуллахўжаевга мададкор бўлган қаламкашлар тўғрисида маълумот учрамайди. Газета тарихига оид янги материалларни ўрганиш асосида куйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик. 1914 йилда Туркистон сафари чоғида Тошкентда бўлган ва “Садои Туркистон” идорасига ташриф буюрган татар сайёхи ва журналисти Иброҳим Тоҳирий Оренбургда нашр қилинган татарча “Шўро” журналида “Садои Туркистон” тўғрисида мақола эълон қилиб, унда мазкур газета идорасида Абдурауф Музafferов ва Мунаввар қори Абдурашидхоновлар жонбозлик кўрсатиб ишлаётганликларини қайд этган¹. 1914 йил сентябрь ойида мустамлакачи амалдорлар ташаббуси билан “Садои Туркистон” газетаси устидан қўзғатилган жиноий иш материаллари орасида М.Абдурашидхоновнинг судга гувоҳ сифатида чақирилганлиги ва унинг судга кўрсатма берганлигини тасдиқловчи ҳужжат сақланиб қолган. Суд баённомасига илова қилинган ушбу ҳужжатда М.Абдурашидхонов “Садои Туркистон” газетаси идорасидаги фаолияти хусусида куйидагиларни айтган: “Мен “Садои Туркистон” газетасида адабий ходим бўлиб ишлайман, вазифам газета учун мақолалар ёзиш билан бирга унда чоп қилинадиган хабар ва мақолаларни таҳрир қилишдир”².

М.Абдурашидхоновнинг ижтимоий фаолиятини доимий равишда зимдан кузатиб борган Россия охранкасининг Туркистон бўлими ўлка бош губернатори номига йўллаган билдиришномаларида Мунаввар қорини “Садои Туркистон” газетасининг асосий маънавий устунларидан бири деб кўрсатган. Тошкент район қўриқлов бўлимининг 1916 йил 19 ноябрда Сирдарё ҳарбий губернатори номига йўллаган махфий билдиришномасида шундай дейилади: “1914 йилда Мунаввар қори “Садои Туркистон” газетасининг муҳаррири, хусусий ҳимоячи Убайдулла Хўжаевнинг асосий ёрдамчиси бўлган”³. Айтилганларидан маълум бўладики, Мунаввар қори

¹ Шўро, 1914 йил, 30 октябр.

² ЎзМДА. ТФ – 128. 1-рўйхат, 1795 иш, 13-варак.

³ ЎзМДА. ТФ-461, 1-ёзув, 17654 – иш, 77-80 вараклар

Абдурашидхонов “Садои Туркистон” газетаси идорасида катта мавқега эга бўлган, уни чиқаришда бош муҳаррир У.Асадуллахўжаевга фаол кўмаклашган. У.Асадуллахўжаев Мунаввар қорини фақат маслакдош, миллатпарвар инсон сифатидагина эмас, балки газетачилик ишидан яхши хабардор, тажрибали мақоланавис бўлганлиги учун ҳам юксак қадрлаган. Бу пайтларда Мунаввар қори ўлкадаги тараққийпарвар зиёлилар, айниқса ёшлар орасида миллатпарвар, маърифатпарвар арбоб сифатида катта шуҳрат топган. У ўлка маҳаллий тараққийпарварлар жамоатчилигига 1906 йили Тошкентда нашр қилинган “Хуршид” исмли ўзбек миллий газетасининг асосчиси ва бош муҳаррири, ўлкадаги миллий таълим тизимини ислоҳ қилишга, халқни илм - маърифат зиёсидан баҳраманд бўлишга ундовчи жанговар мақолаларнинг муаллифи, ўқувчи ёшларни дунёвий илмлардан хабардор этувчи усули жадид мактабларининг изчил тарғиботчиси сифатида яхши таниш эди. У она юрти Туркистонни мунаввар қилиш ғояларини фақат матбуот саҳифаларида эмас, балки йиғинларда, ёш зиёлилар билан учрашувларда ҳам кенг ташвиқ қилган¹. Мунаввар қори 1914 йил кўкламида Фарғона водийсига сафарга чиқиб, у ердаги усули жадид мактабларида ўқитиш ишларининг аҳволи билан танишади, мактабдорлар билан ўз тажрибасини ўртоқлашади. “Садои Туркистон” газетаси муаллифларидан бири Нуширавон Ёвшев ушбу газетада босилган “Сайёҳат парчалари” очеркида Мунаввар қорининг Наманган зиёлилари билан учрашувини куйидагича тасвирлаган: “Мунаввар қори афанди билан учрашмоқ маним учун кўп яхши ўлди. Шунинг орқасида Наманган зиёлилари билан кўрушиб, онлар билан танишдум. Мунаввар қорини Наманган ёшлари комил ҳурматда кўтариб қарши олдилар. Мунаввар афанди зиёлиларга хитобан: “Сизларга охирги сўзим шул: мактабларининг тараққий ва ривожига чолушингиз... Бизнинг истиқболимиз шул мактаб масаласи билан боғлуқдир. Ҳозирда биз учун лозим ўлғон

¹ Қаранг: Сироҷиддин Аҳмад. Мунаввар этди оламни. //Театр. 2007, 1-сон. –Б.24, 27.

энг яхши нарса: Мактаб! Мактаб! Мактаб!” деб оташ аравага минуб Ҳўқанд тарафга сафар қилди”¹. Мунаввар қори Абдурашидхонов “Тараққий”да бошлаган илғор ғояларини “Садои Туркистон” саҳифаларида давом эттиради. Профессор Бойбўта Дўстқораев баҳолаганидек: Мунаввар қори Абдурашидхонов сингари маърифатпарварлар маҳаллий аҳоли ўртасида илдиз отган катта бир иллат-жаҳолат учун курашдилар. “Жаҳолат бу бирор нарсани билмаслик, жаҳли мураккаб эса билмаган нарсасини жаҳолати туфайли англамаслик, яъни икки карра жаҳолатдир”². Бу ғоя Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг мусулмон мактабларидаги ўқитиш тизимини кескин танқид қилишига олиб келди. Ҳаётга, замонга мос, фанлар, жумладан ҳисоб, жуғрофия, тарих, ислом тарихи ўқитилишини тарғиб этди. Яна эътиборли жиҳати ўқитувчиларга замонавий педагогик услубларни эгаллаш зарурлигини ўқтириди. “Бу фикрлар ўша пайтда дин аҳллари, уламоларнинг жамиятда мавқелари катта бўлиб турган замонда дадил ўртага ташланиши, жасорат эди”, деб ёзади Б.Дўстқораев. Ҳақиқатан ҳам, жадидлар ҳам чоризмга, ҳам маҳаллий уламоларга қарши курашдилар. Таракқиётни – эскилик сарқитларидан холи, замон билан ҳамнафас, ҳур фикрлилиқда деб билдилар.

Архив материаллари Мунаввар қорининг “Садои Туркистон” газетаси чиқишдан тўхтагандан сўнг ҳам У.Асадуллахўжаев билан биргаликда фаол ижтимоий фаолият олиб борганлигини тасдиқлайди. Уларнинг ҳар иккиси биринчи жаҳон уруши даврида чор ҳукумати томонидан фронт орқасида ишлаш учун Туркистондан сафарбар қилинган маҳаллий миллат фарзандларининг оғир қисматини енгиллатиш, ҳукуматнинг туркистонликларни мардикорлик ишига жалб қилиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш учун жиддий ҳаракат бошлайдилар. Бу даврда уларнинг диққат марказида “Садои Туркистон” фаолиятини тиклаш, бунинг учун зарур маблағни топиш масалалари ҳам турар эди³.

¹ Садои Туркистон, 1914, 20 сентябр.

² Дўстқораев Б. Таракқий бошлаб берган йўл. Хуррият, 2006, 28 июн.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-том. -Т.: Шарқ, 2000.

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, 1916 йилнинг 31 октябрида тошкентлик савдогар Орифжон Муллабоевнинг уйида ўлка ҳаётига доир масалаларни муҳокама қилмоқ мақсадида махсус хусусий кенгаш чақирилиб, унда 30 киши, жумладан У.Асадуллахўжаев ва М.Абдурашидхоновлар ҳам иштирок этганлар. Кенгашда “Садои Туркистон” газетасини тиклаш масаласи ҳам кўрилган. Газетани Андижонда рус тилида нашр қилинаётган “Туркестанский голос” рўзномасининг ношири А.А.Чайкин томонидан тузилган “Туркистон ноширчилик жамияти” қошида чиқариш назарда тутилган бўлиб кенгаш қатнашчилари ана шу жамиятга пайчи бўлиб киришга розилик билдирганлар ва 500 сўм миқдорида дастлабки бадални беришга қарор қилганлар¹. Бу даврда У.Асадуллахўжаев ва М.Абдурашидхоновларнинг ҳар бир қадамини зимдан кузатиб борган Тошкент район қўриқлов бўлими бошлиғи Пригар ўз айғоқчилари томонидан тўпланган маълумотларга асосланиб 1917 йил 9 январда Сирдарё ҳарбий генерал-губернаторини “Садои Туркистон” нинг тикланмоғидан дарҳол хабардор этган: 1916 йил 26 декабрь куни Хўжаев /Убайдулла Асадуллахўжаев/ сарт тилида “Садои Туркистон” исмли янги газетани чиқармоқ мақсадида Тошкентдан Андижон шаҳрига жўнаб кетди. Бу газета икки йил муқаддам Тошкентда нашр қилинган. Газетага ўша Хўжаевнинг ўзи муҳаррирлик қилган. Шу йилнинг январидан газета яна нашр қилина бошлайди. Ҳозирча у ҳафтада уч марта, кейин ҳар куни чиқади. Бу сафар газета Тошкентда эмас, Андижонда босилади. Газета “Туркестанский голос” газетаси таҳририяти қошида шу газетанинг муҳаррири-ношири Анатолий Афанасьевич Чайкин раҳнамолигида чиқарилади... “Садои Туркистон” га Тошкент янги усул мактабининг таникли ўқитувчиси Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳақиқий муҳаррир бўлади. Газетанинг дастлабки икки сони бевосита Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг раҳбарлигига чиқарилади. Сўнгра у яна Тошкентга қайтади ва у

¹ ЎзМДА. ТФ-17, 4963-иш, 1-рўйхат, 77-варак.

ерда “Садои Туркистон” га мақолалар юбориб туради. Бундан ташқари, газетада Давлат думасининг мусулмонлар фракциясига мансуб бир нечта таниқли депутатлар ва маҳаллий журналистлар ҳамкорлик қилишга ваъда берганлар. Буларнинг мақолалари сарт тилига таржима қилиниб, тикланган газетада босилади¹. Чор айғоқчилари “Садои Туркистон” фаолиятини Андижонда тиклаш учун олиб борилаётган амалий тайёргарлик ишларидан жуда яхши хабардор эканликларини англатувчи мазкур парча тикланажак газетада Мунаввар қори Абдурашидхонов қандай ўрин тутиши ҳақида тасаввур беради. Бироқ “Садои Туркистон” ни Андижонда тиклаш режаси амалга ошмайди. Фарғона вилоят харбий губернатори газетани Андижонда чиқаришга рухсат этмайди. Бу ҳақда М.Муҳаммаджонов ҳам қайд қилган².

Россияда подшолик тузумига барҳам берган февраль инқилоби Туркистондаги ижтимоий ҳаётга ҳам таъсири кўрсатади. Ўлкада қатор янги миллий газеталар вужудга келади. Уларни ташкил қилиш ва чиқариш ишига тараққийпарвар миллий зиёлилар, жумладан, Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам бош-қош бўлган. У 1917 йил март ойида ўз фаолиятига “Мусовот/тенглик/ хуррият, адолат” шиорини асос қилиб олган “Нажот” газетасини ташкил этди. “Шўрои ислом”/1917-май/, “Кенгаш”/1917-июнь/ газеталарида моқоланавис сифатида фаол қатнашди, “Кенгаш” газетасида Аҳмад Закий Валидийдан кейин муҳаррир бўлиб ҳам ишлади. У Туркистоннинг тараққий топган, ҳур ва мустақил мамлакат бўлишини орзу қилган эди. Умрини шу эзгу мақсадга бағишлиган миллат фидойиси Мунаввар қори Абдурашидхонов ўзбек матбуоти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Етакчи ходимларидан бўлган Абдурауф Музаффаровнинг ҳам “Садои Туркистон” газетасига меҳнати кўп сингган. Юқорида зикр этилган суд ишида у айбланувчи сифатида иштирок этган. Тергов варақасида у “Садои Туркистон” газетасининг ходими деб кўрсатилади. Суд жараёнига оид хужжатларда унинг ёши, оилавий

¹ ЎЗМДА. ТФ-17, 4963-иш, 1-рўйхат, 74-варак.

² Оллворт Э. Жадидлар ҳақида яширилган ҳикоялар. ЎЗАС, 1992, 11 сентябрь.

аҳволи, туғилган жойи, ижтимоий келиб чиқиши, миллати, диний эътиқодига доир маълумотлар ёзилган. Аён бўлишича, Абдурауф Музаффаров 1889 йилда Россиянинг собиқ Симбирск губернасида Синчилевск уезди, Старо -Тимошкино қишлоғида туғилган. Миллати – татар. Отаси дехқон бўлган. Тақдир тақозосига кўра, у 1914 йилнинг бошларида Туркистонга келиб қолган¹. У “Садои Туркистон” таҳририятига ишга келган пайтда эндиғина 25 баҳорни қаршилаган навқирон йигит эди. Судья номига ёзган тушунтириш хатида у ўзбек тилини ҳали пухта эгалламаганини, уни мукаммал ўрганиш учун бетиним ишлаётганини қайд этган. Абдурауф Музаффаров газетачилик ишларини ҳам тез орада яхши ўзлаштириб олади ва масъул котиб вазифасини адо этади. Судда гувоҳлик берган шахслар Абдурауф Музаффаров “таҳририят котиби” деб таъкидланганлари буни тасдиқлайди. А.Музаффаров таҳририят котиби зиммасидаги машаққатли юмушлар билан ўралашиб қолмай, сермаҳсул ижодий фаолият билан ҳам шуғулланган. “Садои Туркистон” саҳифаларида унинг қаламига мансуб 40 дан ортиқ мақола мавжуд. Газетанинг қарийб ҳар бир сонида “Рауф Музаффарзода”, “А.Музаффаров” имзолари билан мақолалари чоп этилган. Улар муаллифнинг ўткир зеҳнли, билимдон, муаммоларни теран фаҳмловчи, эътиқоди кучли публицист бўлганлигидан далолат беради.

А.Музаффаров “Садои Туркистон” тўхтагандан сўнг ҳам мақоланавислик фаолиятини давом эттирган. Чунончи, Мунаввар қори муҳаррирлигида нашр қилинган “Нажот” газетасида ҳамкорлик қилган.

Бош муҳаррир Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев газета теварагига ана шундай сиймоларни жалб этибгина қолмай, улар фаолиятига кенг йўл очиб берди. Ўзи ҳам таҳририят ишини ташкил қилиш ва бошқариш билан бирга газетада турли мавзуларда чиқишлиар қилиб мақоланавис сифатида танилиб борган. Унинг мақолалари аксарият ҳолларда “Убайдулла” имзоси билан чоп

¹ ЎзМДА. ТФ-132, 1-иш, 20-варак.

этилган. Шу ўринда У.Асадуллахўжаевнинг газетадаги ижодий иштироки хусусида ўзбек матбуоти тарихининг илк тадқиқотчиларидан бўлган Зиё Сайднинг бир фикрига муносабат билдириб ўтиш жоиздир. “Бу киши, – деб ёзган эди у,- мусулмонча ёзиш-ўқишни билмайди. Шунинг учун бош мақолани Мунаввар қори ва А.Музafferов деган бир татар ёзиб берар эди”¹. Ихтиёrimиздаги маълумотлар бу даъвонинг ҳақиқатдан йироқ эканлигидан, У.Асадуллахўжаев рус тили билан бирга ўзбек тилини ҳам мукаммал билғанлигидан далолат беради. Чунончи, Чор охранкасининг Туркистон бўлими бошлиғи томонидан 1916 йил ноябрида Туркистон Генерал-губернатори номига йўлланган билдиришномада: У.Асадуллахўжаевнинг рус-тузем мактабини тугатиб, Тошкентдаги биринчи суд идорасида таржимон бўлиб ишлагани қайд этилган. Шоир Шукурулло “Тирик руҳлар” хотира романида тоғаси Убайдуллахўжа русчадан ўзбекчага бадиий асарларни таржима қилганига доир мисоллар келтирган. Мана шу фактларнинг ўзиёқ Зиё Сайднинг фикри ҳақиқатга мос келмаслигини кўрсатади. Муҳаррирнинг жонбозлиги туфайли “Садои Туркистон” га четдан доимий ёзиб турувчи қалам аҳлларининг сафи кун сайин кенгая борди. Зиё Сайд “...бу газета ўз атрофига кўп кишини жалб қилди. Ўлкадан мухбирлар етиштириди”² - деб ҳақ гапни ёзган эди. Газетада доимий ҳамкорлик қилган Тўлаган Хўжамиёров /Тавалло/, Сайдносир Миржалилов, Ҳамза Ҳакимзода, Холид Сайд, Абдулҳамид Сулаймон /Чўлпон/, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Абдулла Қодирий, Мўминжон Муҳаммаджонов /Чаён/, Абдулла Эрғозиев, Нўширавон Ёвшев, Сиддиқий, Лутфулло Олимий, Мулла Сайд Аҳмад Васлий, Фузаил Жонбоев, Бадриддин Аъламий, Ҳожи Муин, Иброҳим Даврон, Шокиржон Раҳимий ва даврнинг бошқа ўнлаб илғор зиёлилари “Садои Туркистон”нинг мазмун-мундарижа жиҳатидан бой бўлишига зиммасидаги ижтимоий вазифаларни муваффақиятли адо этишга муносиб ҳисса қўшдилар. Улар кўмагида газета таҳрир

¹ Зиё Сайд. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар. –Т.: Ўздавнашр. 1927. -.Б.44.

² Зиё Сайд. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар. –Т.: Ўздавнашр. 1927. -.Б.44.

ҳайъати “Садои Туркистон” ни чинакам миллий, маърифий нашрга айлантира олди. Айни пайтда газета барча мухлислар учун муҳим ижтимоий тарбия мактаби хизматини ўтади. Газета идораси миллий матбуотни “миллатнинг умумдарсхонаси” дея таъриф қилган эди. Газета ўз муаллифларини “миллат фойдасини кўзлаб” қалам суришга ўргатди. Бу талаб газета таҳририяти иш принципининг, шунингдек ҳамкорлик қилган муаллифлар фаолиятининг, қатъий риоя қилиниши лозим бўлган энг асосий шарти эди. Идора (таҳририят) номидан босилган мақолаларда, “Идорадан мактублар” рукни остидаги мухлисларга берилган жавобларда “Садои Туркистон” “миллат фойдасига наф келтирувчи нарсаларнигина дарж этадур” деган талабнинг муттасил таъкидланганлиги бу фикрни тўла тасдиқлади. Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари миллий маданиятимизнинг ёрқин намоёндалари қалам воситаси билан Ватан, миллат учун фидоий хизмат қилиш сабоғини дастлаб “Садои Туркистон” газетасида олдилар. Бу мактабдан келгусида она-юрт озодлиги, мустақиллиги учун жон фидо қилган талайгина миллатпарвар, ватанпарвар курашчилар етишиб чиқдики, бу “Садои Туркистон”нинг катта тарихий хизматидир.

§ 1.2. Газетанинг йўналиши, иқтисодий аҳволи ва таъқиб этилиш сабаблари

Маълумки, газета жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, маънавий жиҳатларинигина эмас, балки иқтисодий муносабатлар соҳасини ҳам акс эттирувчи воситадир. Айни пайтда, ўзи ҳам моддий маҳсулот товардир. Шу маънода газета бизнес билан алоқадордир. Фаолияти хўжалик юритишнинг эркин тадбиркорлик тизими шароитида кечган “Садои Туркистон” газетасининг иқтисодий аҳволи шу нуқтаи назардан таҳлил қилинса, деярли барча миллий газеталар сингари унинг ҳам моддий жиҳатдан катта қийинчиликларга дуч келгани кўринади.

Газета фаолиятига бевосита даҳлдор бўлган бу масала устида унинг ношири ва бош муҳаррири, таҳририятнинг барча аъзолари

доимий бош қотиришган. “Садои Туркистон” ҳаражатининг асосий қисмини уни сотишдан тушган маблағ ташкил этган. Шу боис таҳририят газета ададини муттасил ошира бориш ва даврийлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлган. Бош муҳаррир У.Асадуллахўжаев газетанинг биринчи сонида чоп этилган дастурий мақоласида: “Жаридамизни ҳозирча ҳафтада икки марта, кейинроқ муҳлисларимизнинг моддий ва маънавий мададига суюниб ҳар қун чиқариш ниятидамиз”¹ деб ёзган эди. Газета, асосан, муштариylарга обуна ва чакана савдо йўли билан тарқалган. Унинг йиллик обуна баҳоси 4 сўм, ярим йилга 2 сўм, 3 ойга 50 тийин миқдорида белгиланган эди. Чакана савдода газетанинг ҳар бир сони 5 тийиндан сотилган. Таҳририят номидан газетада босилган айрим мақолаларда “Садои Туркистон”нинг ҳар бир сони ўртача минг нусхада босилгани қайд этилган. Манбаларнинг кўрсатишича XX аср бошларида Туркистонда 7.464100 киши яшаганлиги қайд этилган². Убайдулла Асадуллахўжаев ўзининг “Мақсад ва маслак”³ мақоласида: Туркистоннинг 6-7 миллион аҳолиси дарду аламларини шу биргина газета саҳифаларига сифдира олармикан, деб қайғуради. Бу рақам ўз даври учун ҳар қалай анча юқори кўрсаткич бўлса-да, ўлкадаги бутун нашриётчилик иши соҳасидаги барча муносабатлар ўзгарувчан эркин, бозор нархлари шаклида бўлганини ҳисобга олсак, минг ададнинг сотилишидан тушадиган маблағ газета ҳаражатларини қоплаш учун асло кифоя қилмаган. Таҳририят қофоз, босмахона ва почта хизмати учун катта миқдорда пул тўлашга мажбур бўлган. Чунончи, идорага четдан келадиган ҳар бир мактуб учун почта маҳкамасига 10 тийиндан тўланган. Хуллас, газета дастлабки кунлариданоқ ўз ноширига катта миқдорда молиявий зарар келтира бошлади. Татар сайёҳи ва журналисти Иброҳим Тоҳирий бу тўғрида шундай маълумот келтиради: “Садои Туркистон” газетаси ёлғуз муҳтарам юрист Убайдулла афанди

¹ Садои Туркистон, 1914 йил, 4 апрель.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1 том. -Т.: Шарқ, 2000.

³ Садои Туркистон, 1914 йил, 4 апрель.

Хўжаев жанобларининг ҳимматигагина боғлиқдир. Газетанинг ҳар бир нўмиринда 30-40 сўм зарар кўриб боратурган муҳтарам юрист миллатпарвар Убайдулла афанди бир эл ҳомийсига эга бўлса гўзал эрур эди”¹. “Хурматлу вакил ва муштариylаримизфа мурожаатимиз” сарлавҳали мақолада таҳририят “Садои Туркистон” нинг моддий аҳволини қўйидагича баён қиласи: “Садои Туркистон” янги чиқсан замонларида вакилларимиз тарафидан йифилган обуна пуллари ила чиқарилса ҳам, уч ойдан бери фақат мудирининг ҳиммат ва ғайрати соясиндагина давом этмақдадур. Газета ўзининг соҳибига тахмин қила олмаслик зиён кетурди. Икки-уч ойдан буён мудирининг ҳиммати ила идоранинг ташкилоти сақланиб келди, ҳануз сақланмақдадур”². Биз ушбу мақоладан яна бир парчани келтириб ўтишни лозим топдик. Бу факт фақат “Садои Туркистон” газетасининг эмас, балки XX аср бошидаги бутун миллий журналистикамиз тараққиётининг энг муҳим омилларидан бири-матбуот иқтисодий таъминотининг қай даражада бўлганлиги, даврий нашрлар иқтисодий аҳволининг қандайлиги, молиявий тўсиқларни бартараф қилиш йўллари ҳақидаги ўша давр журналистлари қандай таклифларни илгари сурғанликларини англаш жиҳатидан аҳамиятлидир. “Жаридамиз, - дейилади мақолада, - ҳафтада бир мартаба давом этмакда бўлса ҳам ихлосу муштариylаримизнинг икки мартаба чиқмоғин орзу қилмаклари табиийдир. Лекин маал таассуф, жаридамизнинг моддий жиҳати бунга йўл бермайдир. Бунинг ила баробар матбааларимиз ва онда хизмат қиладургон мукаммал ишчиларимиз йўқдир. Биноан алайҳа, мунтазам суратда иш юритмак учун доимам оқчага эҳтиёж тушадир. Эҳтимол, баъзилар Қозонда ва Оренбургда чиқадургон татар жаридалари 4-5 сўмдан обуна пули ила ҳар кун мунтазам давом этадирлар, нимага Туркистон жаридалари ҳафтада икки мартабагина бўлса ҳам, чиқа олмайдирлар? - деб таажуб қилурлар... Русияда чиқадургон кунлик татар жаридаларининг тақрибан 15 минг муштариylари бор. Обуна

¹ Шўро, 1914 йил, 5 май.

² Садои Туркистон, 1914 йил, 12 ноябрь.

баҳоси 5 сўмдан бўлганда ойлик хусуллари 75000 сўм бўладир. Бунинг ила баробар матбаалар жаридаларнинг ўзига маҳсус бўлиб, доима ҳар турли заказлар қабул этмақдадирлар. Бу матбаалар ҳимматли ва маърифатпарвар бойлар тарафидан таъсис қилинуб, жариданинг моддий жиҳати таъмин этилмишdir..... Бизим Туркистон жаридаларига келсак, муштариylари ҳозирда мингдан ошмайдир. Матбаа эса жаридага хос бўлиш у ёқда турсин, ҳатто бутун шаҳар мусулмонлари учун матбаа бўлмаган ўринлар кўпдур. Масалан, бизим Тошканда мусулмонлар тарафидан очилган ва жарида бостирмакға арзийдиргон ҳеч бир матбаа йўқдир... Иш ва ҳол бу тариқа бўлганда Туркистондагина эмас, ҳеч бир ерда жаридалар мунтазам давом эта олмайдирлар. Ҳозирда миллий матбуотни тараққий этдурмак учун матбуот мухиблари ва маориф ошиқларига таянамиз. Туркистонда матбаалар очиб, матбуот нашр қилишни ёлғуз бир ҳовуч зиёлиларимиздангина умид этмакға йўл қолди... Ваъдамизга мувофиқат учун икки мартаба чиқармакга қанча файрат этсак ва кўб ташвишлар қилсак ҳам, мумкин бўлмади. Энди икки мартаба ё ондан ошиқ чиқармоқ учун муштарий кўпайтирмакдан бошқа чора кўрилмайдир”¹.

Келтирилган парчадан аёнки, “Садои Туркистон” идораси газета тараққиётини таъмин этмоқ учун муштариylар сонини кўпайтиришни зарур деб билади. Бошқача айтганда, газетани товар маҳсулоти сифатида сотишдан тушадиган пул маблағини таҳририят харажатининг асосий манбай ҳисоблайди. Иккинчи диққатга сазовор мулоҳаза - бу газетанинг босмахоналарга мулкдор сифатида эгалик қилишидир. Бу тадбир, идоранинг фикрича, газетани иқтисодий қарамликдан қутқар-ган, босмахона келтирадиган қўшимча даромаддан газетачилик ишла-рини кенгайтириш учун ҳам фойдаланиш имконини яратган бўлур эди.

Таҳририят даромадининг яна бир манбайнини айтиб ўтиш лозим. Бу эълонларни босишдан олинадиган пул маблағидир. Бироқ кузатишлиаримиз “Садои Туркистон” идораси даромад манбайнинг

¹ Садои Туркистон, 1914 йил, 12 ноябрь.

бу муҳим туридан самарали фойдалана олганлигини тасдиқлай олмайди. Газетанинг моддий аҳволига доир мақолаларда реклама ва эълонларнинг берилиши газета иқтисодий аҳволининг яхшилаши учун муҳим аҳамият кўрсата олмаган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, XX аср бошидаги миллий даврий матбуотимизда рекламачилик иши маҳаллий шароит билан боғлиқ қатор сабабларга кўра, дуруст ривожлана олмаган. Бунга рекламачилик ишини сифатли ташкил қила оладиган маҳаллий мутахассисларнинг қарийб йўқлиги, миллий газета ва журналлар тиражининг камлиги ҳамда бошқа омиллар тўсиқлик қилган. “Садои Туркистон” идораси “Аҳли ҳиммат тарафидан моддий жиҳати таъмин этулса, жаридани иккигина эмас, ҳар кун чиқармакка ҳозирмиз. Ҳамиятли бойларимизнинг ва миллатпарвар ёшларимизнинг назар диққатларини жалб этамиз”¹, -деб пулдорларнинг молиявий кўмагидан умидвор бўлса-да, лекин амалда бу ният ушалмади. Биз газета фаолиятини тадқиқ этиш жараёнида четдан бирор хусусий тадбиркорлар ёхуд ташкилот газетага хомийлик кўрсатганлигини тасдиқловчи фактга дуч келмадик.

Газета “Нашриёт ширкати” сарлавҳали кичик хабарда қўйидагиларни ёзади: “Бу ширкатнинг мақсади Туркистон мусулмонлари орасига жаридалар, журналлар ва ҳар хил фойдали китоблар тарқатуб аҳолини маданият, илм ва маоруф ила оқартурмақдур. Яқин кунларда “Садои Туркистон”нинг нашр иши ҳам эҳтимол мазкур ширкат исмига кўчирилур. Чунки бу ҳақда ҳам ширкат аъзолари орасида музокаралар бўлиб турмакдадур”². Бироқ бу режа ҳам амалга ошмади. Бунинг сабабини газет идораси мана бундай тушунтирган: “Жариданинг моддий жиҳатини таъмин қила олмайдурган ширкатлар ё хусусий одамлар қўлина “Садои Туркистон”нинг ноширин кўчирмакни мудир маъқул топмайдур”³. Афтидан, “Нашриёт ширкати” раҳбарияти “Садои Туркистон”ни моддий мушкилотдан қутқара олишига У.Асдуллахўжаевнинг кўзи

¹ Садои Туркистон. 1914, 5 октябрь.

² Садои Туркистон. 1914, 3 сентябрь.

³ Садои Туркистон. 1914, 12 ноябрь.

етмаган кўринади. Тахририят газетани оғир иқтисодий аҳволдан қутқаришнинг бошқа йўлларини ҳам излаган. Чунончи, газетанинг “Миллий театр труппаси” сарлавҳали муҳтасар хабаридан аён бўлишича, газета муҳлисларидан бир гуруҳи А.Авлоний раҳбарлигида 1914 йилнинг декабрида Тошкентда миллий театр труппасини тузиб, Фарғонага жўнаб кетганлар. “Аларнинг мақсадлари, - дейилади хабарда, - ул тарафлардаги шаҳарларда бўлғон очиқ фикрли ёшларимиз ва зиёлиларимиз ила қўшилиб театр ва адабиёт кечалари ташкил қилмоқ ва бу тариқа “Садои Туркистон”нинг моддий жиҳатдан бир қадар таъмин этмакдур”¹. Аммо бу тадбир ҳам газетанинг оғир моддий аҳволини енгиллаштира олмади. Газета идораси “Садои Туркистон”нинг кундан кун ўсиб бораётган харажатларини қоплай олмай, охири унинг фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бу ҳақда “Туркистон вилоятининг газети” ҳам қуйидагиларни маълум қиласди: “Тошкентда чиқадургон “Садои Туркистон” газетига пул тўлаб оладургон мусулмонларнинг айтганига қараганда, мазкур газеталар ўз вақтида тегмаган сабабдин тўхтатилган”². Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг “Тирик руҳлар” хотира романида келтиришича, “Садои Туркистон” саҳифаларида Убайдулла Асадуллахўжаевнинг чоп этилган сиёсий мақолалари учун газета ёпилади³. Аммо қўлимизда буни тасдиқловчи архив маълумотлари ҳозирча йўқ. “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китобининг I томида: бу сафар ҳам чор амалдорлари зулмидан омон қолган Убайдулла Асадуллахўжаев Андижонда чоризмга қарши қаратилган фаолиятини давом эттиради, деб ёзилган⁴.

“Садои Туркистон” газетаси ходими Мўминжон Муҳаммаджоновнинг ёзишича, У.Асадуллахўжаев андижонлик таниши журналист Вадим Чайкиндан “Садои Туркистон” фаолиятини тиклашда ёрдам беришини илтимос қиласди. “Чайкин, -

¹ Садои Туркистон. 1915, 6 январь.

² Туркистон вилоятининг газети. 1915 йил, 26 апрель, 31 сон.

³ Шукрулло Тирик руҳлар -Т.: Шарқ, 1999. –Б.104.

⁴ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 том. -Т.:Шарқ, 2000. -426-444 бетлар.

деб ёзади М.Муҳаммаджонов, - Фарғона Ҳарбий - губернатори Ивановдан бир неча марта ўз газетасидан (“Туркестанский голос”) ташқари “Садои Туркистон”ни яна бир бор босиб чиқаришни илтимос қилиб, босувга рухсат сўради, жаноби олийлари рухсат этмади”.¹ Газетанинг расмий ношири Вадим Чайкин бўлиши керак эди. Фарғона ҳарбий губернаторидан рад жавоби олишгач, В.Чайкин ва У.Асадуллахўжаев ўзаро маслаҳатлашиб, “Садои Туркистон”ни бошқа номда давом эттиришга қарор қиладилар.

1917 йил январь ойида В.Чайкин Фарғона ҳарбий губернаторига берилган илтимосномага биноан ўзбек тилида “Интибоҳи Туркистон” (Туркистоннинг уйғониши) номли газета чиқариш, В.Чайкин билан У.Асадуллахўжаев ўртасидаги келишувга биноан, ноширлик вазифаси В.Чайкин, газета фаолияти учун бутун масъулият эса М.Муҳаммаджонов зиммасида бўлиши кўзда тутилган эди. Шу боис илтимоснома (унда чиқарилажак газета фаолиятининг дастури ҳам баён этилган эди) вилоят ҳарбий-губернаторига М.Муҳаммаджонов номидан топширилган эди. М.Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, бу илтимосноманинг асли нусхаси В.Чайкин томонидан рус тилида битилиб, уни М.Муҳаммаджонов учун ўзбек тилига Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон) таржима қилиб берган. Бу пайтда М.Муҳаммаджонов эътироф этишича, Андижоннинг энг илгор ёшларидан Абдулҳамид Сулаймонов ховлисида турган. “Туркистоннинг уйғониши” учун рухсат олиш умидида мен ҳукумат дастидан жуда кўп қийинчиликларга учрадим”-, деб ёзади М.Муҳаммаджонов ўз китобида. Афтидан, вилоят ҳарбий губернатори М.Муҳаммаджоновнинг қонуний илтимосини қондиришини пайсалга солмоқ мақсадида турли-туман баҳонаи сабабларни рўкач қилган кўринади. Кўп ўтмай Россияда 1917 йил февраль инқилоби туфайли подшолик тузуми барҳам топди. Кўҳна Туроннинг қалбларига миллий истиқлол ғояларини жо қилган асл фарзандлари миллий озодликка эришмоқ учун фурсат келганини англаб,

¹ Оллворт Э. Жадидлар ҳақида яширилган ҳикоялар. ЎзАС. 1992, 11 сентябрь.

Туркистон ўлкасида халқ миллий ҳокимияти ўрнатиш учун амалий курашга киришиб кетдилар. Улар сафида 1917 йилнинг эрта кўкламида зудлик билан Андижондан Тошкентга қайтган миллат фидойиси У.Асадуллахўжаев ҳам бор эди.

Архив ҳужжатларидан аён бўлишича¹, чоризмнинг Туркистон маъмурияти У.Асадуллахўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини зимдан доимий кузатиб борган. Газета нашр қилмоқ учун рухсатнома беришдан аввал ҳарбий губернатор полиция маҳкамаси орқали У.Асадуллахўжаевнинг қандай шахс эканлигини зимдан текширтирган. Буни ҳарбий губернаторнинг 1913 йил 31 декабр куни Туркистон генерал-губернатори номига йўллаган билдиришномаси тасдиқлайди. “Полициячилар томонидан тўпланган менинг ихтиёrimдаги маълумотлар, - дейилади билдиришномада, - жаноб Хўжаевнинг сиёсий ёхуд ахлоқий томондан инобатли шахс эканлигидан шубҳаланишга асос бермайди. Лекин, шунга қарамай, маҳаллий тилдаги ягона бу хусусий газета бутун ўлка миқёсида жуда катта аҳамият касб этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, унинг мазмун ва йўналиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурлигини маълум қиласман”.² Шуниси диққатга сазоворки, ҳарбий губернатор ҳали газета чиқарилмасиданоқ уни назорат қилиш режасини тузишга киришган. Ҳарбий губернатор ўз ихтиёрида бу режани рўёбга чиқара оладиган мутахассис тафтишчининг йўқлигини билдириб, газетани кузатиб бориш ва уни цензурадан ўтказиш ишига маҳаллий халқ тилини дуруст биладиган шарқшунос мутахассисларни жалб қилиш имконияти бор - йўқлигини хабарлашни Туркистон генерал-губернаторидан илтимос қилган ва унга газетани тафтишдан ўтказишни кимга топшириш мумкинлигига доир ўз мулоҳазасини билдирган. Сирдарё ҳарбий губернатори мазкур ишни хақиқий Статс советник Н.П. Остроумов, полковник Ягелло ёхуд надворний советник Семёновга топширишни тавсия этган.

¹ ЎзМДА. ТФ-461, 31-иш, 77-варак.

² ЎзМДА, ТФ-461, 31-иш, 77-варак.

Туркистон генерал-губернатори номидан 1914 йил 13 январда Сирдарё вилояти Ҳарбий губернаторига жўнатилган жавобномада ҳарбий губернатор илтимосини қондиришнинг иложи йўқлиги маълум этилиб, амалдаги қонунга мувофиқ вилоятларда чиқадиган даврий нашрлар учун масъулият ва уларни цензурадан ўтказиш иши ҳарбий губернатори ёрдамчиси зиммасига юклатилганлиги, газета материалларининг рус тилига таржимаси эса ҳарбий губернатор қарамоғидаги таржимон томонидан бажарилиши уқтирилган. Худди шу 13 январ куни Туркистон генерал - губернаторлигининг иш юритиш бўлими томонидан чор охранкасининг Туркистон бўлими бошлиғига йўллаган бошқа бир ҳужжатда қуидагилар ёзилган: “Иш юритиш бўлими генерал-губернатор қўрсатмасига биноан Сиздан мазкур газета (“Садои Туркистон” газетаси назарда тутиляпти -С.Х.) фаолиятини синчилаб қузатиб бориши, башарти газета тўғри йўналишдан четга чиққудек бўлса, жаноби олийларини (Генерал - губернаторни) бундан воқиф этмак учун бизга бу тўғрида дарҳол маълумотнома юборишингизни сўраймиз”¹.

Юқорида ёзилганлардан равшан бўладики, “Садои Туркистон” газетаси фаолиятини доимий назорат остига олиш икки ёқлама ҳам Сирдарё ҳарбий губернаторлиги, ҳам чор охранкасининг Туркистон бўлими томонидан амалга оширилган. “Садои Туркистон” газетасининг биринчи сони чоп этилганидан кўп ўтмай, 21 апрель куни Туркистон генерал-губернаторлигининг иш юритиш бўлими генерал-губернатор топшириғига биноан Сирдарё ҳарбий губернаторига “Садои Туркистон”ни назоратдан ўтказиш қай тарзда олиб борилаётганлиги хақида дарҳол батафсил маълумот юбориши буюрган: “Иш юритиш бўлими қўшимча равища шуни маҳсус эслатадики, номи зикр этилган газетанинг босилиб чиққан сонларида ғаразли йўналиш кўзга ташланади”, - дея маҳсус қайд ҳам қилинган. Шу боис генерал губернатор Сирдарё ҳарбий губернаторидан дарҳол маълумотнома талаб қилган.

¹ ЎзМДА. ТФ-461, 31-иш, 68-варак.

Сирдарё ҳарбий губернатори “Садои Туркистон” газетасини цензурадан ўтказиш қай тартибда олиб борилаётганидан генерал-губернатор маҳкамасини батафсил воқиф этиб, бу ишда маҳаллий халқ тилини, руҳиятини мукаммал биладиган мутахассисга эга эмаслиги билан боғлиқ камчиликларнинг мавжуд бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасдир, деб, бу ишга шарқшуносларни жалб қилишга доир ўзининг аввалги таклифини яна бир бор эслатади¹. Мавжуд маълумотларга таянган ҳолда Сирдарё генерал-губернаторининг бу мулоҳазаси генерал-губернатор томонидан охири инобатга олинган ва бу ишга қўшимча равишда ҳақиқий Статс советник Н.П.Остроумов жалб этилган, деган хulosага келиш мумкин. Биз Остроумовнинг генерал - губернаторнинг шахсий топшириғига мувофиқ “Садои Туркистон” фаолиятини зимдан назорат қилиб борганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатга эга эмасмиз. Лекин, у муҳаррир бўлган “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида “Садои Туркистон” газетаси хусусида ғаразли мақсадларни қўзлаб ёзилган айрим материалларнинг чоп этилган. Бу материаллар газета муҳаррири У.Асадуллахўжаев ва журналист Рауф Музafferовни 1914 йил август ойида суд жавобгарлигига тортиш учун асос қилиб олинганлиги ва ниҳоят, “Садои Туркистон” газетасида адабий ходим ва мусаҳих бўлиб ишлаган ўзбек журналисти Мўминжон Муҳаммаджоновнинг “Турмуш уринишлари” хотира китобида келтирилган маълумотлар Н.Остроумовнинг “Садои Туркистон” газетаси фаолиятини назорат қилиш ишига бевосита даҳлдор эканини тасдиқлайди. “Чор чиновниклари, - деб ёзган эди М.Муҳаммаджонов, - бу газетага жуда ёмон кўз билан қараб, хусусан Остроумов тўра бу газетани тезроқ ёптириб қўйиш фикрида юарар эди...”². Бу газетанининг ёпилишига Остроумов охири сабабчи бўлди. “Бизнинг ибодатхонамизни бутхона деб таҳқир қилди”, деган баҳона билан газетани тўхтатиб қўйдирди. Воқеа мана бундай бўлган: Ички Россиядаги черковлардан бирига ўт тушганлиги тўғрисидаги бир

¹ ЎзМДА. ТФ-461, 31-иш, 70-варак.

² Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. -Т.: Ўздаврнашр, 1976. – Б.35.

хабар “Бутхонада ёнғин” сарлавҳаси билан, “Садои Туркистон” газетасида босиб чиққан эди. Бу миссионер Остроумовга қўл келди. Черковни “бутхона” деб ёзгани учун муҳаррир судга берилиб бир неча адвокатларнинг ёрдами билангина оқланади.

М.Муҳаммаджоновнинг эсдалигида газетанинг судга берилишига доир келтирилган маълумотларнинг асосли экани аён бўлди. Бу машъум хабарнинг бор-йўғи шу: “Перм шаҳрининг диний мактаб бутхонасида кечки ибодат вақтида ўт чиқиб қўп одамга зарап етибдур. 27 кишини хастахонага солибдурлар, ўлган одамлар ҳам бор”¹. Газета таҳририяти шу хабардаги “бутхона” сўзининг ноўрин ишлатилгани хусусида газетхонларни огоҳлантириб “Садои Туркистон” ушбу тузатишни чоп этган: “Жаридамизнинг 11-нчи нумерасида доҳилия ички хабарлар қисмида “Бутхонада ёнғин” хабарида “бутхона” лафзларини муҳтарам ўқувчиларимиздан ибодатхонага алмаштириб ўқимакларини рижо қилурмиз. Жариданинг бошқа нумерларида ҳар вақт “Ибодатхона” лафзи қўлланиб келгани ҳолда сахван фақат шул ерда мазкур лафз босилиб кетмишдур”². Тасҳеҳ мазмунидан яққол кўриниб турибдики, газета таҳририяти йўл қўйган хатосини тан олган ва тузатиш чорасини кўрган. Лекин бундан қаноатланмаган Н.Остроумов шу муносабат билан “Туркистон вилоятининг газети”да “Садои Туркистон” ижодий жамоаси шаънига номуносиб гаплар ёзилган маҳсус мақола чоп эттириди³. Унда “Садои Туркистон” муҳаррирлари “ибодатхона” сўзи билан “бутхона” сўзининг фарқига бора олмаган “нодон, бадавий сартлар” деб ҳақоратландилар. Мақолага “Садои Туркистон” муҳаррирлари христиан динига мансуб кишиларнинг эътиқодларини таҳқирлаш учун “бутхона” сўзини атайин ишлатганлар, деган айб сингдирилган эди. Бу иғво натижа бериб “Садои Туркистон” ёпилса, “Туркистон вилоятининг газети” яна ўлка миллий матбуоти майдонида яккаҳоким бўлиб қолар ва

¹ Садои Туркистон. 1914, 20 май.

² Садои Туркистон. 1914, 27 май.

³ Туркистон вилоятининг газети. 1914, 12 июнь.

Н.Остроумов ўз зиммасига чор ҳукумати томонидан юклатилган асосий вазифани, яъни маҳаллий аҳолини иложи борича ижтимоий ҳаётдан йироқда сақлаш вазифасини кўнгилдагидек бажаришга эришган бўлур эди. Бироқ Н.Остроумов бу сафар қаттиқ янглишган эди. “Садои Туркистон” муҳаррирларига қўйилган айб шу қадар бемаъни ва ҳуқуқий жиҳатдан асоссиз эдики, ҳатто чор ҳукумати хизматидаги ўша давр Тошкент шаҳар суди ҳам даъвогарларнинг тарафини олишга ботина олмай, “Садои Туркистон” муҳаррирларини оқлаб ҳукм чиқаришдан ўзга чора топа олмаган эди¹. Газетада “мухбир” имзоси билан босилган “Муҳаррирларимиз суди” сарлавҳали хабар шундан далолат беради: “Жаридамиз муҳаррирларидан Убайдулла Хўжаев ва Рауф Музafferзода 11-нчи нумер жаридамизда ёзилғон бутхона лафзи учун 83-нчи истатия угулужний улажиния ила ҳукмга тортилиб эдилар. З-сентябрда шул иш Тошкант округини судида қаралуб, ҳар иккиси айбсиз топулуб оқланиб чиқдилар. Суд қошида маюбларни (айланувчиларни) Тошканднинг машҳур присажний пожиринларидан Ширман, Розанов, Марков жаноблари ҳимоя қилдилар”².

Шуниси ҳам борки “Садои Туркистон” бош муҳаррири Убайдулла Асадуллахўжаев чор амалдорлари ўтказган зуғум ва адолатсизлик жабридангина эмас, балки газетанинг танқидий чиқишлиридан норози бўлган айрим маънавий қашшоқ, безори табиат жоҳиллар томонидан уюштирилган ҳужумлардан ҳам азият чеккан. Жумладан, “Туркестанские ведомости” газетасида “Маҳаллий хроника” рукни остида босилган муҳтасаргина бир хабар. Унда Тошкентдаги хусусий тадбиркорларнинг ўзаро ёрдам клубида жанжал чиқарилиб, шу ерда ҳозир бўлган У.Асадуллахўжаев калтакланганлиги ёзилган³.

“Садои Туркистон” газетаси дастлабки сонларида хайрия ишларидан ўзини четга олувчи “пул топиб, ақл топмаган”, ном чиқариш учун топганини исрофли тўйларга сарфлашни маъқул

¹ Садои Туркистон. 1914, 9 сентябрь.

² Садои Туркистон. 1914, 9 сентябрь.

³ Туркестанский ведомости, 1914, 25 апрель.

кўрадиган, қурумсоқ бойларни кескин танқид остига олган эди. М.Шермуҳамедов “Туркистон вилоятининг газети”да босилган “Садои Туркистон” ҳақида мунозара" сарлавҳали мақоласида, “Садои Туркистон” танқиди “манфаатпараст жанобларнинг ғазабига сабаб бўлгани”ни қайд этган.¹ Шундай жанобларни, умуман, “миллий халойиқни” газетанинг асл мақсадларидан яна бир бор огоҳ қилиб қўйишни лозим топган, Мирмуҳсин Шермуҳамедов қўйидагиларни уқтиради: “Садои Туркистон” миллат болаларининг умри зое ўтмасин деб, илми замонага сайъ қиладурғон ахли маорифдир. Мактабларнинг ислохи учун тиришиб, жон фидо этадиган масхисдир, қулоқларини жаҳолат чирки бекитган шахсларни, манфаатпараст жанобларнинг қулоғини очиб, аҳволи аъмолдан хабардор қилиб ибрат йўлига бошлайди. “Туркестанские ведомости” газетасидаги юқорида айтиб ўтилган хабар билан М.Шермуҳамедов мақоласининг матбуотда қарийб бир пайтда чоп этилганидан бош муҳаррир У.Асадуллахўжаев раҳбарлигида чиқаётган газета танқиди учун хусусий тадбиркорлардан клубда жисмонан таҳқирланган, деган хulosага келиш мумкин. Атоқли ўзбек маърифтпарвари У.Асадуллахўжаев асос солган, унинг раҳбарлиги ва раҳнамолигида фаолият кўрсатган “Садои Туркистон” газетаси миллий матбуотимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллади. У бор йўғи бир йил умр кўрди. Газетанинг фаолияти 1915 йил 10 апрелда 66-сони чоп этилганидан сўнг тўхтатилди. У юртпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик каби юксак ғояларни тарғиб этди. Газета Туркистон истиқтоли ва истиқболининг ижтимоий- сиёсий, маънавий-ахлоқий негизларига даҳлдор долзарб муаммоларни дадил кўтара олди “Садои Туркистон” асосий эътиборини миллат тараққиётини таъминлашга қодир бўлган маърифатли, инсофли ва диёнатли инсонларни тарбиялашга йўналтириди, бу унинг буюк тарихий хизматидир.

¹ Туркистон вилоятининг газети, 1914, 2 апрель.

II БОБ. “САДОИ ТУРКИСТОН”ДА ЎЛКА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИ, МАЪРИФИЙ-МАЪНАВИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ

§ 2.1. Газетада ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ёритилиши

Маълумки, XX асрнинг бошлари Туркистонда миллий - озодлик ҳаракатининг сезиларли жонлангани билан характерланади. Чор маъмурлари томонидан олиб борилган руслаштириш сиёсати халқ хўжалигининг барча соҳаларида мустамлака ишлаб чиқариш тизимининг ҳукмронлиги, маъмурий тазиикнинг тобора қучайиб бориши, маҳаллий аҳоли орасида мавжуд тузумдан норозилик туйғусини кучайтириди. Бу рух маълум даражада “Садои Туркистон” саҳифаларида ҳам ўз ифодасини топди. Ўлка ижтимоий – сиёсий ҳаётини ёритишда газета фаол мавқени эгаллай олди. Гарчи газета ўз маслагини “Маиший, фанний, иқтисодий ва тарихий сўзларнигина сўйлаб, сиёсий сўзлардан мумкин қадар сақланмоғи табиийдур” дея аён этган бўлса-да, унинг бутун фаолияти мустамлакачилик зулми остида эзилган халқнинг шуури ва ғурурини уйғотишга қаратилган эди. Бу ҳатто “Мақсад ва маслак” сарлавҳали бош мақолада сезилади: “Бизнинг бу жаридамиз Туркистон мусулмонларининг аҳволини ислоҳ ва ҳуқуқини мудофаа мақсади илиа чиқорилган”¹. Газетанинг маҳаллий халқлар манфаатини ҳимоя этишини ошкора маълум қилганидан руҳланган ерли миллат фарзандлари “Садои Туркистон” саҳифаларига табриқ мактубларини йўллайдилар. Ўз давриниг маърифатпарварларидан бири Мирмуҳсин Шермуҳамедов: “Эмди ўзимизнинг миллий жаридамиз майдонға чиқди... Ватан ходимлари уч тарафдан, балки тўрт тарафдан (“Садои Туркистон”, “Ойина”, “Садои Фарғона”) миллат бечоранинг арз, фифонини еткура бошладилар. Яшасун миллат, яшасун ушбу йилнинг

¹ Садои Туркистон. 1914 йил, 4 апрель.

баҳорида очилғон миллатимиз гуллари!”¹ дея мазкур нашрларга катта умид боғлайды. Бу бежиз эмас эди. “Садои Туркистон” илк сонларидан бошлаб мусулмонлар ҳаётини кенг таҳлил қилишга киришади. Туркистоннинг Россия темир йўл тизимиға киришилиши ўлкадаги табиий бойликларнинг бехад тарзда Россияга ташиб кетилишига имкон яратди. Пахта, қоракўл, ипак, қуруқ мева сингари ҳом ашё ва озиқ-овқатлар марказга тинимсиз оқа бошлади. Туркистон Россиянинг ҳом-ашё манбаига айлантирилган эди. Бунинг устига ички Россиядан минглаб мужикларни келтириб, Туркистоннинг серҳосил ерларига жойлаштириш, маҳаллий халқни бу жойлардан сиқиб чиқариш авж олган эди². Манбаларга кўра Россиядан 1887 йили 196 хонадон кўчиб келган бўлса, 1913 йилда бу рақам 2005 тага етди³.

“Садои Туркистон” чор хукумати юргизган бу машъум сиёsat ҳақида: “Бошқалар туфроғимиздан олтин олғонларини қўруб бармоғимизни тишласак ҳайҳот!!! Бизим бу ғафлатимиздан кўзи очиқ халқлар тезлик ила фойдаландилар, фойдаланмакдалар”⁴ дея надомат билан ёзади. “Рус мужиклари шул қадар узок ерлардан келуб ўн йилга етмасдан шунча боюб нашу намо қиласур”⁵. Бу аламли эътироф замирида маҳаллий халқларнинг замонавий хўжалик юритиш усулидан узоқлиги ҳам акс этганди. “Садои Туркистон” “Саноатимиз қўлдан кетур” сарлавҳали мақоласида ўлкада ишлаб чиқариш тизиминини мустамлакачилар эгаллаб олаётганлигидан огоҳ этиб, бунинг чорасини излаш зарурлигини уқтиради. “Биз бу ҳол ила кетсак саноатимиз ҳам қўлдан кетар, амала (ишчи)ларимиз ишсиз қолур”, дея аччиқ бўлса-да, ҳақиқат гапни ёзади. Бунинг бирдан – бир чораси: “Болаларимизни ҳар хил ҳунар мактабларига берайлук ва замонча тарбият қиласур”⁶ деган хуносага келади. Маълумки, чор Россияси Туркистонни босиб

1 Садои Туркистон. 1914, 15 апрель.

2 Жадидчилик, ислоҳот, янгиланиш, мустаққилик ва тараққиёт учун кураш. -Т.: Фан, 1999.

3 Турон. 1 тўплам, 2004. -Б-55.

4 Садои Туркистон. 1914, 4 апрель.

5 Ўша ерда.

6 Садои Туркистон. 1914, 4 апрель.

олгач барча ерлар подшоҳлик мулки деб эълон қилинган ва бу қонун билан мустаҳкамланган эди. Бу тўғрисида 1917 йил июлда Қозонда ўтган Бутунrossия мусулмонлари Қурултойида Убайдулла Асадуллахўжаев шундай деган эди: “Шу кунгача Туркистон рус капиталистлари учун говмиш сигир бўлиб келмоқда. Бугун Туркистон Россияга пахта етказувчидир. Туркистонда йилига 10-12 миллион пуд пахта етиштирилса, у ҳолда бизнинг пахтакорлар томонидан ишлаб топилган 100 млн. сўм ҳар йили рус капиталистлари чўнтағига тушмоқда”.¹ Мана шу қонунга қарши исён руҳи У.Асадуллахўжаевнинг “Бизга ёлғуз гадолик ёки ўғирлик қолур” сарлавҳали мақоласида ҳам акс этган. Бутун Туркистон иқтисодини эгаллаб борадиган текинхўр буржуа сармоядорларининг қудрати нимада деган саволга муаллиф “айб ўзимиизда” деб жавоб беради. Улар бор имкониятларини ишга солишимоқда. Бу хўрлиқдан қандай қутулиш, мумкин? У Асадуллахўжаев қатъият билан: “Ўқимак ва ўрганмак билангина бу азоблардан қутулиш мумкин”, дейди. Акс ҳолда, “биз учун икки касб қолур. Ўғурлик ва гадоликдур”.²

“Садои Туркистон”да босилган “Бизда шаҳар солиқлари” мақоласида эса ўша пайтдаги солиқ тизими ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Айни чоқда, унинг маҳаллий халқни эзиш учун қандай сиёсий ниқоб эканлигини ҳам англаймиз. “Мол ва мулкларимизни ҳеч битмайдурғон деб билуб кўп ишондук ва алдандук... Мазкур қутуришлардан қутулмак учун биз ҳаётнинг, замон ва маданиятнинг қучоғига отилуб, онинг талабларини бажо келтурмакға мажбурмиз”.³ Шунинг учун ҳам У. Асадуллахўжаев 1914 йил 26 ноябрда шаҳар думасининг учинчи йиғилишида сўзга чиқиб ер ва ҳовлиларга солинадиган шаҳар солиғини оширмасликни, баъзи рус полиция маъмурлари бу борада қонунга хилоф ҳаракатлар билан мусулмонларга айбсиз жабр қилаётганликларини айтади. Унинг ташаббуси билан дума қошида

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1 том. -Т.: Шарқ, 2000. -Б.132.

² Садои Туркистон. 1915, 1 апрель.

³ Садои Туркистон, 1915, 28 февраль.

етти кишидан иборат ҳуқуқ комиссияси тузилади. Етти аъзодан биргина У.Асадуллахўжаев маҳаллий аҳоли вакили эди. Бу ҳақдаги батафсил маълумотлар газетанинг 1915 йил 3 декабрь сонида чоп этилган.

“Садои Туркистон” ўзигача чиққан жадид газеталаридан фарқли ўлароқ сиёсий ҳуқуқлар масалаларига катта эътибор беради. Жумладан, ўша пайтларда Тошкент шаҳрида электр трамвайлар ҳаракати йўлга қўйилган бўлиб, ҳайдовчилари руслардан иборат эди. Шаҳар думаси йиғилишида газета бош муҳаррири дума аъзоси сифатида трамвай ҳайдовчиларининг мусулмонларга тазиқи хусусида тўхталиб, уларни доимий равишда тафтиш қилиб туриш масаласини кўтаради. Ҳатто рус мужиклари ва мусулмон аравакашларига бир хилда солиқ белгиланишини, акс ҳолда у мусулмонларнинг камситилишига олиб келиши мумкинлигини куюнчаклик билан гапирган. Бир қарашда оддийгина масала бўлган бу мавзу мустамлакачилик тузумига қарши уйғониб келаётган нафратнинг ботиний ифоаси эди¹.

Маълумки, Россиядаги 1905-1907 йиллар инқилобий чиқишлиар самараси ўлароқ илк бор парламент – Давлат думаси ташкил топганди. Давлат думасига Туркистондан нойиблар сайлаш борасида ҳам адолатсизлик юз берди. 1905 йил 11 декабрдаги сайлов қонунига кўра, барча маҳаллий хотин-қизлар, икки миллион ишчи, ҳарбий хизматчи, ўқувчи, умуман 25 ёшга етмаган аҳоли сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

“Туркистондаги сайлов қоидалари лойиҳаси” мулкдор табақалар ва маҳаллий маъмурият манфаатларини ўзида мужассам этган эди.² Маърифатпарварлар бу масалани кўтаришда матбуотдан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Тахририят томонидан тайёрланган “Шаҳар сайлови ва мусулмонлар” сарлавҳали мақолада: “Мусулмонлар нуфузи жиҳатига бир неча ҳисса кўп бўлғонлари ҳолда, руслардан йигирма саккиз,

¹ Садои Туркистон, 1914, 3 декабрь.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи, I том. -Т.: Шарқ, 2000. –Б.328.

мусулмонлардан йигирма иккигина ғласний сайланур. Бу жиҳатдан қараганда бизни камситув киби кўринса ҳам, ҳозирги аҳволға қараганда қонун ва қоидани бир тарафга қўйиб туриб фақат ўзимиздангина шикоят қилмакка мажбурмиз”¹ деб ёзади. “Мажбурмиз” сўзига эътибор беринг. Бу алам, хўрлик ва миллий зулмни англатишнинг ўзига хос усули эди. Ўз нафси, шахсияти йўлида эртаю кеч чор маъмурлари билан ҳамтовоқ бўлаётган маҳаллий амалдорлар ва бойларнинг миллат тараққиёти йўлида ҳеч бир эзгу ишга бош қўшмаётганликлари маърифатпарварларни изтиробга соларди. Рус ғласнийларининг ғайрат ва шиҷоатлари билан Тошкентнинг янги шаҳар даҳаси қундан кун обод бўлиб бораради. “Мусулмон ғласнийларининг бепарвонилари соясида, - деб ёзади газета, мусулмон шаҳри ҳануз қиши кунларида отларнинг қорнига қадар чиқадурғон лой ва балчиқлардан, бузилган ва ўйилган кўприк ва кўчалардан, ичидаги чироғи ўзини зўрға кўрсатадурғон қоронғу фонарлардан қутула олмайдур”.² Бу тасвирда кўз ўнгимизда эски шаҳарнинг ҳорғин қиёфаси намоён бўлади. Давлат думаси шаҳар бюджетидан ажратган пулларга руслар мактаблар, боғчалар, театрлар очиб фойдаланишарди. Бизнинг маҳаллий ғласнийлар-чи? “Рус туземний мактаблари очмакдан бошқа ишлари йўқ. Мана бу хусусда ким айбли? Ҳукуматми? Ўзимиз айбли. Энди кўзимизни очиб ғласнойликка чин миллат ходимларини ва манфаат умумиядан хабардор холис кишиларни топиб сайламоғимиз керак” дея таъкидлайди газета. Худди шундай фикр мусулмон руҳония идораларини ташкил этиш борасида ҳам кўтарилади. “Садои Туркистон” ёзади: “Тўй ва иморатлардан бўшамаётган бойлардан, чопон кийишдан чарчамаётган уламо ва машойихлардан куюниб бошга болта ҳам келуб етди. Онда биргина ўлсун Туркистон мусулмонларининг аҳвол ва орзуладидан хабардор вакил йўқки, бизим тарафимиздан мудофаада бўлса”. Шу ўринда газетанинг 1914 йил 2 май сонида эълон қилинган Нуширавон Ёвшевнинг “Саёҳат парчалари”

¹ Садои Туркистон, 1914, 25 апрель.

² Садои Туркистон, 1914, 2 май.

публицистик асаридан парча келтирайлик: Муаллиф Марғилон шаҳрига қилган сафарида шундай ёзади: “Билет олуб қўк вагунга кирдум. Бир одам меним мундо киргонимни кўруб, “хой, бул сарт вагуни эмас, бу вагун русларға маҳсусдур. Кондуктор кўрса ўзингизни ҳайдаб чиқарур”, деди. Вагунларнинг кўки қизили тўрт класслик ўлуб билет баҳолари ҳам бир ўлдуғидан кондуктурларнинг чиқармоққа ҳақлари йўқлигини билур эдим... Биноан алайҳа тезлик ила салла чопонимни чешуб қўюб бошимға телпагимни киёб олдим. Салла чопонлиларни уруб-уруб қизил вагунга ҳайдадилар. Афандилар! Энди қизил вагуннинг ичини бир томоша қилингиз: тиқилиш, одам устига одам ўтурмоққа тугул, тик турмоққа ҳам жой йўқ. Эр ва хотин аралаш, бола чақалар сиқилишларидан йиғламоқ-да... Кондуктурларнинг булар ила бўлғон бад муомалаларин ҳеч бир виждан қўтара олмас: одамни қўли-ла уруш, оёғи ила тепиш, алҳосил ҳайвонларга қилмак ҳаром бўлғон муомула ўзбеклар ҳақинда фарз киби адо қилинур эди. Лекин бечора соддадил ўзбеклар аларнинг шул муомалаларига қарши на қўл, на оёқ ва тил ила жавоб қайтармаслар. Балки сукут ила жавоб берур эдилар”.¹ Бу аламли сатрларни чоп этган “Садои Туркистон” маҳаллий аҳоли дарду аламларининг ифодачиси сифатида намоён бўлади. Рус охранкасининг ҳарбий цензураси рухсатидан ўтказиб олиш учунгина “хукуматпарвар газета” бўлиб кўринган “Садои Туркистон” “Коса тагида нимкоса” қабилида сўз юритишига мажбур бўларди. Юқорида келтирилган лавҳа мустамлакачиликнинг манфур манзараси очиқдан-очиқ ифодасининг топган эди. Ўқувчи юрагида миллий зулмга, мустамлакачиликка нафрат, ўз эрки, шаънини ҳимоя қилишга даъват уйғотади.

“Садои Туркистон” маҳаллий аҳоли ижтимоий турмушининг деярли барча соҳаларига эътибор қаратди. 1914 йилга келиб қозилик мансабларини тутатиш, мусулмон руҳоний идораларини ташкил этиш масаласи ҳукумат томонидан кўтарилилганди. Руҳоний

¹ Садои Туркистон, 1914, 2 май.

идоралар ташкил этишда мусулмон аҳолининг турмуш тарзи, урфодатлари, диний тушунчаси каби "нозик" масалаларни ҳисобга олиш зарур эди. Шу боис "Руҳоний идораларимиз бизим ҳолимизга муносиб бўлмаса, ҳолимизга на бўлур?-деб ёзади газета. Ҳукуматнинг диний идоралар таъсис қилувдан мақсади бизни баҳт ва саодатга етушдурмак бўлса, бизға ҳам шу мақсадға хизмат қилмак лозимдур".¹ Бу билан газета ҳукумат қабул қилган қарорлар, қонунлар халққа хизмат қилиши лозимлигини таъкидлайди. Туркистонлик Сайдносир Миржалиловнинг "Келажак маслаҳат мажлиси ҳақида бир мулоҳаза"² сарлавҳали мақоласи ҳукумат олдига сиёсий талаблари қўйилгани билан харакатерлидир. Муаллифнинг сиёсий масалани кескин тарзда қўйиши газетанинг ёпиб қўйилишига олиб келиши мумкин эди. Шу сабабли "бу мақолада ёзилғон фикрларга идора бетарафдур", деган изоҳ берилган. Аслида, бош муҳаррир У.Асадуллахўжаев ташаббуси билан бу мақола чоп этилганлиги яққол кўриниб турибди. Мақолада Туркистон мусулмонларининг олти моддадан иборат талаблари баён қилинган. Жумладан, қозилар, беклар, оҳундлар, имомлар ва муаззинлар аҳоли тарафидан сайлансун, деган талаблар илгари сурилган. "Ҳукумат идораларидағи эски вазифалар мусулмонларнинг ўз қўллариға қайтарилиб, янгидан вақф очмак ва назорат қилмак диний идораларга топширилсун. Руҳоний маҳкама ҳузурунда вақф оқчалариндан мусулмонларнинг дин ва маориф ишлариға сарф қилмоқға алоҳида дастмоя /фунд/ очилсун". Ҳукумат мусулмонларнинг талаб ва истакларига нечоғлик эътибор беришидан катъи назар, газета муҳаррири ўз мақсади йўлида "Миллатнинг чиркин фикрларини уйғотиш"га ҳаракат қиласидилар.

Газета: Петербург шаҳрида бўладиган кенгаш мажлиси олдидан ".....мажлисга чақириладиган 35 вакилдан лаоқал 10 нафари туркистонлилардан чақирилиши керак, ҳуқуқ шуни тақозо

¹ Садои Туркистон, 1914, 17 май.

² Садои Туркистон, 1914, 28 май.

қилур”¹, деб ёзади. “Туркистон мусулмонлари ҳануз бундай диний ва миллий мажлисларға иштирок этадурғон даражага етушганлари йўқ, деб бизни четга тепсалар, нима қилур эдик” деб миллатдошларини ички Россия мусулмонлари каби ўз тақдирига далил ва одил бўлишга чақиради. “Мажлисга аъзолар халқ сайлаб юбормоқ йўли ила бўлмасдан фракция чақириғи-ла борур. Бу кишилар боргач, ўз фикрларини сўйлай олурми?”². Бу билан газета Мусулмон фракцияларидаги кўзбўямачиликларни фош қилишга ҳаракат қилган. Ҳатто газета Петербургга телеграмма жўнатиб, кенгаш мажлисига ким қатнашганлигини аниқламоқчи бўлади. “Садои Туркистон”нинг 1914 йил 2 июлда тахририят номидан босилган мақоласида: “Маълум бўлурки Туркистондан мажлисда вакил бўлурмоққа ортуқ аҳамият бермамишдур”, дея афсусланади. У Туркистон ҳам бошқа мамлакатлар қатори мустақил, ўз эрки, ўз туфроғига, миллий худудига эга бўлишини орзу қиласи. “Эрон мустақилми?” сарлавҳа мақолада “мустақил ҳукумат деб худуди ичидаги барча туфроққа эга бўлган ва тахти идорасидаги ҳамма иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларға молик бўлган ҳукуматга деярлар”³, деб ўз ўқувчисига “сенда шу ҳуқуқлар борми? Кўзингни оч, сен ҳам мустақил ҳукумат учун курашишинг шарт” дегандек, “Эронда юз бераётган тинчсизликнинг сабаби “закунсизлик ва зулм ҳукм сурмоғидур” дея Россия ҳукуматининг адолатсиз ҳатти – ҳаракатларини ушбу мақола мисолида назарда тутиб, таҳлил қилишга киришади. “Еттисув вилояти мусулмонларининг Петербург доҳилия вазири ва давлат думасига йўллаган 10 моддадан иборат талабномалари алоҳида эътиборга эгадир”. Бу матн “Вақт” газетасининг 1259 - сонидан кўчириб босилган⁴. Мазкур талабномада шундай муҳим талаблар бор:

1. Туркистон мусулмонларининг ўзларига хос духовний собрания, маҳкамай шаръия очилсун ҳам бу духовний собрания

¹ Садои Туркистон, 1914, 2 июнь.

² Садои Туркистон, 1914, 11 май.

³ Садои Туркистон, 1914, 10 июнь.

⁴ Садои Туркистон, 1914, 25 апрель.

Русияда бўлғон бошқа духовний собраниялар ила текиз ҳуқуқ ва имтиёзлар бўлсин.

2. Духовний собраниямизда Туркистонда бўлғон ҳар қайси қавмдан бир аъзо, яъни қози қўйулсин.

3. Муфти, шайхулислом, қози, имом, муаззин ва бошқа шундай руҳоний ишларда хизмат қиласурғон кишилар ҳукумат кишилари қўл қўюв тариқи ила эмас, балки мусулмонларнинг ўзлари сайлаб ҳукумат тарафидан тасдиқ қилинсун.

4. Масжид, мадраса ва мактаблар учун руҳсатни ёлғиз мусулмон идори руҳониясидан олинадурғон бўлсун-да, ҳукумат тарафидан бу ишларға бўлмасликлари керак.

5. Ҳозиргача вакф қилмак моне қилиниб келди. Шунинг учун мактаб ва мадрасаларини ислоҳ қилмак мумкин эмас. Мусулмон мактаб ва мадрасаларни моддий жиҳатларини таъмини учун Туркистонда ҳам расмий суратда вакф қолдирмакликга руҳсат берилсун.

Бу талабномага беш киши имзо чеккан. Ушбу талабномаларнинг “Садои Туркистон” саҳифаларида чоп этилишининг ўзи ўша давр учун катта жасорат эди. Маърифатпарварлар қайсиdir маънода ғалабага ҳам эришишади. Петербургда 27 июнда бўлиб ўтган 7-кенгаш мажлисида “Туркистон мусулмонлари учун идораи руҳония /муфтилик/ очмакға қарор берилади”¹.

Навбатдаги йиғилишнинг “мусулмон идораи руҳониялари томонидан ислоҳ қилинсун. Мактаб, мадраса, дорулмуаллимотлар очишга мушкуллик берадурғон монелар битирилсун”, деган қарори газетанинг 1914 йил 8-июлдаги сонида эълон қилинади.

Газета таҳририятига жам бўлган зиёлилар улуғ аждодларимиз олдида ўзларини бурчли деб биладилар. “Жаҳолат меваси” сарлавҳали мақолада ўтган аждодларимиз номларини ёд этиб: “Аларнинг руҳларини шод этмак ва ўзимизни ислоҳга ғайрат

¹ Садои Туркистон, 1914, 4 июль.

қилмак энг биринчи вазифамиздур”¹, - дея ёзилади. Ибн Сино, Улугбек, Форобийлардан ибрат олишга, миллат номини такрор дунёға танитмакка даъват этади.

Июль ойининг 20, 21, 24 кунлари Тошкент шаҳрида Туркистоннинг Россия томонидан забт этилганлигининг 50 йиллиги нишонланади. Газета маҳаллий аҳоли учун аламли бўлган, бу ҳақдаги хабарни саҳифанинг бир чеккасига майда ҳарфлар билан жойлаштирган. “Бу намойишға,- деб ёзади, у мусулмонлардан ҳам хийла кишилар иштирок этуб, ўзларининг Россия ҳукуматига бўлғон садоқатларини ва ватандошларина ўлан муҳаббатларини изхор ва исбот этдилар”². Газета бу сўзларни шароит тақозоси билан ёзганини англаш қийин эмас.

1914 йил июлидан бошлаб Европада урушнинг қора кўланкаси минглаб одамларни ўз қаърига торта борди. Газетанинг урушга муносабати қандай эди? “Садои Туркистон” ҳар сонида урушнинг бориши ҳақида ёзиб борди. “Германия ва Австрия ҳукуматлари бутун инсон олами тарафидан макру саналган очкўзлик ва ҳуқуқи ғайрга тажовуз қасдлари ила майдонға чиқдилар. Бу давлатларнинг уруш майдонларида кўрсатган даҳшатликлари ва улуғ подшоликларга кўрсатган қонли инсофсиз муомалалари шояд аларнинг мақсадларини билдурса керақ”³.

Таъкидлаш жоизки, “Садои Туркистон” саҳифаларида чор Россиясининг тарафини олиб ёзилган мақолалар ҳам учрайди. Буни тушуниш мумкин. Бош муҳааррир Убайдулла Асадуллахўжаевнинг “Ватан муҳорабаси” мақоласида шундай ёзилади: “Бизим Ватанимиз Россия мамлакати ўзининг қуввати ва тадбирли бўлиши соясида бу кунгача ўзининг тинчли бўлган вазиятини ўзгартмасдан доима аҳолини тараққий ва тамаддунга савқ қилиш ила машғул бўлиб келди”⁴. Муаллиф Россия урушга тортилган экан, унга ёрдам бериш лозимлигини уқтиради. Жумладан, урушга жўнатилаётган

¹ Садои Туркистон, 1914, 25 июль.

² Садои Туркистон, 1914, 25 июль.

³ Садои Туркистон, 1914, 12 сентябрь.

⁴ Садои Туркистон, 1914, 2 сентябрь.

аскарларимиз учун хайрия жамияти ташкил этиш зарурлигини таклиф қилган. “Туфроғимиз муҳофазасини ёлғуз шул аскарларимиздангина кутамиз” деб ёзади у. Бу билан газетанинг бош йўналиши ўзгариб қолмаган. Ҳар бир сони чор охранкаси цензурасидан ўтказиладиган газетани сақлаб қолиш учун юқоридаги каби материалларни чоп этишга мажбур бўлганди. “Бизни ғласнийлар, - деб ёзади газета - маълумотсиз, тилсиз ва миллат аҳволидан хабарсиз кишилар бўлиб турсалар, алардан миллатга уч пуллик ҳам фойда кутмак айбдур”. Тўғри, мажлислар рус тилида олиб борилган. Шунинг учун ҳам рус тилини мукаммал биладиган, маълумотли бўлиш лозим эди. Чунки шаҳарнинг бутун ислоҳоти ва маъмурияти “думага боғлиқдур”. Шунинг учун думага “бойларни эмас, фикр эгаларини сайлаш лозим. Эътибор оқчада эмас, балки ақл ва фикрда илм ва маоруфдадур”¹. Газетанинг бундай чиқишлиари аҳолини хушёрликка чақирди. “Шаҳар сайловлари ва аларнинг натижалари”² сарлавҳали мақоласида “Эмди миллатнинг вужуди заҳарли ўқлар ила ярадор бўлди”, деб ёзади газета. У халқни алдаб дума курсиларига ўтирган миллат вакилларини хиёнатда, шахсиятпарастликда айблайди. “Мусулмонларнинг кўзларин бўяб бошқа халқларни миллатимиздан кулдуруб иш бошида ўлтурдилар”. Ушбу сайловда тараққийпарварлар жуда оз овоз олишади. Дума икки гурухга бўлинади: жадидчилар, қадимчилар.

Чоризмнинг миллий зулми устига маҳаллий аҳоли орасидаги ўзаро низо, келишмовчилик Туркистоннинг катта иллати эди. Мана шундай келишмовчиликлар туфайли Туркистон бир неча бор душман қўлига тушганди. “Садои Туркистон” газетасида “Туркистон саёҳати” сарлавҳали публицистик асар босилган. Бу асарда газета ходимларининг айта олмаётган юрак сўзлари англашилгандек бўлади. Бир қарашда буни илғаш қийин. Чунки Туркистон мажозий маънода бобо қуёшга қиёс қилинади. Мажозий тимсоллар билан мақсад баён қилинади. “Осмонни қоп-қора

¹ Садои Туркистон, 1914, 12 ноябрь.

² Садои Туркистон, 1914, 29 октябрь.

булутлар қоплаган, шиддатли “садолари” бутун жаҳонга эшитилуб қоронгу ер юзини “Ойина”дек очиқ равшан кўрсатмакда эди”.¹ Бу ўринда “Садои Туркистон” ва “Ойина” журнали кўзда тутилмоқда. Туркистонни сўниб бораётган ғафлат уйқусига ботган ерга қиёс этади. “Ул шул ерда обод бўлиб қизил гуллар ва оқар сувлари ичида қиёматгача роҳатлануб ухламоқчи ва коинот биёбонларида саёҳат қилуб умр ўтказмакчи бўлган экан. Лекин биз сариғ юзлар бутун адабсизлигимиз ила келуб они босуб ва эзуб битурдик”. “Сариғ юзлилар” - мустабидларнинг мажозий номи. “Сен,-деб ёзади газета,-Туркистонни ухляяпти, деб ўйладаяпсанми? Янглишасан. Йўқ, у ухламас. Ул бетоб бўлуб ётибдур. Турмакни орзу қилса ҳам тура олмас. Чунки сан онинг ўзи озуқаланадургон таомларини единг. Ёлғуз шул илагина қолдирдинг: томиридан сўруб қонин ичдинг. Ўзингга мактаб оч, ўзинг ўқи, сан ўзинг тараққий эт. Маданиятингни қидир. Туркистонни хўрлама”. Бу сатрлар мустабидликка газетанинг очиқ исёни эди. Шундай сатрларни битган “Садои Туркистон” ўлканинг фифони, охуноласи, ўзи ваъда қилганидек, “Туркистоннинг ҳазин садоси” бўла олганлиги яққол намоён бўлади..

Шунинг учун ҳам “Садои Туркистон”нинг ҳар сатри юрт ишқи , Ватан муҳаббати билан абадиятга доҳил бўлди. Бу газета теварагига жипслашган жадидлар чор ҳукуматининг ер, солик сиёсатига , сайлов тизимиға қарши очиқдан- очиқ фикр билдирилар. Биргина Убайдулла Асадуллахўжаевнинг газетада босилган “Шариат ва закон”, “Турли ўринларда”, “Бизда шаҳар соликлари”, “Бизга ёлғуз гадолик ёки ўғирлик қолур” каби мақолалари, “Туркистон давлати қандай бўлиши ҳақидаги кўрсатмалар”дек талқин қилиниб шу баҳона чор ҳукумати газетани ёпиб қўйиши ва бош муҳаррирни жазолаш учун етарли далил бўлиши мумкин эди.² Дарҳақиқат, халқнинг сиёсий – ҳуқуқий маърифати, эрки, истиқлоли учун курашган “Садои Туркистон” ўзбек публицистикасининг шаклланиши ва ривожланишига бешик

¹ Садои Туркистон, 1915, 15 февраль.

² Шукрулло. Тирик руҳлар. -Т.: Шарқ, 1999. –Б.106.

бўлди. Ватанпарварлик руҳи билан сугорилган қатор мақолалари миллий истиқлол ғояларига дастуриамал бўлиб тарих саҳифаларига битилди.

§2.2. “Садои Туркистон” газетасида маориф муаммоларининг таҳлили

“Садои Туркистон” газетаси XX аср бошларида чиққан миллий газеталаримиз орасида салмоқли ўринни эгалайди. Шу боис тадқиқотчилар унга муносиб баҳо бериб келишган. Жумладан, А.Жалолов ва Ҳ.Ўзганбоевлар ёзганидек: “Садои Туркистон” кунномаси 1914-1917 йиллар оралиғи ўзбек вақтли матбуоти нашрлари орасида ўзининг йўналиши, мавқеи, тутган ўрни нуқтаи назаридан ажралиб туради”¹. У ўзининг илк қадамлариданоқ миллат тараққиётининг пойдевори бўлган маориф масаласига алоҳида эътибор берди. Бу эса унинг XX аср бошларида бутун мусулмон дунёсида пайдо бўлган уйғониш, буюк маърифатпарвар Исломилбек Ғаспрали бошлаган мусулмонча янги таълим тизимининг Туркистондаги жорийси учун ғоявий ҳам амалий кураши эди. Шу боис газета илк сонлариданоқ: “ҳар бир мамлакат ҳалқининг тараққий ва таназзули, ҳаёт ва мамоти мактаб масаласига боғлиқдир”, деган ғояни илгари сурди. “Бизнинг бу жаридамиз Туркистон мактабларининг аҳволини ислоҳ ва ҳуқуқини мудофаа мақсади-ла чиқарилганлиғи учун бунда энг кўб баҳс қилинадурғон масала ва энг муҳим саналадурғон мақола шул мактаб тўғрисида бўлур”² дея ўз йўналишини белгилаб берди. Газета энг аввало очик фикрли янги авлодни тарбиялашга эътиборни қаратди. Шунинг учун ҳам “усули жадида” мактабларини кенг тарғиб этди. Ҳам чоризм, ҳам маҳаллий амалдорларнинг иккиёқлама зулми остида қолган кенг омманинг қашшоқлигининг, фикрий турғунлигининг асосий сабабини маърифатсизликда деб билди.

¹А.Жалолов, Ҳ.Ўзганбоев. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни.-Т.: Фан. 1993. -Б-82.

² Садои Туркистон, 1914 йил, 4 апрель.

Савол туғилади. Туркистан халқлари саводсизми? Йўқ, асло! Туркистан – маърифат ўчоғи эди. Ислом дини заминида мактаб ва мадрасалар фаолият олиб борарди. Киритилажак янгилик эса, буларни ислоҳ қилиш йўли эди. “Бу йўл миллий ва диний-маънавий қадриятлардан воз кечиш эмас, балки, аксинча, улар асосида, бундан кейинги ривожланиш ва тараққиётга ҳалақит берувчи эскирган ақида ва хурофотлардан воз кечиш билан астасекин ўтиш эди”¹. Энг муҳими, ёшларда миллий руҳни уйготиш мажбурияти турарди. “Садои Туркистан” тахламларида маориф масаласи газета муҳаррирлари учун бош мавзу бўлди. “Мактаб дўсти” имзоси билан босилган “Туркистан мактаблари” туркум мақоласида Туркистонда мавжуд мактаблар, улар олдида турган муаммоларга батафсил тўхталган, усули жадида мактабларининг миллат тараққиётидаги ўрнини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинган. “Усули жадида” деганимиз шул расмий мактабдурки, ҳозирда Туркистонда комили муваффақият ила томир отмоқда. Бу мактаблар синфий имтиҳонлари воситаси ила ўзининг на эканлигини халққа, хукуматга билтурди”², деб жадид мактабларига баҳо берилади.

Маълумки, ўша даврда Туркистонда турли хил эски усулдаги, усул савтия, усул жадида ҳамда русский - туземний мактаблари мавжуд бўлиб, аҳоли қайси усулда ўқитиш фойдали эканлигини батамом тушуниб етмаган эди. Бунга маҳаллий уламоларнинг жадид мактаблари ҳақидаги турли бўхтон ва тухматлари ҳам сабаб бўлган. Бу ҳакда Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг 1927 йилдаги қурултойда сўзлаган нутқидан ҳам билиш мумкин: “Ўша вақтдағи жадид мактабларига уламолар, бой - ҳамма ва ҳамма қарши эди”³. Газетанинг “Бухоронинг аҳволи ҳозираси” сарлавҳали таҳририят мақоласида баён қилинишича, Бухорода муллалар усул жадида мактаблари устидан амирга арз қилишган. Улар “Бир неча жадидчилар чиқуб ўз бошларига болаларини жам қилуб

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистан мұхторияти. -Т.: Маънавият, 2000. -Б. 13.

² Садои Туркистан, 1914, 15 апрель.

³ Миллий уйғониш. -Т.: Университет, 1993.

ўқутмақдадурлар. Бунларнинг олдини тездан олинмаси, болалар ҳуррият ҳавас бўлуб фуқарони оғу қиладурлар”¹ деб амирга ушбу мактабларни йўқотиш юзасидан маслаҳат беришган. Оқибатда янги усул мактаблари ёпилади. Бу ҳол биргина Бухорода эмас, Туркистон бўйлаб давом этарди. Шунинг учун ҳам газета ўзи кўтараётган мавзуларнинг амалий натижаларига жиддий эътибор қаратган. Жумладан, “Туркистон мактаблари” туркум мақоласи босилгандан сўнг, кўпгина шаҳарларда сармоядор бойларнинг ҳиммати билан янги усул мактаблари ташкил қилинади. Бу ҳақда “Самарқандда мактаб”,² “Андижонда мактаблар”³ сарлавҳали мақолаларда маълумот берилган: “Аввалги мақолада ахволи баён ўлмуш усул савтия исми остида улан “бўяма” мактаблар тамом ҳалқ қўзидан тушиб инқирозға юз тушгач, зикр ўлмуш ағниёи киром ўзаро машварат қилишиб тартиблироқ бир мактаб очмак фикрина тушмишлар”.⁴ Бундан хабар топган “Мусулмон жамияти умидияси” ҳам мактабларга моддий ёрдам бера бошлайди. Газета бу ҳаракатларни мамнун бўлиб қайд этади: “Жамиятнинг бундай маориф йўлларини иона қилиб бошлоғонлиғи шоён таҳсин ва табриқдур”.⁵ Газетанинг яна бир жасорати рус - тузем мактабларидаги таълим тизимиға миллий қадриятларимизни сингдириш ғоясини кўтариб чиққанлигидир. Газета чор ҳукуматининг мусулмон болаларини руслаштириш сиёсатига зимдан қарши чиқади. “Руский - туземний мактаблари, фойда ва заарлари, тариқи ислоҳи” мазмунида берилган ушбу мақолада: “Мусулмонлар учун энг муқаддас саналган мусулмонча ўқув, ёзув, тил ва адабиёт дарсларнинг вақти оз қўйилганлигини”, бу эса миллат болаларини миллий руҳиятдан узиб қўйишини таъкидлайди⁶. Газета чиқишиларининг яна бир эътиборли томони шундаки, маърифатли жамиятнинг асоси бўлган бошланғич

¹ Садои Туркистон, 1914, 11 июль.

² Садои Туркистон, 1914, 15 апрель.

³ Садои Туркистон, 1914, 18-апрель.

⁴ Садои Туркистон, 1914, 22 апрель.

⁵ Садои Туркистон, 1914, 15 апрель.

⁶ Садои Туркистон, 1914, 22 апрель.

мактабларни такомиллашган ўқув мезонлариға мувофиқ ташкил этиш масаласини такрор ва такрор кўтариб чиқади. “Бир миллатнинг аҳволидан баҳс этмак учун, энг аввало, ибтидоий мактабларига назар солмак лозим келур”¹. Газета Туркистон бойларини маориф ҳомийлари бўлишга чақиради. Газетада босилиб борган “Мактабларға иона”² сарлавҳали кичик хабарларда Тошкент шаҳридаги бир неча бойлар томонидан мактаблар учун қилинган хайрия пуллари ҳақида маълумот беради. Жумладан: Шайҳонтовур даҳаси Девонбеги маҳалласидаги муаллим Эшонхўжа мактабига 150 сўм, Себзор даҳаси Тахтапул маҳалласи муалими Собиржон ва Шокиржон Раҳимиylар мактабига 100 сўм, Тарновбоши маҳалласи муалими Мунаввар қори Абдурашидхонов мактабига 250 сўм берилган. Газета мазкур хабарлар охирида ёзади: “Маъсум болаларимизни ҳар хил ҳунар мактабларига берайлук ва замонча тартиб қиласйлук...табиб бўлсин, дурадгор бўлсинки, бизнинг жуҳут дўхтурлариға ва армани дурадгорлариға эҳтиёжимиз қолмасун”³. Айни пайтда ҳалқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари билан боғлиқ ходисалар ҳақида ҳам муносабатини билдириб ўтади: “Агар одамлар оқчаларини тўйларға сарф қилмасдан, энг зарур керакли нарсаларға ҳаражат қилсалар, ўзлари бундай хўрлик ва камбағалликларга қолмас эдилар”⁴. Мақола охирида афоризмга айланган бир аччиқ ҳақиқат эслатилади: “Тараққий қилур илм ва ҳунарли ҳалқ, оёқ остида қолур жоҳул нодон ҳалқ”.

“Садои Туркистон” газетаси ходимлари Туркистон бўйлаб саёҳатга чиқадилар, шаҳар ва қишлоқларда бўлишиб, ҳалқнинг турмуш тарзини, хусусан маориф ишларининг қандайлигини ўз кўзлари билан кўрадилар. Буни газетада босилган туркум мақолалар ёрқин кўрсатади. Жумладан, Нуширавон Ёвшевнинг “Саёҳат парчалари” сарлавҳали туркум очеркида⁵. Туркистон

¹ Садои Туркистон, 1914, 15 апрель.

² Садои Туркистон, 1914, 4 апрель.

³ Садои Туркистон, 1914, 4 апрель.

⁴ Садои Туркистон, 1914, 18 апрель.

⁵ Садои Туркистон, 1914, 22 апрел, 2 май, 18 май, 6 июнь.

шаҳарларидаги маориф ишларининг оқсоқ манзараси батафсил чизиб берилган. Чунончи, муаллиф Наманган шаҳридаги маориф ишларига тўхталиб, “илум ва маориф ишларина келсак, бу ҳам Туркистоннинг бошқа шаҳарлари киби... балолик бешикиндан чиқолмай турадур” деб ёзади. Муаллиф зўравонлик қурбони бўлаётган маҳаллий ҳалқларнинг аянчли қисматидан ўкиниб “маорифсиз миллат яшамас”, деган қатъий хулоса чиқаради¹. “Садои Туркистон”нинг заҳматкаш публицист ходимларидан Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳам ушбу ижодий сафарда иштирок этган. Унинг Наманган шаҳри аҳлига маориф юзасидан ўз таклиф, мулоҳазаларини билдиргани газета ёзилган. Шунингдек, Туркистоннинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам бўлиб, маърифатчиларга янги ўқув дастурларини тузишда кўмак беради. Н.Ёвушевнинг ёзилишича, икки кунлик ташрифдан сўнг “Мунаввар қори афанди зиёлиларга хитобан: сизларга оҳирги сўзим шул: мактабларнинг тараққий ва ривожига чолишуңгиз. Чунки бизнинг истиқболимиз шул мактаб масаласига бοғлидур. Ҳозирда бизим учун лозим ўлон нарсаларнинг энг яхиси мактаб! Мактаб! Мактаб!” деб оташ арабага минуб Хўқанд тарафига сафар этдилар.

Мирмулла Шермуҳамедовнинг “Илм ва маърифат” сарлавҳали насрый шеърида ҳам юқоридаги фикр бадиий ифодасини топган. Муаллиф илм ва маърифатнинг инсон маънавиятидаги бекиёс ўрнини юқори баҳолаб, “Эй, қоронгулик мағрибини нурли қилғон маърифат офтоби! Сенинг жамолингни кўриб висолинг мевасини жам этмоққа мувофиқ бўлганлар қадар дунёда масъуд бўлган бир миллат ўлмайдур”² деб Туркистон ёшларини дунё илмларни эгаллашга чақиради. Бунинг учун энг аввало кутубхоналар ташкил этиш зарур деб билади. Шу мақсадда “Қироатхона лозимдур” сарлавҳали катта мақола эълон қилинган ва бутун ёшларни жипслаштирадиган, билим олишга чорлайдиган қироатхона ташкил қилиш муҳимлигини мисоллар асосида тушунтириб

¹ Садои Туркистон, 1914, 22 апрель.

² Садои Туркистон, 1914, 25 апрель.

берган. “Халқимизнинг бир камчилиги бор: унда бир миллий қироатхона йўқлигидур. Тошканд марказида бир қироатхона очиб, у ерга журналлар, газеталар келтируб ёшларимизни олам янгиликларидан хабардор этсак, илмга, маърифатга ҳаваслари ортади”¹ дея ёзади муаллиф. Ушбу мақола босилгач, газетага мактублар кела бошлайди. Кўпгина сармоядорлар, савдогарлар ўз китобларини қироатхонага ҳадя қилиш ва моддий ёрдам беришларини маълум қиласидар. Бу тўғрида газетада “Жаридамизнинг 5 - нчи нўмерида “Қироатхона лозимдур” унвони ила босилмиш мақолани ўқиғон Тошканд ёшлари орасида бу хусусда жиддий бир ҳаракат бошланди”, деб мактублардан намуналар келтиради. “Етар энди ғафлатимиз! Биз ҳам бошқа миллатлардан ибрат олиб бирликда иш кўриб ўзимизнинг устимизда турғон миллий масалаларимизни тезлик ила фаолиятга чиқармоққа ҳаракат қиласилик. Ишлайлик. Бу хусусда ҳар қанча лозим бўлса ионага ҳозирман. Абдулқосим Тошмуҳамедов жаноблари”. “Ҳозирда халқимизни нурлантурмак учун энг биринчи вазифамиз бир миллий қироатхонани фаолиятга чиқормак ва бунга моддий ва маънавий ёрдам бермакдур. Биз ҳар қанча ёрдамга ҳозирмиз. Турсунов Носир Муҳаммадий”². Бундай мактублардан мамнун бўлган газета “Алҳамдулиллоҳ, бизда ҳам мактаб ва мутолааға ҳаваслилар ортмиш. Илм ва маърифатга рағбат фикрлари уйғонмушдур” деб ёзади³. Газетанинг тинимсиз саъи - ҳаракатлари беҳуда кетмади. “Садои Туркистон” журналистларининг ташаббуслари билан эски усул мактабларида ҳам ижобий ўзгаришлар юз беради. “Муаллимлар қарори” сарлавҳали хабардан маълум бўлишича, Тошканд муаллимлари ўз ўқувчиларидан “пайшанбалик олмасликка, жазо нақдия солмасликка, болаларни калтакламасликка ҳамда имтиҳонларни умум йиғинда” ўтказишга қарор қиласидар. Ўша пайтларда мактаб муаллимларининг барчаси ҳам саводли, жонкуяр эмас эди. “Бизда

¹ Садои Туркистон, 1914, 2 май.

² Садои Туркистон, 1914, 2 май.

³ Садои Туркистон, 1914, 6 май.

ўқув ва ўқитув” сарлавҳаси мақоласида газета мана шундай муаллимларни кескин танқид қиласи. Чинакам, ҳалол, фидой устозларни: “Бу афандилар миллат болаларининг руҳин кўтармак, дилларидан жаҳолат ва нодонлик занжирларини илм ва адаб нури ила ювиб нурланурмак учун хизмат қилмоқдадурлар”¹, дея улуғлайди. Мана шундай муаллимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласиган расмий бир идора ташкил этиш фикрини Рауф Музаффарзода ўртага ташлайди. “Олдимиизда мадрасалар, мактаблар, муаллимлар, яна ниҳоятда кўп ишлар бор. Мадрасалар, мактаблар учун муаллимлар лозим. Муаллимларимизға ҳуқуқ берадирғон жой бўлмаса, ишимиз яхши бўлмас”, - деб ёзади у².

Рауф Музаффарзоданинг “Руҳоний идоралар ҳолидан” сарлавҳали мақоласида энг муҳим масалалар, маориф соҳасидаги кечикириб бўлмайдиган вазифаларга руҳоний идоралари бефарқ қараётганлиги кескин танқид қилинади. Руҳоний идора вакилларининг бу камчиликлари чоризмга қўл келса-да, тараққийпарвар зиёлилар нафратини қўзғатар эди. “Бизким ҳукумат идоралари на маориф комиссиялари на матлабимизни тушунирадурғон одамларимиз йўқ.... ҳукуматнинг диний идоралар таъсис қилувдан мақсади-бизни баҳт ва саодатга етушдирмак бўлса, бизга ҳам шу мақсадға хизмат қилмак лозимдир”³. Бу газета таҳририятининг ҳам жиддий талаби эди. Гарчи газета “мумкин қадар сиёсий сўзлардан йироқ бўламиз” дейишига қарамасдан, ҳар бир мавзу замирида зулм ва зўравонликка қарши кучли исён сезилиб турарди. У халқни маърифатли, очик фикрли қилиш учун барча имконият эшикларини очишга, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишга интилган. “Тошкандда политехникум” сарлавҳали кичик бир хабар газетанинг 28 апрель 6 сонида босилган. Унда ёзилишича, Туркистондаги қазилма бойликларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун шу соҳа мутахассислари зарур. “Шунинг учун,-

¹ Садои Туркистон, 1914, 6 май.

² Садои Туркистон, 1914, 17 май.

³ Садои Туркистон, 1914, 28 апрель.

деб ёзади газета, - рус зиёлилари Тошканда Германия мактаблариға ўхшаш политехникум очувни сўрабдурлар. Албатта, мактаб кераклиги ҳеч инкор қилинатурғон нарса эмас. Бунга руҳсат берилур ҳам. Мусулмонлардан бошқа халқлар ўкур ва фойдаланур. Аммо шу мамлакат ўз халқи бўлғон мусулмонлар нима қилур эканлар?”.¹ Бу жуда ўринли савол эди.

Хабар давомида газета ўқувчини яна бир мулоҳазага чорлайди. “Алар бир вақтда ўз мамлакатларидан неча миллиард сўмлик пахта чиқорилуб, четга тилла конини қуриб тамоша қилуб зиёлилари ила қўлға - қўл тутушиб ҳаракат қилур”. Биз “Садои Туркистон”нинг ҳар бир саҳифасида мустабидларга қарши мана шундай ички исёнларга дуч келамиз. Ўзларининг бойликлари ила 2050 млн. халқни бойитурлик бой мамлакатлариндан фойдалана олмасдан бошқаларға мардикор бўлиб ишлашга қунлари қолмасми экан?”. Ўз ўрнида газета берган саволига жавоб излашга ҳаракат қиласди. Туркистоннинг бу аянчли тақдирини ўзгартириш учун имкон топишга интилади. “Бирдан-бир йўл, деб ёзади газета, мана шу очиладурғон мактабларға кируб ўқуб, уларни кўпроқ очдирурға ҳукуматдан руҳсат олмак лозим”. Газетанинг “Имтиҳон масаласи” таҳририят маколасида: “Рус-тузем мактабларида имтиҳон масаласига жиддий эътибор берилиши, губернатур, маориф маъмурлари, амалдорларгача иштирок этишлари лозим, фақат мусулмонча қисмининг имтиҳонига аҳамият берилмаганлиги афу ўлунмас бир гуноҳ”². Мақола муаллифи бундай мактабларда мусулмончанинг йилдан-йилга заифлашиб, охирда йўқ бўлмоғига сабаб бўлмасми, деган хуносага келади.

Илм ва маърифат ҳам ҳунардан қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиққон бизни халқ.
Мактаб ўрнига очилди ҳар маҳаллада майхона,
Нафрат этмак нари турсун шод, ва хандон бизни халқ.³

¹ Садои Туркистон, 1914, 28 апрель.

² Садои Туркистон, 1914, 11 май.

³ Садои Туркистон, 1914, 22 апрель.

Эндиғина адабиёт осмонида пайдо бўлаётган Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон қаламига мансуб ушбу сатрлар ҳам “Садои Туркистон” саҳифаларидағи маърифат ҳуррият руҳининг ёниқ бир шуъласи эди. Газетанинг 1914 йил 20 май сонида Каримбек Норбек ўғлининг “На учун ибрат олмаймиз” сарлавҳали мақоласи босилади. Унда муаллиф илгари сурган ғоя – “маориф” сўзи замирида миллат озодлиги, маънавий камолоти йўлидаги қалб изтироблари ифода қилинганлиги ўқувчини ҳайратга солади. Шу боис газетани ўз даврининг ҳуррият байроғи бўлган, дейишга асосимиз бор.

Газета муаллифлари Туркистондаги мустабидлик тузумининг ёввойи тус олишига маҳаллий халқнинг маърифатсизлиги ҳам сабабdir, деган фикрни билдиришади. Улар табиий бойликлари кўп Туркистон ерларидан мустабидлар мўл-кўл даромад олаётганлигидан, ерли халқ ўз табиий бойлигидан ҳам маҳрум қолаётганлигидан ўқинишади. “Бунга сабаб - деб ёзди газета, - зироат, саноат ва тижорат киби замона илмларидан хабарсизлигимиз. Тездан ҳаракат қилиб ўқимак ва маърифатли бўлмак учун жаҳд ва жадал қиласилук. Йўқса вақтимиз қўлдан кетар ва азиз умримиз илмсизлик йўлида барбод бўлур. Вақтимиз оқчадур”.¹ Маҳаллий зиёлилар Туркистондаги ўқув тизимнинг барча босқичларини тубдан янгилаш зарур ва шарт эканлигини газета саҳифаларида чоп этилган мақолаларда исботлаб беришган. Ўша пайларда янги усул мактаблари йўлга тушаётган бўлса ҳам, янги тартибдаги мадрасалар йўқ эди. Шунинг учун ҳам “Садои Туркистон” бу муаммони кечиктирмай ҳал этиш кераклигини халқа англатишни ўзининг бурчи деб билади. “Хозирги мадрасаларимизда ўқув” сарлавҳали мақолада Самарқанд, Бухоро, Андижон каби йирик шаҳарлардаги мадрасаларнинг ўқув тизимини кескин танқид қиласиди. Газетанинг 1914 йил 20 июнь сонида босилган ушбу мақола Туркистоннинг эртаси бўлган ёшлар биргина дин илми билан чекланиб қолаётганлигидан афсусланади.

¹ Садои Туркистон, 1914, 20 май.

“Хозирда ҳаёт ва мамот даражасинда энг муҳим масала, – деб ёзади газета - қозилиқ ва муфтилик, яъни идораи руҳониялар таъсис қилмоқ масаласидур”.... Бунинг учун муқтадор ҳуқуқшунос олимлар керак. Онларни етишдирмак учун тартиблик ва интизомлик мадрасалар керак”.

Айтиш мумкинки, Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашнинг тайёргарлик дастури мана шу халқقا зимдан англатилгандек туюлади. Бу жиҳатдан Тавалло Тошкандининг ушбу сатрлари характерлидир:

Кўр, эй миллат, жаҳон миллатларин, бекор юрмайдур,
Бизингдек эрта кеч чойхонада ҳаргиз ўтирумайдур.
Борур турлик ватан айлаб илм учун Европаға,
Ўқур турлик фунунлар, соядек бир ерда турмайдур.
Агар таҳсил эдурса ул бўлур миллатға бир ходим,
Ва лекин биз киби тўй, маърака деса юрмайдур.¹

“Садои Туркистон” дадил кўтарган долзарб мавзулари билан оммавийлашиб борди. Ҳар бир мақоласига газетхонларнинг муносабати бериб борилган. Жумладан, “Ўш мўътабаронларининг ибратли қарори”² сарлавҳали хабардан маълум бўлишича, Ўш шаҳридаги Мулла Насриддин мингбоши раҳбарлигидаги бир гуруҳ зиёлилар тўй, азалардаги ортиқча исрофгарчиликларга барҳам беришга аҳд қилишиб, ҳокимга мактуб йўллашган. Улар бу йўлдаги сармояларни мактаб ва мадрасалар ривожига ҳадя этиш лозим, деган фикрни билдиришган. Газета идораси мана шундай миллат фидоийларига ўз миннадорчилигини билдириб борган. Бу эса, маълум маънода, шундай ишларни рағбатлаш эди. Адабиётшунос ИброҳимFaфуров таъкидлаганидек, “ёшлиарни замонавий мактабларда ҳамда илғор мактабларда ўқитиш, олий мактаб ва мадрасалар очиш, замонавий асосда ташкил этилган ҳунармандчиликни ривожлантириш, ўлка табиий жуғрофиясини ҳисобга олган ҳолда завод ва фабрикалар қуриш, халқнинг техникавий маданияти ва билимларини кўтариш, жаҳон

¹ Садои Туркистон, 1914, 20 июль.

² Ушбу сон.

мамлакатлари билан Россия ҳамкорлигига туриб иқтисодий - маданий муомалаларга киришиш, тарихий-ижобий анъаналарга ва тажрибаларни тиклаш ва жонлантириш газетанинг бош мақсади эди”¹.

1915 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти Тошкент шаҳри забт этганлигининг 50 йиллигини нишонлашга қарор қиласди. Шу муносабат билан “Садои Туркистон” “Юбилейга ҳозирланув” сарлавҳали мақола эълон қиласди. Эътиборли томони шундаки, мақола жуда майда ҳарфлар билан босилган. Бу ҳам газетанинг мазкур “юбилейи”га муносабатини кўрсатади. Мақола газета бош муҳаррири У.Асадуллахўжаев номидан берилган. Унда ёзилади: “Онлар олғон киши, қанча шодлик қилсалар ярашур. Биз эсак шаҳар берғон киши. Бизға шодлик ўрнига хафалик керак деб оғуз очуб қараб қоламизми?” Бу саволга муаллиф шундай жавоб беради: “Дуруст, Русия ҳукумати бизим шаҳримизни забт этди. Ҳукуматимизни қўлдан олди... Лекин, Туркистонда темир йўллар, телеграф, телефон тармоқларининг вужудга келишига сабаб бўлди. “Ўзимизнинг 50 йиллик садоқатимизни шафе келтириб бундан бир фойдали ишга ижозат сўралганда, ҳукумат ҳам рад қилмаслиги табиийдур”² дея Туркистонда олий бир мадраса, дорулмуаллимин очишга ҳукуматдан рухсат сўраш лозимлигини ёзади. “Бизға тездан ҳаракат қилуб қози, муфти, мударрис, муаллим, имом ва муazzин етиштурадурғон мунтазам бир мадрасаи олия очмак фарз даражасинда зарурдир. Буни эса шул юбилей муносабати ила очмак ҳар жиҳатдан осон ҳам мувофиқдур”.

“Садои Туркистон” газетаси жамоатчилик эътиборини қаратган мавзулардан бири – оналар саводхонлиги масаласидир. Жумладан, газетасининг “Хотун қизларимизга бир назар”³ сарлавҳали мақоласида шундай ёзилади: “Ёш болаларимизнинг ибтидоий тарбиялари оналар қўлинда ўлдиғиндан оналар бўладурғон қизларимизни ўқитмоқ, оналар учун хусусий мактаблар солмоқ,

¹ Фафуров И. Садои Туркистон ва миллий хаёллар. ЎзАС газетаси. 1994, 11 март.

² Садои Туркистон, 1914, 28 май.

³ Садои Туркистон, 1914, 3 июнь.

муаллима ва мураббиялар ва тарбия афъолига ошино бўлган оналар етиштурмак масаласи биринчи даражада муҳим масалаларданур”. Бу масала ўша даврда зиёлиларимизни ўйлантирган муаммолардан бири эди. Бугун ҳам мустақил Ўзбекистоннинг хотин-қизлар маънавияти масаласига алоҳида эътибор бераётганлиги бежиз эмас. Зотан, истиқбол эгалари бўлган ёшлар тарбияси, энг аввало, оналарга боғлиқ. Шу боис ўз даврида “Садои Туркистон” ҳам мана шу масаланинг ҳал этилишига эътибор қаратганди. Мавзуга оид мақолалардан воқиф бўлган туркистонлик аёллар ўз орзу-армонларини ёзиб газетада чоп эттиридилар. Унда “Пошшохонум” имзоси билан мусулмон хотин - қизларига даъват эълон қилинади.¹ “Эй, мусулмон қардошларим! Шунча вақт илм ва маоруфдан маҳрум жаҳолат зиндонида ётганимиз етади. Битсун жаҳолат ва ғафлат, битсун орамиздаги расм ва одат”.

“Садои Туркистон” саҳифаларида Абдулла Авлоний, Тавалло, Сўфизода ва бошқа маърифатпарварларнинг ўзбек хотин - қизларини илмга, ҳунарга даъват қилувчи шеърлар чоп этилган. Масалан: Тавалло Тошкандий қаламига мансуб шеърда шундай сатрлар бор:²

Болалар тарбиятлик ўлмак учун,
Оналар бўлсин тарбият кўрган.
Тарбиятсиз оналарнинг боласин,
Тузата ололмас муллим ҳеч йўл (б) илан³

Муҳаммад Шариф Сўфизоданинг “Ўқинглар, оналар!” шеърида ўзбек оналари билим олишга чақирилади.

Миллати исломиятнинг бонуси,
Ўзбек элининг қоракўз охуси.
Кор қилур бир куни жаҳл оғуси,
Илм ва амал ушбу касал доруси.

¹ Ушбу сонда.

² Садои Туркистон, 1914, 2 сентябрь.

³ Садои Туркистон, 1914, 25 июль.

Қумри билан булбул ва бедоналар,
Яхши ўқурсиз ҳам ўқинг оналар.¹

“Бир миллатнинг ҳар жиҳатдан тараққий қилмоғи ва маданийлашмоғи хотун - қизларининг илми, ахлоқи ва фикри жиҳатларидан тараққий ва маданийлашмоғига мувофиқдур”, дея газета миллат тараққиётiga тўсик бўлаётган бидъат ва исрофгарчиликларга хотин-қизларимизнинг ўқувсизлиги ҳам сабаб, дейди. “Орамизда бўлғон қўп исроф ва бидъатларға ва қўп бойларимизнинг банкуrot бўлуб қарздор ва абгор бўлмоқларига шул хотин - қизларимизнинг жаҳолат ва одатлари ва тўй масалаларида эрларининг ўз холларини қўймасдан турли исрофларга мажбур этганликлари сабаб бўлмақдадур”. Тошкандлик муаллима имзоси билан босилган “Туркистон мусулмонлари тарафидан бир садо” мақоласи: Битсун бундай аҳамиятсиз зийнат асбоблари!... Энди бизни ўқитурға ғайрат қилингиз, ғайрат!!!” - дея ўзбек қизларини маънавий бойлик сари чорлайди². Газета оталарни қизларига қатор - қатор зийнат, тилла тақинчоқлар тақищдан кўра, илмли қилишга чақиради. Сора Музаффариянинг “Айб ўзимизда” сарлавҳали мақоласида хотин - қизлар номидан: “Бизда истеъдод ҳам бор, қобилият ҳам бор. Онг ва фикр ҳам бор. Бир уй ичиғина эмас, баъзи эрлар ҳам ўрнига келтира олмайдиган мамлакатлар идора қиладурғон қувват ҳам бор”- дея ёзилади.³ Тадқиқотчи Нодира Мустафоева “Аёл юксалтуур башариятни”⁴ мақоласида таъкидлаб ўтганидек, Нозимахоним, Лайлохоним каби шоира қизларнинг шеърлари “Садои Туркистон” саҳифаларида чоп этилиши газетанинг хотин - қизларга катта умид кўзи билан боққанлигидан далолат беради.

Фаол муаллифлардан Рауф Музаффарзоданинг “Янги йилдан эски тилаклар” сарлавҳали мақоласида⁵ ҳам хотин-қизларимизни дунё илмларидан хабардор бўлишга ижтимоий - ҳаётда илғорин

¹ Садои Туркистон, 1914, 18 май.

² Садои Туркистон, 1914, 20 май.

³ Садои Туркистон, 1914, 23 август.

⁴ Тафаккур, 2000, 1-сон. –Б. 19-20.

⁵ Садои Туркистон, 1915, 6 январь.

сонлар сафида бўлишга чақиради. Газетада мана шу даъватлар, эълон қилингач, таҳририятга, кўплаб мактублар кела бошлайди. Ҳатто Тошкентнинг Себзор даҳаси, Тахтапул маҳалласида истиқомат қилаётган 15 нафар қизнинг илм даражасини аниқлаш учун имтиҳон жорий қилинади. Бу ҳақда газета мамнунлик билан шундай ёзади: “Бу қизлар имтиҳони бутун Туркистон мусулмонларининг илм маоруф йўлига биринчи уринишлари бўлиб, мундан сўнгра мактабларимизнинг ададларини кўпайтирмоғини жаноб ҳақдан сўраб қолурмиз”¹.

Илм ва дониш яхши зийнат қиз - хотинга молидан,

Илм олуб шояд қутулса ғафлатнинг чангидан.

Тарбиятсиз боғу - бўстондан самар кутмак айб,

Ишламай гулзорда бекор гул кутмак айб,

деб ёзади газета. Кўринадики, газета маорифнинг барча жабҳаларини кенг ва чуқур таҳлил этишга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам “Жамият қандай очилур” сарлавҳали таҳририят мақоласида² “Маориф ва маданият боғчасининг биринчи дарбозаси мактабдур”, деб тараққиёт йўлини маърифат орқали кўради. Газета замон талабларига жавоб берадиган янги мактабларни ҳуқуқий томондан ҳимоя қилиш учун жамият ташкил этиш муаммосини кўтариб чиқади. Бу борадаги мақолада ушбу жамиятнинг дастури ва низоми ариза билан бирликда губернаторга топширилгани баён қилинган. Адабиётшунос Улугбек Долимов ушбу мақолани Мунаввар қори Абдурашидхонов қаламига мансуб дейди. Шуниси диққатга сазоворки, гарчи манбаларда Мунаввар қори Абдурашидхонов газетанинг бадиий, услугбий жиҳатига етакчи муҳаррир деб кўрсатилган бўлса ҳам, бирор мақолага Мунаввар қори имзоси қўйилмаган. Айнан юқорида келтирилган мақолага “Фарёд” деб имзо чекилган.

Петербургда бўладиган кенгаш мажлисида кўриш учун мусулмон депутатлари номидан Сайдиносир Миржалилов мусулмон руҳоний идорани тузиш тўғрисида 16 моддадан иборат

¹ Садои Туркистон, 1914, 18 июль.

² Садои Туркистон, 1914, 28 июнь.

лойиҳа эълон қиласди. Ушбу лойиҳада Туркистон халқини иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий томондан ҳимоялаш, яъни қози, муфти ва муаллимлар ва мударрислар етиширирадиган олий мадраса очиш ғояси кўтарилиган. Ушбу масалалар кўтарилиган мақола газетанинг 1914 йил 1 июль сонида босилган, 15 июль сонида эса, бу лойиҳага Петербург шаҳридан ижозат берилганлиги маълум қилинган.¹ Албатта, маориф ишларини шу даражада йўлга қўйиш газета таҳририяти учун осон кечмади. Муҳаррирлар нафақат чоризм таъқибига, балки маҳаллий уламолар қаршилигига ҳам учраган, ҳоллари кўп бўлган. Ҳатто газета ходимларидан Рауф Музаффаров мадрасалардаги аҳволни танқид қилганлиги учун маҳаллий уламолар томонидан калтакланган.² “Умрларин мадрасаларда ўтказган муллаларимизнинг фикри ва ақли шул даражасиндадур”, деб ёзди алам билан газета. У.Асадуллахўжаев “Болаларимизнинг баҳтсизликларига кимлар сабаб?” сарлавҳали мақола билан чиқади. У айрим уламоларнинг ёлғон гапларига учиб, болаларини замон илмидан, усул жадида мактабларидан қайтариб олаётган оталарга насиҳат қиласди. “Ҳаёт мол ила эмас, ақл ва илм иладур” - деб ёзди бош муаллиф. Илм ва маданиятдан баҳраманд миллатлар ҳар вақтда бошқаларга ғолиб келурлар. Аммо жоҳил миллатлар доимо мағлуб”³. Бу сатрларда “Садои Туркистон” газетасининг маорифга бўлган асосий қараши акс этганди. Фузайл Жонбоевнинг “Кичкина фелятун”⁴ рукнида босилган мақоласининг сўнгига шундай сатрлар бор: “Тараққий қилур илм ва ҳунарли халқ, оёғ остида қолур жоҳил ва нодон халқ”. Бу сатрларнинг битилганига салкам бир аср бўлди. Бу орада халқимиз жуда кўп машаққатларни бошидан кечирди. Ниҳоят ўз мустақиллигини қўлга киритди. Халқимизнинг истиқлолни қўлга киритиш учун катта хизмат қиласган “Садои Туркистон” ўзбек матбуоти тарихидан очик фикрли, дадил нашр сифатида ўрин

¹ Садои Туркистон, 1914, 8 июль.

² Садои Туркистон, 1915, 15 январь.

³ Садои Туркистон, 1915, 18 февраль.

⁴ Садои Туркистон, 1914, 18 апрель.

олган. Газета миллатнинг маҳв ва инқироздан қутқармоқ учун замона илмини, маорифини ўрганмоқ лозим, деган хуносага келди. Бу йўлда улуғ маърифатпарвар Исмоил Ғаспрали ғояларига содик қолди. Нафақат ҳалқни маърифатга чорлади, балки Туркистонда маориф ишларининг ривожига амалий йўлбошчи бўлди.

§ 2.3. “Садои Туркистон” газетасида адабиёт масалалари талқини

“Садои Туркистон” миллат қаддини кўтарувчи ҳар бир таянчга алоҳида эътибор берди. Жумладан, ҳалқнинг маънавий юзи, маданият даражасини белгиловчи мезон бўлмиш адабиёт масалаларини ҳам теран ёритди. Газета ўзбек миллий адабиётининг қандай бўлиши кераклигини аниқ тасаввур қилди. Шунинг учун “адабиётнинг вазифаси мамлакат эҳтиёжотини қузатмак ва майдонга чиқаруб қўймақ, энг муҳим мавзуларни аҳоли назарига арз этмак” эканлигини жуда тўғри кўрсатиб берди. Вақтли матбуот бадиий адабиёт намояндаларининг “мумкин қадар фикрсиз ҳалқ ишига аралашуб мулойимона насиҳатларда бўлуб ва миллатнинг энг қоронғу бурчакларига кетуб нурли чироғ бўлуб миллатнинг жароҳатли узвларига даво солиш”га чақиради¹. Газетанинг энг фаол мухбирларидан Тўлаган Хўжамёров шундай ёзади:

Эмди қилғумдур ғуборингни кўзимга тўтиё,

Фикримиз қилсун тараққий, илмимиз топсун ривож.

Кўз очилсун, йўлни кўрсин, кўнглимиз топсин жило.²

Ҳар қандай тараққиёт руҳиятнинг покланишидан бошланади.

Бунинг энг кучли таъсир қуроли, шубҳасиз адабиётдир. Сўзнинг қилич тифидан ҳам ўткир кураш воситаси эканлигини маърифатпарварлар аниқ тасаввур эта олдилар. Нафақат тасаввур ва таъриф эта олдилар. Балки соғ миллий адабиёт учун курашдилар. Профессор Бегали Қосимов ўзининг “Миллий уйғониш” китобида: “жамиятни тарбиялашда адабиётнинг буюк

¹ Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарвар адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. -Т.: Фан, 1993. -Б.82.

² Садои Туркистон. 1914, 15 апрель.

ролини жадидларимиз яхши англаған"¹, деб ёзади. “Адабиёт – миллат ойнаси” мақоласида келтирилган фикрлар кузатишларимизни янада бойитди: “Яланғоч даъват ва чақириқлар, шиорбозлик” күзга ташланадиган жадид адабиётининг “Садои Туркистон” публицистлари томонидан кенг таҳлил этилиши ушбу нашрнинг ўз вазифасини нечоғли адо этганлигидан далолат беради. Профессор Назира Абдуазизова ҳақли таъкидлаганидек: Газета адабиётни жамият янгиланишига таъсир қилувчи ғоявий бир куч, ғоявий қурол сифатида тасаввур этди.² Шу жиҳатдан Чўлпоннинг “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 3 июнь сонида босилган Чўлпоннинг “Адабиёт надур?” сарлавҳали мақоласи алоҳида диққатга сазовордир. Бу мақола ҳақида кўпгина адабиётшуносларимиз ёзишган. Улар тўғри баҳолаганларидек: Чўлпон “Адабиёт надур?” мақоласида адабиёт баҳонасида Туркистоннинг истиқболи ҳақида қайгуради, халқнинг келажагини таъминлайдиган омиллар тўғрисида мулоҳаза юритади”. Дарҳақиқат, мақолада шундай сатрлар мавжуд: “Танимизга сув ҳаво не қадар зарур бўлса, майшат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдур. Адабиёт яшаса - миллат яшар”.³ Ёш Чўлпон юрагидаги бу туғён “Садои Туркистон” маслаги билан ҳамоҳанг эди. Шу боис ҳам сўзда ботир, идрокда илғор қалам аҳли учун газета саҳифалари ҳамиша очиқ бўлган. Уларни таҳририят “Садои Туркистон”нинг “овози” деб ардоқлаган. Газета 1914 йилги 3 сонида туб “Идорага мактуб” рукнида 15 ёшли Чўлпонга оқ йўл тилайди. “Туркистонли қардошларимизга” номли шеърини чоп этади. Чўлпон каби ёшларни “миллатнинг саодати, ривожи ва тараққийси учун туғилган қаҳрамонлар” деб атайди. Ҳақиқатан ҳам, 24 қатордан иборат бу шеър ёш Чўлпоннинг бутун қалб туғёни мужассам эди. Шу боис ҳам унинг “Адабиёт надур?” мақоласи уйғониб келаётган Туркистон болаларининг курашчан шиҷоати ва теран идроки

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т.: Маънавият, 2002, 123-бет.

² Қаранг: Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. -Т.: Академия, 2000. -Б.137.

³ Садои Туркистон. 1914, 3 июнь.

билан ҳамнафас эди. Чўлпон ёзади: “Адабиёт, чин маъноси ила ўлган, сўнган, қораланганд, ўчган, мажруҳ ярадор кўнгилга рух бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдурғон, ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиласурғон чанг ва тупроғлар тўлган кўзларимизни артиб тозалайдурғон булоқ суви бўлғонлигидан бизларга ғоят керақдур”. Бу фикрлар ўз даври, нафақат ўз даври, балки бугунги истиқлол даврида яшаётган янги авлод учун ҳам зарурдир. Чўлпон ҳақли таъкидлаганидек: “Адабиёти ўлмағон ва адабиётнинг тараққийсига чолишмаган ва адиблар етишдирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур”. Газета 5-сонида “Садои Туркестон”ни мақтамоқ ўрнига фойдали миллий шеърлар ва адабий мақолалар ёзуб миллатни бедор қилмакка сайъ этмакларини орзу қилурмиз” дея ўқувчиларга мурожаат қиласиди. Шуниси характерлики, газетада севги-муҳаббат ҳақида ёзилган бирорта шеър учрамайди. Бу газета муҳаббат мавзуидаги шеърга қарши бўлган дегани эмас. Балки у ўша тарихий шароитда муҳаббат мавзуидаги шеърдан кўра ижтимоий-сиёсий, маданий – маърифий назм зарурроқ эканлигини англаған. Унда 74 та шеър босилган бўлса, барчаси миллатни курашга, илм-маърифатга, бир сўз билан айтганда миллий шеърлардан иборат. Айтиш жоизки, адабиёт мавзусини ёритар экан газета ўз маслаги ва мақсадига содик қолган. Абдулла Авлонийнинг афоризам даражасига кўтарилигандан шундай гапи бор: “Маоруфдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолғон халқ жаҳолат панжаларининг орасида ҳамир киби эзилганидек, нодон кишини тирик ўлук деюрлар”.¹ Газета мана шундай “тирик ўлуклар”га қарши курашган. Ҳар бир сонида миллий ғурур, ватанга садоқат ҳақида ёзилган. У адабиёт ҳам шу ғояга хизмат қилиши шарт деб билган. Шунинг учун ҳам таҳририятга келган материалларга жиддий ва талабчанлик билан

Эслатма: «Ялт-юлт» журнали Қозонда босилган ҳажвий журнал.

¹ Садои Туркестон. 1914, 18 июнь.

ёндашган. Бир неча сонда Чўлпоннинг ҳам айрим асарлари босилмайди, деган таҳририят жавоби босилган. Жумладан: газетанинг 33-сонидаги “Идорадан жавоблар” рукнида “Чўлпон афанди, “Нима бор?” унвонли мақолангиз “Ялт-юлт” журналига муносибдур”. “Садои Туркистон” муштариyllарига шундай мурожаат учрайди: “Мақола ёзғувчи муҳтарам зоти шарифлардан ёзадургон мақолаларини турк болалари учун ёзувларини ўтинализ”.¹ Бу ёзилган мақолалар турк(ўзбеклар) учун тушунарли усулда ёзилсин, деган талабдир. “Бизга керакли иш ўз майишатимизни тузатмақдур. Агар ўз майшатимиздан олуб ёзуб юборсангиз, ғоятда мамнун ила босармиз”.² Кўриниб турибдики, “Садои Туркистон” моддий манфаатни кузатмай, маъно ва рух жиҳатини ҳам дарҳотир тутиб, миллатга тақдим этиш зарурлигини ҳар бир ёзувчи ёдда тутиши кераклигини қайта-қайта уқтирган. У “Маоруф ва маданиятни тарқатувчи ҳам матбаа ва матбуотдур”, дейди. Бу билан миллатнинг маънавий бешиги бўлган адабиёт ҳақида қайғуриш – ҳар бир матбуот ходими учун муқаддас бурч эканлигини таъкидлайди.³ Ёшларни тўғри йўлга бошловчи гўзал асарлар, таржималар дунёга келишини орзу қиласи. “Куруқ насиҳатлар ўрнига ибратли хабарлар” ёзишга чақиради⁴. “Халқ фойдаланурлик янги асарлар йўқ, - деб қуйинади газета, - ҳозирда бундай асарларни ёзувчилар бўлмағон киби нашр этувчилар ҳам йўқдур. Янги майдонга чиққан мактаблар, муаллим афандилар таълим ва тарбия усуллари, албатта Туркистон мусулмонлари учун бу кунда кўзга кўрунурлик ва фойдали асарлар йўқдур”.⁵ Демак, миллий адабиётни маърифатчилар реал воқеаликда, жамият ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий, маданий ўзгаришлар талқинида кўрган. Ёзиладиган ҳар бир асар халқ турмушининг яхшиланишига, ўқувчи онги, тафаккурида илғор ғояларни камолга етказишига хизмат қилиши зарур деб ҳисоблаган. Адабиётнинг

¹ Садои Туркистон. 1914, 8 октябрь.

² Садои Туркистон, 1914, 29 октябрь.

³ Садои Туркистон, 1914, 26 ноябрь.

⁴ Садои Туркистон, 1914, 5 август.

⁵ Садои Туркистон. 1914, 9 июль.

воқеликни акс эттириш талаби “Садои Туркистон”да қўйилганини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам газета саҳифаларида миллат қалбининг жароҳатларига даво бўлувчи асарларнинг илк намуналари босилди. Газета ёзади: “Эмди бизга ҳам миллий матбуот, миллий адабиётни тараққий қилдурмакга вақт келди. Эй, муҳтарам ўқувчилар! Жаридаларимизни ҳар бирингиз ўқунгиз ва иқтидорингиз доҳилинда аларга фикрингизни ёзингиз. Бизга ўзимизнинг она тилимизда, ўз аҳволимизни ислоҳ қилмакга ғайрат этадурғон жаридалар лозим. Арабча ё форсча хоҳловчилар учун арабий ва форсий жаридалар кўбдур”.¹ Кўйидаги сатрлар ҳам мазмунан юқоридаги фикрнинг мантииқий давомидир: “Садои Туркистон” га Туркистонда исмлари тонулғон энг улуг адиллар, муҳаррирлар ва шоирлар иштирок этадурлар. Шунинг учун доиман адабий, фанний, майший ва ижтимоий масалалардан баҳс қилуб муҳим ва жиддий мақола ва хабарлар ила ўқувчиларин мамнун этажақдур”.²

“Туркистонга зўр шодлиғ” сарлавҳали мақолада эса, “Кўбдан бери кутилган Туркистон учун энг керакли Туркистон шевасинда шайх Саъдий усулида Абдулла Авлоний тарафидан ёзилуб, тошбосмада босулуб, 132 бетдан иборат муҳим асар майдонга чиқди. Ҳар бир адабиёт ошиқларина, хусусан, муаллим афандиларина бирор нусхасини тавсия қилурмиз”, дея ўз ўқувчиларига “Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ”ни тавсия қиласди. Газета пайдо бўлаётган янги асрларга деярли муттасил муносабат билдириб борган. “Тақриз” рукнида қатор асарларга баҳо берилган. Жумладан: Қоримухаммад Раҳим Тожи жанобларининг “Тикон” номли шеърий китоби ҳақида шундай ёзади: “Бу шеърий китоб ўз майшатимиздан олинуб ёзилғон бўлуб, ёшларга хийла таъсирлик мундарижоти бордур. Шеърлари орасида баъзан тотор тили учраса ҳам, биз тушунмайдурғон даражада эмасдур. Хулоса: ҳар ким олуб ўқуса ғоятда таъсирланадурғон бир асардур”.³ Яна бир хабарда

¹ Садои Туркистон. 1914, 19 ноябрь.

² Садои Туркистон, 1914, 26 ноябрь.

³ Садои Туркистон, 1914, 12 ноябрь.

шундай сатрлар бор: “Мусулмонча театр. Яқин кунларда Тошканд ёшлари тарафидан “Тўй” номли асар аскар ва мажруҳлар фойдасиға ўйнамак учун губернатор жанобларидан рухсат олинди”.¹ Ушбу сахна асари 11 декабрь куни “Хива” томошохонасида ўйналади. Пьесада тўй ўтказишдаги беҳад исрофгарчиликлар кескин танқид қилинган. Бош ролни Абдулла Авлоний ўйнайди. Газетада муҳим томошо кўрсатгандарга қарата: “Бутун театр тўла неча юзлар мусулмон жамоатига турмуш ойнасин қоратуб юзлардаги инсонларга ёпишмаган қоракуяларни жонли ўлароқ кўрсата билувчи ҳамма ёш артистларимизға миннатдорчилик билдирамиз”.² Ҳатто газетада таҳририяти ҳам бундай воқеалардан четда турмайди. Бош муҳаррир У.Асадуллахўжаев бошчилигида миллий кеча ташкил этилади. Кечада Колизей томошохонасида “Тўй” драмаси намойиш этилган. А.Авлоний ёшлар тарбиясида учрайдиган камчиликларни танқид қилиб ҳажвий шеърлар ўқиган. Театрда ҳозир бўлганлар олқиши билан янги театр труппаси тузилади.³ Бу “Турон” театр труппаси эди. Театр труппаси тузишдан мақсад “очиқ фикрли ёшларимиз ва зиёлиларимиз ила бирга қўшиб театр ва адабиёт кечалари ташкил қилмак” деб ёзади газета. Хабарда труппанинг Фарғона водийсига бўлажак сафари ҳақида тўхталиб, “....бу тариқа “Садои Туркистон”ни моддий жиҳатдан бир қадар таъмин этмакдур” деб, ундан кўзланган мақсад баён қилинган. Лекин газета чиқишлиаридан бош мақсад қуйидаги сатрларда ифодаланган: “Қачон бизим китобхоналаримиз аҳоли учун зарур бўлғон турли китоблар ила тўлур...Миллий матбуот деган сўздан ёлғуз жарида ва мажаллаларгина фаҳмланмасун. Кутубхоналаримиздаги тоторча китоблар ўрниға муҳим асарларни қачон ўзимиз ёза бошлармиз”. Бу сатрлар “Садои Туркистон” публицистларидан Рауф

¹ Ўша сон.

² Садои Туркистон, 1914, 18 декабрь.

³ Садои Туркистон, 1915, 6 январь.

Музаффарзоданинг “Янги йилдан эски тилаклар” сарлавҳали мақоласидан олинган¹.

“Садои Туркистон” миллат ва халқ манфаати билан йўғрилган ғояларни кўтариб чиққан асарларни, уларнинг муаллифларини тарғиб этган. Чунончи, Фитратнинг мактаблар учун “Мухтасари тарихи ислом” асари, шоир Рожийнинг “Туркистон адабиёти” мажмуаси нашрга берилганлигини муштарийларга маълум қилган. “Кўкнори” интермедияси, “Кенгаш мажлиси” пьесаси ёзилаётганини мамнуният билан билдиради. “Керак мактаблар, керак янги ва мукаммал мактаб китоблари, миллатнинг энг муҳтоҷ бўлиб турғон нарсалари бўлиб булардан ҳар бири миллий ва ижтимоий бир маразға шифоли даводур”. Бу газетанинг адабиётга қараши ва бу борадаги фаолият йўналиши эди. Албатта, “Садои Туркистон” нинг сайъ-ҳаракатлари беҳуда кетмади. Туркистонли қалам аҳллари орасида жонланиш пайдо бўлди. Бундан газета руҳланиб: “Шукрлар ўлсунки бизнинг орамизда ҳам сўнгғи йилларда миллий театр ва рўмон китоблари ёзилуб босдурувлар кўрилмакға бошлади”- деб ёзади². Айни пайтда, газета чинакам халқчил асарларгина оммавийлашиб, миллат қалбига кириб бора олишини далиллар воситасида англатади. Жумладан, газета таъкидлайди: “Муҳтарам қалам аҳллари тўйларда, гапхоналарда, (баччавозлар мажлислида), базмларда ва шунга ўхшаш миллатнинг энг танқид қилинадурғон ўринларида биргалашуб юрмаклари керакдурки, токи комил ўшал одатларни китоб саҳифаларида чиройлироқ қилуб ёзгундай бўлсинлар”. Ижтимоий ҳаётдаги камчиликларни бадиий асар воситасида фош этишдек масъулиятни “Садои Туркистон”да шундай баён этилган. “Имзосиз,чуваланган, маъносиз ва узун” асарлар жойи жарида эмас, “сабатдур” дея кескин талабларни кўяди. Газетанинг 63-сонида X.Ниёзийнинг “Янги саодат” асари босмахонага топширилганлиги ҳақидаги хабар берилар экан, “Бу китобда бир боланинг усули жадида мактабида ўқуб, илм шарофатидан

¹ Садои Туркистон. 1915, 6 январь.

² Эслатма: «сабат»- кераксиз қоғозлар ташланадиган қути. Садои Туркистон. 1915, 5 февраль.

давлатға етушгани тасвир қилинур. Бу китоб кичик миллий рўмон бўлуб чиқса керак”, деб баҳо беради. Газетада бадиий асарлар тарғиботи учун “Янги асарлар” рукни ташкил этилган бўлиб, унда муштарийларга жавоблар ҳам бериб борилган. Раҳматиллахўжа Афандига йўлланган жавобда шундай дейилади: “Ул мактабларда (эски мактабларда-С.Х) ёлғиз сизнинггина эмас бутун миллат болаларининг азиз умрлари беҳуда исроф бўлмоғи исбот этилган бир даъводур. Эмди бу мавзуларда миллий рўмонлар қутамиз”¹. Газетанинг 46-сонида “Театр ҳаваскорларига суюнч” сарлавҳали бир мақола босилган. Унда “Ойина” журнали ташаббуси билан Самарқанд ёшлари томонидан саккизта асарлар ёзилаётганлиги ҳақида хабар берилади. “Ўз майшатимиздан олинуб ва яхшигина келишдуруб ёзилинубдур, дейилади илк саҳна асарларидан бири “Туй” драмаси ҳақида. Тил тўғрисидаги баъзи камчиликлардан қатъи назар қилганда, ўз турмушимиз дурустгина тасвир қилинган. “Бошқа театр китобларимиз йўқлигидан ва чорасизликдан Туркистоннинг шаҳар ва қасабаларидан “Падаркуш”ни қайта-қайта саҳна томошага қўйуб ва қўйдуруб ибратлануб юрган ҳаваскорларга мана бу “Туй” рисоласи тақдим этилди”.

Халқнинг турмуш - тарзи, орзу интилишлари нафақат саҳна асарларида эмас балки “Садои Туркистон” саҳифаларида босилган шеърий асарларда ҳам баралла жаранглаган.

Кўнуб гул шоҳига булбул дер эй, инсонлар! Инсонлар!
Килурсиз токай ғофил ётиб афғонлар, инсонлар!
Туринг, уйқуни ташланг, илум олинг ёшлиқ ғаниматдур ,
Йўқ эрса ўлгучидур жоҳил учун қурбонлар! Инсонлар!²
(Тўлаган Хўжамёров)

Ажиб бидъатпарастдурмиз, адo бўлдук ўсанмаймиз ,
Хароб ўлдук жаҳолатдан, ҳануз ҳам оҳ, ёнмаймиз.
Боқинг, мактаб, мударрис чун ажойиб бизда йўқ журъат
Ҳама миллат орасида эрурмиз тараф беғайрат³.

¹ Садои Туркистон. 1915, 5 январь.

² Садои Туркистон, 1914, 5 апрель.

³ Ўша сон.

Ётма эмди миллатан қўйгил тараққийга қадам
Бил ғаниматдур нуфуз ўтказмагил дамни бу дам.
Эй, чўжиқлар, илм ўқунг бизларни қилмай муттаҳам,
Бир муаммодур тириклик, ўз мушкулингдан урма дам.

(Тўла Тошкандий)¹.

Сўфизода қаламига мансуб ушбу сатрларга эътибор берайлик:

Ўқунгиз оналар!
Мунча ёмон шўрлади пешоналар
Сиз эдингиз жонлара жононалар
Қадрингизи билмади дебоналар
Қумри билан булбулу бедоналар,
Яхши ўқур сиз ҳам ўқунг оналар!²

“Садои Туркистон” ўзи кўтараётган муаммоларга муштарийларнинг қандай муносабат билдирганини доимо кузатиб борган. Жумладан, аёлларни илмга чорлаб шеърлар эълон қилган бўлса, ўз сахифаларида шоира қизларга ҳам алоҳида жой ажратилган. Нозимахонимнинг “Фарёд” шеъри 25-сонида, қўқонлик шоира Лайлохоним “Табрикнома” шеъри 13-сонида эълон қилинган. Газета ўзбек хотин-қизларининг замон билан ҳамқадам, миллат дарди, орзулари билан ҳамнафас бўлишини истайди. Бу йўлда “йилт” этган нурга бефарқ қарамайди. Лайлохоним шеърлари форсий бўлган, шунга қарамай “Хўқандли адиба ва шоирамиз Лайлохоним тарафидан ёзилғонлиги учун жаридага дарж этдук” деб ёзади газета. Бу факт “Садои Туркистон”нинг илфор ғояларни тарғиб қилиш йўлидаги саъий харакатини кўрсатади.

Олингиз бу садолардин ўқуб ибрат, дедим аҳбоб
Жавоб олдим бизга деюр йўх, йўх, йўх.
Дедимки, бошқа миллатлар тараққий топди кўрмайсиз,
Жаҳолат бирла ғафлат яхши дер асар йўх, йўх, йўх.³

(Тўла Тошкандий)

¹ Садои Туркистон. 1914, 11 май.

² Садои Туркистон. 1914, 17 май.

³ Садои Туркистон. 1914, 25 июл

Миллий адабиётни миллат овозига, созига айлантириш учун газета бор имкониятларидан фойдаланишга интилган. “Халқ фойдаланурлик янги асарлар йўқ. Нашр қилувчилар ҳам йўқ. Ёшларимиздан XX аср мевасини кутмак учун бутун асослари ила ислоҳ қилинмак лозим”, дея ёзади газета 31-сонида. Газета таҳририяти истиқболга катта умид билан қараган. “Муштариylарга ҳадя” сарлавҳали материалда шундай ёзилади: “Жаридамизда шул вақтгача босилғон ҳамда навбат тегмағон сабабли босилмай қолғон миллий шеърларни йигуб “Сабзазор” унвони остида бир рисола босдурмақдамиз. “Сабзазор” тош босмада босулуб эллик сахифадан иборат “миллий шоирлар мажмуаси бўлур”.¹ 35-сонида эса, ушбу рисола босмадан чиққанлигини хабар қиласди.

Адабиётшунос олим Э.Каримов Фитратнинг она-ватан ҳақида ёзган шеъри туфайли "Садои Туркистон" газетасининг июл сони Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан мусодара қилинган деган фикрини билдиради². Биз газета тахламларида чоп этилган барча шеърий асарлар билан танишиб чиқдик. Улар орасида Фитрат қаламига мансуб шеърни учратмадик. Ўринли савол туғилади. Фитрат ўз даврининг илғор кишиларидан бўлса-да, нега бу газетада иштирок этмаган? “Садои Туркистон”да биргина ўринда Фитратнинг “Мухтасар тарихи ислом” асари босмадан чиққанлиги ҳақида хабар берилган. “Идорадан жавоблар” рукнида ҳам Фитрат номини учратмайди. Хусусан, газетанинг июл ойи сонларида Фитрат имзоси билан бирор мақола ёки шеър босилмаган. Газетани чиқишида ҳам узилиш йўқ. “Садои Туркистон” 1915 йилнинг апрелда чиқишдан тўхтаган. Профессор Э.Каримов қандай далилга асосланиб бу холосага келганлиги номаълум бўлиб қолмоқда? “Садои Туркистон”нинг бир йиллиги муносабати билан эълон қилинган доимий муаллифлар қолган рўйхатида ҳам Фитрат номи келтирилмаган³.

¹ Садои Туркистон. 1914, 11 июль.

² Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. -Т.: Фан. 1975. -С.85.

³ Садои Туркистон. 1915, 10 апрель.

“Садои Туркистон” газетасида ўз даврининг барча нуфузли қалам аҳли иштирок этган. Ҷўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мискин, Тавалло, Сўфизода ва бошқа ўнлаб истеъдод соҳиблари газетанинг чиқишига муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Улар шеър, бадиий лавҳа ва публицистик асарлари билан шаклланиб келаётган янги адабиёт учун пойдевор қўйдилар. Халқчил адабиёт ва унинг ривожи учун курашдилар. “Садои Туркистон” мана шу йўлда қалам аҳли учун ўзига хос бир минбар бўлди. Газета адабиётни миллатга ўзлигини англатувчи маърифат ойинаси деб билди. Унинг зиммасига эрк ва озодлик учун кураш йўлида йўлбошчи бўлишдек буюк масъулиятни юкладики, бу Туркистонда янги миллий адабиётнинг туғилишига замин яратди. Газета теварагида адабиётнинг ёрқин намоёндалари тарбия топди. “Садои Туркистон” орзу қилганидек, улар миллий роман, миллий адабиётга асос солдилар.

§ 2.3. “Садои Туркистон” газетасида матбуот муаммоларининг ўрганилиши

“Садои Туркистон” газетасида ўз даври учун муҳим бўлган кўпгина ижтимоий масалалар муҳокама қилинган. Газетанинг ҳар бир масала юзасидан ўз қараши мавжуд.

“Эҳтиёжотимизни музокара қилмак мақсади ила матбуот саҳифалари очилди”, деб ёзади 31-сонида. “Холбуки, - деб давом этади у,- миллатда бўлган қўрқинчли касалликларни ҳар вақтда англаб, аларга шифо изламак миллий матбуот вазифасидур”. Кўриниб турибдики, “Садои Туркистон” матбуотга хабар берувчи восита сифатидагина эмас, балки “миллатда бўлғон бутун қусурларни ва даҳшатли ҳолларни майдонга қўйуб буларни битурмак ва ҳар хусусда замонга мувофиқ ислоҳот чораларин кўрмак учун нашр қилинадур”, деб катта ижтимоий вазифа юклайди. Буни у миллий матбуотнинг биринчи вазифаси деб ҳисоблайди. Чоризмнинг ҳарбий цензурасидан эркин сўз юритишга қийналса-да, “Садои Туркистон” миллий матбуотнинг “хуқуқига

тажовуз қилмакка ҳеч кимнинг ҳақи йўқдур”, деган дадил фикрни билдиради. Газета миллий матбуот учун сўз эркинлиги муҳим омил эканлигини алоҳида таъкидлайди. Матбуотда эркинлик бўлмаса миллий ва маданий ислоҳотларни фаолиятга чиқора олмайди”. Бу газетанинг қатъий хulosаси эди.

“Миллий ҳаёт ва Туркистон мусулмонлари” сарлавҳали мақола Рауф Музаффарзоданинг энг муҳим публицистик асарларидан биридир. Муаллиф мулоҳазаларининг нечоғли теранлигини мақола якунидаги ушбу сатрлардан кўриш мумкин: “Бир замонлар келур , бу ҳақиқатлар шояд майдонга чиқмасдан қолмас”. Газетанинг 35-сонида босилган “Маданият нардбони” сарлавҳали мақолада муаллиф фикрларини янада давом эттиради. Матбуотни халқнинг тили ва одатларидан хабардор қилувчи фикр кишиларини майдонга чорловчи маданият байроғига қиёс этади. “Ўзимизнинг она тилимизда миллий матбуот саҳифаларида аҳолимизга илм ва маданият нима бўлғонлигини ҳар вақт ёзиб турмак аҳолининг майшат ва аҳволидан ва она тилидан хабардор ҳамиятли зиёлиларимизга тейишли бир вазифадур. Алар бул қарзни устларидан тушурмасалар, миллат ва аҳоли ҳузурида ҳеч вақт масъулиятдан қутула олмасликлари муқаррардур”¹.

“Бизда зиёлилар ва миллий матбуот”² сарлавҳали мақолада ҳам жиддий муаммолар кўтарилган. “Миллат ифродини оқартириш мактаб, таълим ва тарбия усуллари ила бошланур... Миллатда ҳиммат аҳллари ва зиёлилар кўпайтурмак учун икки йўл бор. Бири миллий матбуотни тараққий этдирмак, иккинчиси ёшларимизни мунтазам илм ўйлариға кирғузмакдир”. Газета матбуотни ёшларда шижаат руҳини уйғотадиган асосий восита деб билади: “Бунга матбуотдан бошқа ҳеч бир қувватли ва таъсирли илож топилмас. Халқимиз орасида оқ фикрли ва маорифпарвар зотлар ҳозирламак ва бу сояда миллатимизнинг моддий ва маънавий ёрдамига етишмоқ учун энг муҳим ва умидли чора миллий матбуотdir”.

¹ Садои Туркистон. 1914, 20 август.

² Садои Туркистон. 1914, 17 октябрь.

Бундай қарааш ўз даври учун нечоғли түғри бўлса, бугунги кун учун ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Газетада яна бир муҳим ғоя кўтарилган. Миллат ўз тилида матбуот байроқдори бўлиши керак. Сир эмас, ўша пайтларда тилимизда жуда кўп русча, татарча, форс сўзлар заруратсиз ишлатилар, бу эса миллий тилнинг софлигига заарар етказаётган эди. Шунинг учун ҳам газета “Она тилисиз ва миллий матбуотсиз дунёда хеч бир миллат тараққий ва маданият йўлига қадам қўймайди”, деган қатъий фикрни билдиради. “Садои Туркистон”нинг бу қадар куйинишига муайян сабаб мавжуд эди. XX аср бошларида маҳаллий аҳоли орасида матбуотни катта ижтимоий куч деб танувчилар кам эди. “Садои Туркистон”нинг атиги 1000 тагина обуначиси борлиги бунга ёрқин далилдир. “Тараққий”, “Шухрат”, “Хуршид” газеталари ҳам обуначилари камлигидан кенг оммавийлаша олмаганлигини газета алоҳида таъкидлайди. Шу билан бирга, бошқа миллатлардан ўrnak олишга, ўз миллий матбуотига суюнишга чақиради. Татар матбуоти мисолида матбуотни қандай ривожлантириш мумкинлигини тушунтириб беради. Буни уч асосда кўради: бойлар сармояси, муҳаррирлар қалами, аҳолининг эътибори, яъни обуначилар сонининг кўплиги. Бу масалага туркистонликларнинг беэътиборлиги газетани ташвишга солади. Шунинг учун ҳам унинг 47-сонида “Хурматлу вакил ва муштариylаримизга мурожаат” сарлавҳали таҳририят мақоласи эълон қилинганди. Унда “Садои Туркистон”нинг моддий мушкулотлари очиқ баён қилинган. Газета халққа мурожаат қилиб: “Матбуот - миллатнинг ойнасидур. Биноан алайҳа, миллатнинг бутун ҳаёти мажмуаси матбуотида инъикос этар. Биз ўзимизнинг нуқсонларимизни ёзмасак ва кўрсатмасак қачон ислоҳ этилурмиз ва қачон тараққий қилурмиз?” дея масалани кескин қўяди. Газета матбуотни жамиятнинг “ислоҳчиси” деб атайди. “Ёшларимиз ғайрат қилсалар, бойларимиз ёрдам берсалар, муҳаррир ва муаллифлар қаламлари ила, муаллим ва муаллималар ўқутишлари, шоирлар шеърлари ила хизматларида маҳкам туруб

давом этсалар бизим миллат ўз вақтида оёққа босуб кетишига асло шубҳамиз йўқдур”¹. Газета ўзи билан бир пайтда нашр этилаётган газета ва мажаллаларга ҳам катта эътибор берган. Уларнинг оммавийлашиши учун кўмаклашган. Жумладан: “Ойина” журналининг рекламаси бир неча сонларида мунтазам бериб борилган. 50- сонида чоп этилган рекламада шундай сатрлар бор: ”Туркий ва форсий, ўрта шевада, баъзан русча, ҳар ишдан боҳис мусаввар² ҳафталик мажаллаи исломиядур. Ҳозирда Туркистонда бирдан - бир мажалла бўлғонлиги учун бунга муштарий бўлмак ўқишига иқтидори бўлғон ҳар кимга миллий бир қарздор”.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Садои Туркистон” матбуотни саводхонлик мактаби деб билади. Агар газета саҳифасида бирор сўз нотўғри босилган бўлса, албатта кейинги сонида тасҳех бериб ўтган. Бир мисол: 49 - нчи нумер, 4- нчи саҳифага 4 - нчи устун 34 - нчи сатрда “дунёда бўлғон” деб бошланган жумлани “дин илми дунёда бўлғон” ва 3-нчи саҳифага биринчи устунда “билмам йиғлашуб” сўзларини “билмам нима (ёғлашуб)” деб дурустлаб ўқимак лозимдур³. Бундай тасҳехлар газетанинг 20 дан ортиқ сонида босилган. Кўринадики, газета саводхонлик масаласига эътибор билан қараган. Оддийдек кўринган камчиликларини ҳам тузатиб кетган. Газета “миллий матбуотнинг вазифаси нима”, деган саволга жавоб бераркан: “Миллий матбуотнинг вазифаси миллатнинг эҳтиёжотин кузатмак ва майдонга чиқозуб қўймак, энг муҳим мавзуларни аҳоли назариға арз этмақдур”-дея таъкидлайди.

Рауф Музаффарзода қаламига мансуб ушбу сатрлар ўқувчини мулоҳазага чорлайди⁴. Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, матбуот нашрларини табақаларга бўлиб чиқади. Унинг назарида ҳар бир синф, табақа учун маҳсус нашр керак. Матбуот даражаси, тили, савияси жиҳатидан ўзи мўлжалланган табақасига мослаб

¹ Садои Туркистон, 1914, 3 декабрь.

² Мусаввар – суратли дегани.

³ Садои Туркистон. 1914, 3 декабрь.

⁴ Садои Туркистон. 1915, 2 январь.

нашр қилиниши лозим. “Агар ҳар синф, халқ учун илмий, ижтимоий, майший ва ҳар хил жарида ва мажаллалар бўлса, миллатнинг жумласи бирдан тараққийга савҳ қилинур эди. Миллий матбуот деганда сўздан ёлғуз жарида ва мажаллаларнигина фаҳмланмасун... Тоторча китоблар ўрнига шундоғ муҳим асарларни қачон ўзимимиз ёза бошлармиз? Қачон кутубхоналар аҳоли учун зарур бўлғон турли китоблар ила тўладур? Қачон Ўрунбурғ ва Қозондан китоб тошувдан тўхтармиз?”. “Садои Туркистон” ушбу муҳим вазифаларни зиёлилар бажариши лозим” деб ёzáди. “Муҳтарам зиёлиларимиз ўзларини халқ хизматчилари деб тонисалар ва мумкин қадар фикрсиз халқ ичига аралашуб мулойимона насиҳатларда бўлсунлар ва миллатнинг энг қоронгу бурчакларигача кетуб нурли чироқ бўлсалар эди. Бу тариқа миллатнинг жароҳатли аъзоларига даво солинур, шифо топар... Жаҳолат қоронгулиги ичида йўлсиз қолғон халқни майшат ва ҳаёт йўлларига ҳайдамак фикрли ва ақлли биродарларимизнинг вазифаси бўлғон киби саводли халқни миллий матбуот ила тонишдурмак ҳам аларнинг вазифасидур”¹. Рауф Музаффарзоданинг “Янги йилдан эски тилаклар” сарлавҳали ушбу мақоласида кўтарилиган ғоялар “Садои Туркистон” нинг миллий матбуот фидойиларига даъватидек жаранглайди. Таҳририят томонидан “Вазифамиз нима?”² сарлавҳали мақолада ўша пайтлари кетаётган биринчи жаҳон уруши даврида газетанинг вазифаси уруш воқеалари билан саҳифаларини тўлдириш эмас, балки миллат муаммоларини кўтариш деб билади. Жумладан, мақолада ёзилади: “Мусулмон жаридасининг вазифаси ўзининг саҳифаларини миллат учун аҳамияти бўлмағон ва халқ савияси кўтармаган хабарлардан сақламак, ҳар нарсадан олдда миллатни мақсад тутиб, шуни кўрмак, шуни тушунмақдур”³. Халқда руҳсизлик, фикрсизлик жаҳолат ва эски одатлар ҳукм сураётган бир пайтда, унга йўлбошли бўлишга ҳаракат қиласи.

¹ Садои Туркистон. 1915, 15 январь.

² Садои Туркистон. 1915, 6 март.

³ Газетанинг ушбу сони.

билин қараётган, арзимаган воқеаларни ёзиб мактуб йўллаётган газетхонларни тийракроқ бўлишга, миллат манфаатларини юксак қўйишга даъват қиласди. Бундай даъватлар "Идорадан жавоблар" рукида чоп этиб борилган. Чунончи газета, 56-сонида ёзади: "Имзосиз,чуваланган, маъносиз ва узун мактубларнинг жойи жарида эмас,балки сабатдур". Муҳарририят газетхонларни саводли, ўқимишли бўлишга чорляяпти. Демакки, "Садои Туркестон"нинг газета нашрига қўйган талаби юксак бўлган.

"Садои Туркестон" ўрни келганида чоризмнинг мустабидлик сиёсатига "коса тагида нимкоса" тарзида бўлса-да, муносабат билдира олди. Газетанинг ушбу ёзганлари фикримизнинг далилидир: "Урушни ёзувчилар кўб, аммо Туркестон мусулмонларининг холларини қўрувчилар оздур. Ҳатто йўқдур. Энди биз ҳам уруш ёзамиз, деб маъносиз сиёсатларга берилиб кетсак, миллат ва матбуот ҳузурида масъул бўлурмиз. Ва мақсадимиздан айрилиб кетармиз, деб қўрқамиз"¹. "Маъносиз сиёсат" - жумла замирига алоҳида маъно яширилган. Газетанинг бирор сони йўқки, жамият ҳаётига оид камчиликларни кўрсатмаган бўлса. "Кўнгилсиз ҳоллар"² сарлавҳали таҳририят мақоласини олайлик. Унда миллат тараққиётига халал берадиган тўсиқлар санаб ўтилган: "1. Энг тубан тарбиядан бошлаб ўрта ва олий даражаларгача матлуб самараларни берадурғон мактаб ва мадрасаларнинг йўқлиги. 2. Бола тарбия қилушни биладиган муқтадор оналаримизнинг йўқлиги ва ҳуқуқи нисвон золим эрларнинг оёқлари остида топталуб келганлиги. 3. Улуми исломия ўрнига хурофот,шарҳ ва ҳошиялар ўқитилмоғи. 4. Уламоларимизнинг қусурларидаги ўзларининг шахсий фойдалари учун оммани, умум миллат фойдасига мунофиқ бўлғон бир ишга таклиф этишлари. 5. Миллий матбуотнинг йўқлиги. Матбуот-миллатнинг тили.

Тили бўлмаган бир кишининг ҳоли, қандай фано ва мушкул бўлса, матбуотсиз бир миллат ҳам шундай фано ва мушкул

¹ Садои Туркестон, 1914, 18 декабрь.

² Садои Туркестон, 1915, 6 март.

ҳолдадур. Туркистонда бошқа нарсалар киби миллий матбуот ҳам исми бор, жисми йўқ бир нарсадур”.¹

“Садои Туркистон” ушбу оғриқли саволларга жавоб излашга ҳаракат қилди. Маҳаллий уламоларнинг бўхтонларига жавобан ёзилган “Бўхтончига” мақоласида ўз йўлининг қатъийлигини маълум қиласиди: “Бундан кейин ҳам жаридамиз мухаррирларининг ва ёрдамчи миллат болаларининг сайъ-ҳаракатлари соясида шояд шул моддий ва маънавий ёрдамлари ила ўзининг маслагида давом ва кундан-кун тараққий этар”². Бу қатъият газетхонлар руҳиятига ҳам ижобий таъсир этган. 35 кишидан иборат зиёлилар гурӯҳи таҳририятга “Изҳори нафрат” сарлавҳали даъват мактубини йўллашган. Ушбу мактуб газетанинг 1915 йил, 13 феврал сонида босилган. Зиёлилар “Садои Туркистон”ни ижтимоий ҳаётнинг ойинаси деб билишларини баён қилишган.

1915 йил 4 апрелда “Садои Туркистон” бир йиллигини нишонлади. Юбилей муносабати билан босиб ўтилган йўлга нигоҳ ташланиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Газета “4 апрель хотираси” сарлавҳали мақолада “Миллатимизнинг садоси, халқнинг товуши” бўлганидан фахрланиб ёзади. Газета мустабидлик асоратига тушган маҳаллий халқларнинг қудратли таянчига айланди. “Садои Туркистон” матбуотни - миллатнинг тили, умумдарсхонаси деган хulosага келди. У нафақат хабар берувчи восита, балки миллат тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни бартараф қилувчи бош ислоҳчи эканлигини исботлаб берди. Газета ўз муаллифларидан фидоийликни, ўз сўзида халқчилликни талаб қилди. Миллат зиёлилари ва сармоядорларини матбуотга маслақдош ва ҳомий бўлишга чақирди. “Садои Туркистон” уйғониш даври миллий матбуотини ривожлантириш тамойилларини белгилаб берди. Бу заҳматкаш йўлда улуғ маърифатпарварлар М.Абдурашидхонов, У.Асадуллахўжаев, А.Авлонийларнинг ноширлик ва мухаррирлик фаолияти ёшларимиз учун ибрат мактабидир.

¹ Садои Туркистон, 1914, 18 декабрь.

² Садои Туркистон, 1915, 13 февраль.

Ш БОБ. “САДОИ ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИНинг ТИЛ, УСЛУБ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

§ 3.1. “Садои Туркистон” газетасида миллий тил ва имло муаммолари

Маълумки, чоризмнинг Туркистонни забт этиши унинг тилига ҳам ўз таъсирини ўтказаётган эди. Ўзбек тилида арабча, форсча, тоторча, русча сўзлар аралашиб кетаётган бўлиб, бу ҳолат газета муҳаррирларини ҳам ташвишга соларди. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган она тилини асраб-авайлаш кераклигини халқ оммасига тушунтириш керак ва зарур бўлиб қолди. "Садои Туркистон" газетасида бу борада кўтарилган масалалар орасида ўз она тилини асраш - миллатни асраш демакдир, деган юксак ғоя алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бундай масъулиятили вазифани "Садои Туркистон" дадил ўз зиммасига олди. Газетанинг 1914 йил 28 май сонида Абдулла Авлонийнинг "Хифзи лисон" сарлавҳали катта мақоласи босилади. "Хифзи лисон, - дейди муаллиф,- ҳар бир миллат ўз она тили ва адабиётини сакламагини айтилур. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурғон ойина, ҳаёти тил ва адабиётидур". Бу мулоҳазаларда, мустамлака қилинган миллатнинг ери бойлигигина эмас, тили ҳам тортиб олинаётгани ўзига хос ифодасини топган. Тили, адабиёти йўқотилган халқнинг эртаси, келажаги йўқ. "Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур". Маърифатпарварларимиз келажакни жуда тўғри тасаввур эта олишган. Чоризмнинг мастабидлик сиёсати миллий негизида маҳаллий халқларни ўзлигидан, тарихи, маданий ва диний қадриятлардан мосуво қилиш ётганди. Тарихнинг бу оғир қисмати "Садои Туркистон" теварагига йиғилган миллат фидойиларини алам ва изтиробга солаётганди. Она тилининг мустабидлар томонидан камситилиши, ерга урилиши миллий зулмнинг энг оғир кўриниши эди. Ҳукуматга ёзма ва оғзаки арз фақат давлат тили – рус тилида қабул қилинарди. "Ҳукумат тили бўлган рус тилини ҳам ўз ўрнидагина ишлатиш керак", дейди газета. "Дуруст,

бизларга ҳукуматимиз ўлан рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон киби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозим. Европо қалпоғини кийуб кулку бўлмак зўр айб ва уятдур”. Ваҳоланки, Европо қалпоғини кийуб “мен миллат фидойисиман” деб шахсий манфаати йўлида чоризмга ҳамтовоқлар маҳаллий амалдорлар орасида қанча эди? Ўз миллатдошлари оёғига болта ураётган нокас, ватанфуруушлар озмиди? Шунинг учун ҳам газета ёзади: “Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурғон тарозидур”. Шу ўринда Абдулла Авлонийнинг маҳорати, салоҳиятига ҳам баҳо бериш ўринлидир. Мақола тили содда, шу қадар тушунарли ёзилганки, оддий ўқувчи ҳам ундан руҳлана олади. Ўзига керакли хулосани чиқара олади.

“Эй, она тил! Азиз қадрдоним,
Илтифоти руҳим раҳмоним.
Туғдигим кундан айладинг улфат,
Ўлгунумча айилма, эй жоним.
Менга илму адаб сан ўргатдинг,
Чин адиб, муаллим шоним.
Миллатинг руҳини қўтаргучисан,
Энг муқаддас карамли султоним”

Рауф Музafferзоданинг “Тил ва дин” мақоласи инсон камолотида биринчи руҳий озуқа тил орқали қалбга жо бўлиши ҳақида баҳс юритади. “Демакки, -дейди муаллиф - ҳар нарса киби дин ҳам инсоннинг руҳига ўз тили, ўз адабиёти ила кўброқ таъсир қиласи. Бу кундан эътиборан тил масаласига аҳамият бера бошламак ва бу хусусда муҳим мақола ва рисолалар нашр этмак аҳли қалам вазифасидур”.¹ Бу чақириқлар замирида Туркистонда яшаётган маҳаллий миллатларнинг ўзлигини асраш ғояси жой олган. Эли, юрти олдидаги уларнинг фуқаролик бурчи ҳам эслатилмоқда. Айни замонда, зиёлиларга энг муҳими, қалам аҳлларини тилга оид дарсликлар ёзишга чорлайди. Бундай

¹ Садои Туркистон, 1914, 4 июль.

китоблар она тилида ёзилиши керак. “Илмий ва фан китоблари ёзмак матбуот, адабиётни вужудга чиқармак учун энг биринчи қурол она тилидур”¹.

“Одам боласи сўзлашмак учун тилга не қадар муҳтож бўлса, матбуот, адабиёт ҳам яхши имлога шунча муҳтождур”². Газета ўзи қўйган бу талабига бутун фаолияти давомида амал қилган. Нашриёт хатоси билан чоп этилган айрим жумлалар учун тасҳех бериб боради. Газета тил ва имло масалаларига доимо ривожланишдаги, тараққиётдаги ҳодиса деб қарайди. Бу жараёнда ижобий ҳодисалар бўлганидек, салбий воқеаларнинг учраши ҳам табиийдир. “Тил ва имлоси ислоҳ этилган миллатнинг матбуоти, адабиёти асрларча аралашуб келган кирлари-ла қоралонғон ҳолда бўлур”. Рауф Музаффарзоданинг “Тил ва имло масаласи” сарлавҳали ушбу мақоласида таъкидланганидек, “Тил ва имло матбуот ва адабиёт учун энг муҳим бўлғон бир масаладур”. Буни тўғри англаган газета зиёлиларни соф адабий тилда ёзишга чақиради. “Бу ишни қачон бўлса ҳам авом қилуб бермас”, дейди. Газета фаолият кўрсатган пайтлари мадрасаларда форсча, арабча китоблар кўпроқ ўқитиларди. Боиси бундай билим даргоҳларида асосан дин илмидан сабоқ бериларди. Шунинг учун ҳам бу китобларга эҳтиёж катта бўлган. Арабча ва форсчани кўп билганинг фазилат ҳисобланарди. Шу тариқа туркий тилга эътибор зарур даражасида эмас эди. Кўпгина туркий сўзлар ўрнига ажнабий сўзлар қўлланиларди. “Сўзлаганд, ёзганда ажнабий сўзларни аралаштириш - бу жаҳолатдур” - деб ёзади газета³. У халқ руҳиятини уйғотиб олиш учун ёзилаётган асарлар, чоп этилаётган матбуот нашрлари содда ва тушунарли бўлиши лозим деган талабни қўйди. Икки қисмдан иборат мақоланинг давоми газета ёпилгани сабабли эълон қилинмай қолган. Газета ходимларининг она тили муаммолари юзасидан чиқишлиаридан кейин Туркистоннинг кўпгина шаҳарларидан таҳририятга ушбу масалага

¹ Садои Туркистон, 1914, 5 август.

² Садои Туркистон, 1915, 19 февраль.

³ Садои Туркистон, 1915, 23 февраль.

муносабат билдирилган мактублар келган. Жумладан, Мұхаррам “Намангоний” қаламига мансуб “Тил масаласи”¹ сарлавҳали мактубида “лисон масаласи ҳаёт ва мамот масаласи” дея таърифланади. Мактуб муаллифининг фикрича, туркий қавмлар тушунадиган ўрта(умумий) бир тилнинг бўлиши фойдалидир. Шундагина улар бир-бирларининг матбуоти ва адабиётидан bemalol баҳраманд бўлади. Тараққий этган мамлакатлар матбуоти, адабиёти бир тилда чоп этилиши миллат учун зарур эканлигини таъкидлайди.

“Ўрта шевада, бутун миллат ифроди тушунарлик қилуб, лисони миллиямизга бир “қоида” ёзмоқингизни бутун миллат ифроди тарафидан ўтинаман”. Газета шу ўринда рус тилининг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталади. Ҳукумат ишларига аралишиш учун, умумалоқада қийналмаслик учун маҳаллий аҳоли рус тилини билиш фойдадан холи эмас. “1.Савдогарлар иш усулларида доимо таржимонларга муҳтож. 2.Барча маҳкамаларда таржимон орқали мусулмонлар ўз мақсадларини ҳукуматга тушунирадилар. 3.Давлат думасига сайланган вакилларимиз ўз эҳтиёжларини рус тилида тушунира олмаганлари учун “ҳукумат Туркистонлиларни сайлов ҳукуқидан маҳрум қилди”. Демак, Туркистонлилар учун рус тилини билиш бошқа миллат билан алоқада қийналмаслик учун ҳам зарур. “Бунинг чораси, - деб ўтади муаллиф, - болаларини ўз мактабларида миллий ва диний тарбия берганлари сўнгига уларни рус мактабларига гимназия ва тижорат мактабларина беруб ўқутмак ва шул соясида миллатга фойдали зиёли етушдирмак лозимдур”. “Рус лисонининг аҳамияти” деб номланган ушбу мақолада миллий тил ва рус лисонининг аҳамияти жамиятнинг мавжуд эҳтиёжларидан келиб чиқиб, белгиланган. Газета келтирган далиллар муштарийни ишонтиради. “Садои Туркистон” - миллий лисон тарғиботига катта аҳамият берган нашр. Газетанинг бир йиллик фаолияти давомида ушбу мавзуга оид материаллар бунинг ёрқин далилидир.

¹ Садои Туркистон. 1915, 20 март.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ўн йиллигига Туркистоннинг ижтимоий ҳаётида бир қатор ўзгаришлар юзага келди: савдо ва саноат ривожлана бошлади. Темур йўл, почта-телеграф ташкил топди, матбуот нашриёт ишлари, театр ва бошқа муассасалар тараққий топди. Бу жараён, табиийки, ўзбек адабий тилининг янги сўз ва иборалар билан бойишига олиб келди. Шу билан бирга русча, татарча, туркча, озарбайжонча унсурлар маҳаллий матбуот тилига кириб борди. “Садои Туркистон” газетаси ҳам шу жараёндан четда қолмади. Газетанинг бутун фаолияти давомида 80 дан ортиқ русча сўзлар ишлатилган. Жумладан: полиция, кўпия, загранитса, закун, указ, совушчания, сиезд, нолуг, отсинка, чилен, афитсер, учител, банкурут, новометодний, народний, кувартир ва ҳаказо русча сўзларни ишлатилганини кўриш мумкин.

Маълумки, ўша пайтларда “Таржимон”, “Вақт” каби газеталар Туркистонда ҳам кенг тарқалган эди. “Садои Туркистон”нинг ҳар бир саҳифасида ушбу газеталардан олинган хабар ва янгиликлар бериб борилган. Чунончи, “Болқон яна қон истаюр” (18-сон), “Болгариянинг ишондуруви” (29-сон), “Мактаб тамом этув” (20-сон), “Коратоғдан муҳожирлар келув” (19-сон) ва ҳоказо. Шу билан бирга, Туркистонда матбуот, театр ташкил қилишда, янги усул мактаблари очишда татарларнинг бевосита иштироки ўша давр адабий тилига ҳам кучли таъсир қилган. “Садои Туркистон” газетасининг энг фаол муҳаррирларидан бири Рауф Музффарзода – татар миллатига мансуб бўлган. Унинг мақолаларида ўз она тилининг унсурлари кўп учрайди. Ҳатто газетада босилган мақолаларнинг сарлавҳалар услубида ҳам буни аниқ кўриш мумкин. “Хозирги мадрасаларимизда ўқув” (20-сон), “Бизда ўқув ва ўқитув” (8-сон), “Юбилейға ҳозирланув” (13-сон), “Миллий ташбишлиар” (7-сон), “Тўй масаласина” (6-сон), “Государственный думада мол сўюв масаласи” (1-сон) ва бошқалар. Шу ўринда У.Асадуллахўжаевнинг “Мақсад ва маслак” мақоласидан бир жумла келтирайлик: “Ишта, бу сўзлардан шояд бизим юқорида

ёзган “Мақсад ва маслак” имиздан англашилғон бўлса керак”¹. Рауф Музafferзоданинг “Туркистонда тижорат ва зироат” мақоласидаги: “Чет мамлакатларидан мева олишқа эҳтиёж қолмаяжақ ва милионларча пуллар ўз қиссамизга киражакдур”² жумлалари ўша давр тили ва услубини яққол кўрсатади. Газетада ғарбий турк тили шакли “ўл” билан ўзбекча “бўл” феъли параллел ишлатилган. Ҳ.Ҳакимзода Ниёзийнинг шеъридан бир парча келтирайлик:

Чиқди ҳақ сўз учун аччиғларимиз,
Корага ёпишуб сариғларимиз!
Биздами айб ёки дехқонда!
Шўра бўлгай чиқуб тариғларимиз
Қадимнинг расмини тутиб суннат,
Бидъат ўлди ҳама қилиғларимиз³.

Абдулла Авлонийнинг “Ўз майшатимиздан” шеърида ҳам фикримиз исботини кўрамиз⁴.

Кўб қизиқ бул жаҳоннинг савдоси,
Кўринур ранг-баранг томошоси,
Ҳар ерда борса, сўзи мақбулдир,
Кимни бор бўлса нуқта-тиллоси.
Гар фақир ўлса, очлигидан ким,
Бўлмағай бойни зарра парвоси,
Тўй қилиб ош берур ғанийларга,
Камбағал кирса, ҳайда-ҳайдоси.

“Адабиёт ва матбуоти лозиминча тараққий этган бир миллат боласи ажнабий тилларга ҳеч муҳтож бўлмасдан ўзининг она тили илиа ўқуб олим бўла олур. Асл олим бўлмак учун ҳеч бир тилга эҳтиёж йўқ. Бўлса ҳам, миллий адабиёт ва маданиятнинг йўқлигидан келган бир касалликдир”⁵.

¹ Садои Туркистон. 1914, 4 апрел.

² Садои Туркистон. 1914, 13 июнь.

³ Садои Туркистон. 1914, 11 май.

⁴ Садои Туркистон. 1914, 20 июнь.

⁵ Садои Туркистон. 1914, 25 август.

“Идорадан жавоблар” рукнида: Мулла Султонхўжа жанобларина: “Авоми-афкор” унвонли мақолангизни мавзуи ва ибрати ўқувчиларимизнинг қувваи ақлия ва фикрияларидан юқори даражада ўлдигидан боса олмадук, дейилади¹.

Газета тилида ўғуз тилига хос сўзлар, грамматик шакллар ҳам кўп учрайди. Масалан, чўжуқ (бола).

Ётма эмди, миллатим, қўйгил тараққийга қадам,
Бил, ғаниматдур нафас, ўтказмагил дамни бу дам.
Эй, чўжиқлар, илм ўқунг бизларни қилмай муттаҳам.
Бир муаммодур тириклик, ўз юкингдан урма дам.

(Тавалло Тошкандий)².

Граматик қўрсаткичлар: -а (жўналиш келишиги қўшимчаси) – зорима, озорима, -ан, - ян (-ган) эдан, миллатан, ўлан.

Тарбиятсиз боғ ва бўстондан самар кутманг, абас.
Ишламай гулзорда бекор гул кутманг, абас.
Булбули шўридан дам ила хур кутманг, абас.
Ёшлиги гул ғунчасин очмай қалаб этманг абас.
Зоҳирига бардош эдан топгай ариги болидан.

(Абдулла Авлоний)³.

“Бу ер ҳавосининг латофати, манбатан маҳсулдорлиги, шулдураб оқуб ётғон салқин сув чашмалари гўзал ва шоирона манзаралари бирлан Туркистонда биринчи ерлардан десак муболага бўлмаса керак”⁴. Ушбу сатрлар Нуширавон Ёвшевнинг Наманган шаҳрига берган таърифидан келтирилди.

Фонетик хусусиятлар: вор, яфроғ, раҳм эдуб, йўх, вермак.
Олингиз бу садолардин ўқуб ибрат, дедим аҳбоб,
Жавоб олдим “бизга, деюр, даркор йўх, йўх, йўх”.
Дедимки: “бошқа миллатлар тараққий топди, кўрмайсиз”.
“Жаҳолат бирла ғафлат яхши, дер, асар йўх, йўх, йўх”.

(Тавалло Тошкандий)⁵.

¹ Садои Туркистон. 1914, 4 июль.

² Садои Туркистон. 1914, 11 май.

³ Садои Туркистон. 1914, 23 август.

⁴ Садои Туркистон. 1914, 22 апрель.

⁵ Садои Туркистон. 1914, 14 июль.

“Дунёда инсон қонига тўймайдургон энг хунхўр бир мамлакат вор эса, аввалда Болқон ярим оролидур”(18-сон).

Яна бир эътиборли жиҳати, “Садои Туркистон” газетасида неологизмлар - янги сўзлар ҳам учрайди. Масалан: жадалгоҳ сўзи дунё маъносида ишлатилган (2-сон). Саноатхона-корхона маъносида келган (3-сон). Тижорат (олиш-вериш), кийим сақламак (вишулка) (1-сон), истанция (манзил) деб берилган (3-сон).

“Садои Туркистон” газетаси қўллаган ҳар бир янги сўзниңг ўқувчига тушунарли бўлиши учун ҳаракат қилган. Шу боис бошқа тиллардан кирган сўзларга изоҳ бериб ўтган. Жумладан, новометодний (усули жадида) шаклида, амала (ишчи) шаклида изоҳланган. (3-сон).

Аксинча, ўзбек сўзларининг русча муқобиллари ёнма-ён келтирилган. Англашиладики, газета ўзбек тили тараққиётида юз бераётган ўзгаришлардан ўқувчиларини доимо хабардор этиб борган. “Халқ ўз фойдасин англаб миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупо дорулфунунларига болаларин юборсалар, духтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогар ва муҳандис (инженер) лар чиқса, буларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туруб ишларини тартиб ила юргузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар на қадар олий ва на қадар гўзал бўлур эди”¹.

Маълумки, сарлавҳа танлаш журналистик маҳоратнинг муҳим белгиларидан саналади. “Садои Туркистон” миллий матбуотимизнинг илк нашрларидан ҳисобланса-да, сарлавҳа ва мавзу мутаносиблиги масалаларига қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтсак. “Ҳар қандай сарлавҳа, у қандай услугга хос бўлмасин, энг аввало, аташ вазифасини бажаради. Газета ахборотлари умуман, ёзма матнлар дастлаб сарлавҳаси орқали маълум бўлади. Демак, сарлавҳалар ўзлари бириктирилган матннинг номи сифатида ахборотларни бир-биридан ажратиб, фарқлаб ҳам туради”². Газетанинг 1-сонида “Мақсад ва маслак” сарлавҳа билан дастурий мақола бош муҳаррир У.Асадуллахўжаев имзоси билан босилган.

¹ Садои Туркистон. 1914, 29 октябрь.

² Тошлиев И.Сарлавҳа стилистикаси. -Т.: Университет, 1995. -Б.25.

Айтиш мумкинки, сарлавҳа ушбу мақолада ишонтириш вазифасини бажарган. Чунки бош муҳаррир ўз ўқувчисини илгари сураётган ғояларига ишонтиришга, яъни газета оммага йўлбошли бўла олишига ваъда беради, миллат фарзандларини ўз мақсади ва маслаги йўлида кўмакдош бўлишга чақиради. “Бизим бу жаридамиз шул ватан муқаддасимиз ўлон “Туркистон”нинг ўз авлодларина сўйлаган сўз ва чиқорган садоларининг таржимони бўладур... Эмди бу мақсадимизга етушмак ва бу маслакимизда узун муддат давом этмакка муваффик ўлмак муҳтарам диндош ва ватандошларимизнинг маънан ва моддийатан, ионан миллатпарвароналарина мувофиқ ва боғлидур” (1-сон). Бу ерда сарлавҳа аниқ ва ихчам, матн мазмунининг ўзагини ташкил этади. Сарлавҳа безаги ўша давр газеталари сарлавҳаларидан фарқли ўлароқ, миллий шаклда берилган. Аммо бир жиҳати қизиқки, сарлавҳа ёзувлари жуда майда ҳарфларда терилган. Буни икки хил изоҳлаш мумкин:

1. Газета йирик ҳарфлар билан ёзилган сарлавҳа ўқувчининг эътиборига тез тушади. “Садои Туркистон” ходимлари эса бундан атайлаб қочишган кўринади.

2. Газета ходимлари яхши билишардики, ўзларнинг мақсадлари мушкул ва машақкатли йўлдан иборат эди. Бу заҳмат ишораси мақола сарлавҳасида яққол чизилгандек сергаклик уйғотади. Мана шу икки асос сарлавҳани безаш санъатидаги камчиликдек туолган хусусиятни ўзгартириб юборади.

Навбатдаги сарлавҳа “Туркистон мактаблари” деб номланган. Катта шрифтларда, алоҳида кўзга ташланувчи ушбу сарлавҳа эътиборни тез тортиш вазифасини бажарган. “Мактаб дўсти” имзоси билан босилган мақолада мавжуд 4 йўналишдаги мактаблар бир-биридан фарқланиб, миллат фарзандлари учун энг фойдалисини танлаш ҳуқуқи- газетхонларга қолдирилади. “Ҳар мамлакат ҳалқининг тараққий ва таназзули, ҳаёт ва мамоти мактаб масаласига боғлидур”, - деган юксак ғоя-эски усул, усули савтия, усули жадида, русский - туземний мактаблари таҳлили мисолида

очиб берилган. Бир қарашда ушбу сарлавҳа оддий, сарлавҳа поэтикаси, символикаси каби услубий маҳоратлардан йироқ. Бироқ мана шу оддийлик матндаги мазмуннинг муҳимлигига эътиборни тортишнинг бир йўлидек таассурот колдиради.

Абдулла Авлонийнинг “Государственный думада мол сўюв масаласи”, Абдулсами қори Зиёбоевнинг “Туфроғимиз олтундур”, Абдулҳаким Саримсоқовнинг “Қаландарлар ёҳуд танбаллар” сарлавҳали мақолаларида ҳам сарлавҳа ва мавзу мутаносиблиги яққол кўзга ташланади. Энг муҳими, ўқувчи мақола сарлавҳасидан матн мазмунини тез англайди. Журналистлар гоҳида газетхонга таъсир ўтказиш вазифасини сарлавҳалар зиммасига юклашган. Жумладан, “Бошқалар туфроғимиздан олтун олғонларини кўруб бармоғимизни тишлиласак керак. Ҳайҳот!!! Ул вақтда фурсат ўтган бўлуб пушаймонимиздан ҳеч фойда бўлмаса керак. Ёдимиздан чиқормайлук” матннинг сарлавҳаси “Туфроғимиз олтундур”: “мусулмон шаҳарларида дунёга келмакдан мурод фақат қорин тўйғазув ва ғарази шахсий бўлмай, балки шундай диний ва миллий муҳим ишларга киришмак инсоният нуқтаи назариндан лозим эканлигин тушунган чин уламо ва руҳонийларимиз устларига лозим бўлғон муқаддас диний вазифаларини адо қилмак учун ўз фикрларини оят ва ҳадислар ила мудаллил исбот қилуб мусулмон фрақсиясига мактуб ёки телеграф ила маълум қилдилар. Аммо Туркистонлилар, хусусан, биз Тошкандлилар, шундай диний бир масалада товуш ва садоимизни чиқормай жим туруб қолмаймиз (“Сукут аломати ризо” қабилиндан бўлуб масала бизларнинг зараримизга ҳукм бўлуб қолуб) “иш ўтган сўнг пушаймондан нечук суд” даражасига етуб қолмаса яхши бўлур эди” (1-сон). Газетанинг 1-сонида босилган “Государственный думада мол сўюв масаласи” сарлавҳали мақоласида миллатпарварлар мусулмонча мол сўйиш тартиби ҳимоя қилинади. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳалққа мурожаат, даъваткор рух “Садои Туркистон” саҳифаларида баралла жаранглаб турган. Аммо сарлавҳаларда айнан мана шу даъват, кураш руҳи яширин ҳолда,

содда усулда англатилган ҳоллар ҳам қўп. Газета 2-соннинг биринчи саҳифасида “Саноатимиз қўлдан кедиор!” бош мақолани олайлик. Сарлавҳа кичик ҳарфлар билан босилган. Бироқ мақола матни билан танишиб чиқсангиз, унда ўз даври учун муҳим бўлган жиддий сиёсий муаммолар қўтарилиган. ҳунармандчилик саноатини ривожлантириш, мана шу саноат корхоналарида ишлай оладиган ўзбек фарзандларини вояга етказиш масаласи куюнчаклик билан ўртага ташланган. “Миллатдошларим! Эмди бизга ҳам навбат етди. Ғафлат уйқусидан қўзимизни очуб замонга ва замон кетишига қарайлук, кўз солайлук. Ярим аср муқаддам биз туркистонийлар үзимизга керак бўлган ишларни үзимиз ишлаб қун кўрганимиз ҳолда, ҳозирда юздан бирини ҳам замон иқтисосинча ишламайдурмиз. Халқимиз уст кийими учун мовут(сўкна) сўраб турса ҳам, ҳануз олача ишламакдамиз. Бу ҳолда фақир ва заруратга гирифтор бўлурмиз ва бутун саноатимиз Оврупо ва Оврупо фабрикатларининг қўлларига киур”.

Газета ходимларининг бу ташвиши замирида истиқбол учун қайғуриш ҳисси бор. Бу туйғуларни шунчаки ёзиб бўлмасди. Гарчи майда ҳарфлар билан битилган бўлса-да, сарлавҳа охиридаги ундов белгисига эътибор берайлик. Мана шу ундов белгиси-сарлавҳага безак бериб, ўз ўқувчисига айтмоқчи бўлган ички тугёнларини сўзлаётгандек. “Вазифамиз муштарак” (4-сон), “Афсус, бизим ҳолимизга”, “Қироатхона лозимдур!”, “Ҳақ сўз”, “Жим ўтири жувонмарг”, “На учун ибрат олмаймиз” (5,6,7,8,10-сонлар) каби сарлавҳаларни бу фикрга мисол келтириш мумкин. Уларда шаклланиб келаётган ўзбек миллий матбуотининг ilk куртакларидан бўлган “Садои Туркистон” газетасининг ўзига хос ва мос тили кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Садои Туркистон”да мумтоз адабиётимиз тилига хос сўз ва бирикмалар билан бирга, оддий сўзлашувга хос сўз ва бирикмалар ҳам учрайди.

Етубдур вақт биза хатолар ёзишмок,
Етар бизга бу кун йўлдин озишмок.

Жаридага мақолалар ёзингиз,
Керакдур бир-биrimизни тонишмоқ.

(Тавалло Тошкандий)¹.

Оталар кўрсатинг йўл бизга ҳам илм ва саноатдан,
Ўқутинг, кутқаринг бечора қизларни ҳалокатдан,
Солинг ҳар ерга мактаб қўл йифинг баҳс ва адоватдан,
Зарурдур илм ўқутмақ бизлара ҳар қайси байтдан.

(Тўлаган Хўжамёров)².

Келтирилган мисоллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, “Садои Туркистон” газетаси ўзбек адабий тили тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. газета тилининг, содда ва равонлиги билан ўз даври нашрлари орасида алоҳида аҳамиятга эгадир. Айтиш жоизки, газета соф миллий тилда оммабоп нашр бўлиш учун курашди. Ўз ўқувчиларига саводхонлик дарсхонаси бўлиб хизмат қилди.

§ 3.2. Газетанинг услуби, жанр хусусиятлари

“Садои Туркистон” газетаси ўз саҳифаларида ижтимоий-сиёсий мақолалар билангина чекланиб қолмади. Унда публицистиканинг фельетон, очерк, ҳажвия, хат, хабар каби турли жанрларида материаллар берилган. Тадқиқотимиз жараёнида газета саҳифаларида 1400 га яқин хабарлар чоп этилганлиги аниқланди. Кўриниб турибдики, “Садои Туркистон” хабар жанрига катта эътибор билан қараган. Улар асосан, “Дохилия хабарлари”, “Хориж хабарлари”, “Тошканд хабарлари”, “Телеграф хабарлари” рукнида бериб борилган.

Бу хабарларда жаҳоннинг энг муҳим сиёсий воқеалари, Туркистонда ва Россиянинг бошқа шаҳарларида содир бўлаётган янгиликлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, “Хориж хабарлари” рукнида “Туркия ва Румония”, “Шаҳзода уламо маслагида”, “Ислом муҳожирлари”, “Хитойда янги нефт манбалари”, “Турк тайёрачилари” каби сарлавҳаларга дуч келамиз.

¹ Садои Туркистон, 1914, 4 июль.

² Садои Туркистон, 1914, 24 декабрь.

“Дохилия хабарларида”, “Туркистондаги осори-атиқаларни сақлов”, “Муслима табиба”, “Ичкулукнинг маън этилуви”, “Шарқ усулида вокзал” каби хабарлар босилган. “Тошканд хабарлари” рукнида Туркистон ҳаётига оид энг муҳим хабарларни ўқиймиз. “Ғлосний сайлови”, “Янги тартибда тўй”, “Мусулмонча театру” ва ҳоказо.

Фикримизча, газета жанрлари орасида мактублар, яъни хат жанри ҳам алоҳида етакчилик қилган. Газетанинг деярли ҳар бир сонида муҳаррир номига келган 2-3 мактубга кўзимиз тушади. “Идорага мактублар” рукни “Садои Туркистон” газетаси билан оммани, ўқувчилар доирасини доимий равишда боғлаб турган. Чунки чоп этилган мактубларнинг етмиш фоизи шикоят мактублари бўлган. Халқ ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилган ҳолда, газетани адолат минбари деб билган. Чунончи, “Садои Туркистон” нинг 1914 йил 23 сентябр сонида “Имом жанобларига очиқ мактуб” деган материални ўқиймиз. Маълум бўлишича, Тошкент шаҳридаги Ўқчи маҳалласи фуқароларидан элликбоши ва имом урушга ёрдам учун деб халқдан йиглан 600 сўм пулнинг 385 сўминигина ҳукуматга топширганликлари, бу жиноятлари учун газета орқали жавоб беришларини талаб қиласидар. “Ишчилар зори” (ушбу сонда), “Шафқатсиз муаллим” (1914, 2 сентябрь сонида), “Мударрисликка лойиқми?” (39-сон, 9 сентябрь), “Чидолмадим” сарлавҳалари мактублардан кўринадики, “Садои Туркистон” илк сонида эълон қилган ўз маромномасига содик қолган. Аҳоли бўлаётган янгиликларни қувончли ҳолларни “Изҳори ташаккур” мактубларида баён этиш билан бирга, қалбини жароҳатлаётган муаммо ва қийинчиликларга нажот истаб мактублар ёзди. Бу мактублар муҳаррирларнинг столларида қолиб кетгани йўқ. Кенг ўқувчилар муҳокамасига ташланди. “Садои Туркистон”да кўп қўлланилган жанрларда икки нарса ғоят характерли:

“Садои Туркистон” ходимлари аввало халқ руҳиятини уйғотишга интилган, иккинчи томондан уни хур фикрлиликка,

хуқуқини англашга даъват этган. Шу боис ҳам, газетада қайси жанрда мақола чоп этилмасин, адолатсизликка, зулм ва зўравонликка қарши кучли исён, публицистик рух баралла уфуриб турди. Бир мактубдан парча келтирайлик. Абдуллақори Эрғозиевнинг мактуби газетанинг 40-сонида чоп этилган. Мактубда рус болалари билан мусулмон болаларига мактабларда яратилган шароит таққосланади. Мактуб сўнгида шундай сўзлар бор: “Оҳ! Бизнинг болалар қачон шундай аҳлоқли ва тарбиятли бўлиб, шундай 2 қабатли, уч қабатли хиштдан (фиштдан) ясалғон муентазам ва улуғ мактабларда камоли роҳатлар ила ўқурлар?”.

“Садои Туркистон” саҳифасида “Фельетон” рукнида 7 та материал чоп этилган. Булар замонавий фельетон жанридан анча йироқ бўлса-да, танқидий мазмунга биноан ушбу рукида берилган бўлса керак. Жумладан, бирида Чўлпоннинг “Курбони жаҳолат” (1914, 29 апрель), “Индамас” имзоси билан “Театру хусусида мунозара” (1-2 сонлар), “Маданият тўлқинлари” (5-сон), Ҳамзанинг “Бидъатми, мажусиятми?” (2-сон), Холид Сайднинг “Фасоди аҳлоқ қай вақтдан бошланур?” (12-сон) каби танқидий руҳдаги ҳикоя тарзидаги асарлари чоп этилган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий нафақат шеърлари, публицистик руҳдаги мақолалари билан ҳам фаол қатнашган ижодкорлардан бири саналади. “Фельетон” рукнида босилган “Бидъатми, мажусиятми?” мақоласида динни ниқоб қилиб, урфга айланаётган эскилик сарқитларига қарши кураш ғояси ётади. Бунинг чораси ўқумак, ўқутмак лозим дейди муаллиф. Ҳамза услугига хос кескин хулосалар баъзан ўқувчини мунозарага ҳам чорлайди. Ёш келинни ўт атрофида айлантириш, юз очди маросимлари мусулмон одатларига кирмайди, бу маъжусиятдир”, деган фикрлар ҳозир ҳам аҳамиятли. Чунки бу одатлар ҳамон урф одат сифатида давом этиб келмоқда.

Холид Сайд танлаган мавзу бола тарбияси, мактаблардаги муаллимларнинг билим даражаси хусусида бўлиб, шу мавзудаги бошқа муаллифларнинг мақолалардан анча фарқ қиласди. Унда

тарбиянинг илдизи – оиладан, муаллим берган биринчи сабоқдан бошланади, деган хулоса илгари сурилган. Шундай масъулиятли касбни танлаган, аммо билимсиз муаллимлар кескин танқид қилинди.

“Индамас” қаламига мансуб “Театру хусусида мунозара” материали эса сухбат жанрида берилган. Унда диалоглар ёрдамида театр бидъат эмас, ибратхона эканлиги ҳаётий мисоллар орқали ёритилган.

“Маданият тўлқинлари” мақоласи эса, муаллифнинг яна бир янгиликка ҳалқни чорлаган асарларидан бири. “Бу тарақкий замони ва маданият асли билмам қаерга олиб боражак?”, - дея ёзади у. Муаллиф ҳалқнинг дабдабали тўйлар учун ортиқча исрофгарчиликдан кутулиб, илмли, маърифатли бўлишини орзу қиласди.

Чўлпоннинг “Курбони жаҳолат” ҳикоясида ёш йигитнинг жамият билан боғлиқ аянчли қисмати ҳақида сўз боради. Ёш Эшмурод - ўзи пок, илмпарвар йигит. Аммо жаҳолат ботқоғига ботган жамиятда тухмат туфайли, ўғирликда айбланади, бунга чидамай у ўз жонига қасд қиласди. Йигитнинг ёш умри ҳазон бўлади. Инсонларнинг баҳтсизлиги бевосита у яшаётган муҳит, жамият билан боғлиқ эканлигини кўрсатиш орқали Чўлпон бадиий маҳоратини намоён қилган. “Фельетон” рукнида Чўлпоннинг яна бир асари – “Духтур Муҳаммадиёр” ҳикояси чоп этилган. “Курбони жаҳолат” ҳикоясининг мантиқий давоми дейиш мумкин. “Ҳикояни бадиий жиҳатдан етук деб бўлмайди, унда ортиқча баёнчилик сезилади”¹. Аммо ёш қаламкаш юрти Туркистон ҳақида қайғуради, унинг аянчли аҳволи ёш авлодни қандай кўнгилсизликларга дучор этаётганлигидан ўкинади. Булардан қутулиш чораларини излаш асарга фалсафийлик баҳш этган. Муҳаммадиёрнинг отаси фарзандининг ўқимишли бўлишини орзу қиласди. Ўзи эса жаҳолат қурбони бўлади: вакзалда ичиб олган безорилар қўлида ҳалок бўлади. Отасини кўмган Муҳаммадиёр

¹ Абдуазизова Н.Туркистон матбуоти тарихи. -Т.: Академия, 2000. –Б.-143.

“жаҳолат ила чиндан олишмоққа қарор қиласи. Жаҳолат билан олишмоққа қуроли эса-отаси айтганидек: ўқув, ўқув ва яна ўқув эди”¹. Мұхаммадиёр ўз орзусига эришиш учун татар муаллимидан таълим олади, Озарбайжон зиёлилари қўлида ўқийди. Петербург дорулфунунида, Швейцарияда таҳсил олиб қайтади. Туркистонда халқнинг маърифатли, маданиятли бўлиши учун курашади. Чўлпон ўз орзуарини қахрамони тилидан шундай ифодалайди: “Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаблар ва мадрасалар очса, Оврупо дорулфунунларига болаларни юборса, доктор, адвокат, муҳаррир ва хунарманд, савдогар ва муҳандислар чиқса, буларнинг ҳар бири ўз вазифасида туриб, ишларни тартиб ила юргизсалар, халқимизнинг фойдасини кўргазсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди”. Биз асар билан танишар эканмиз, Туркистон ҳаётидаги нодонлик, жаҳолат ҳар бир аср авлодига сабоқ бўлиши даркорлигини англаймиз. Жаҳон илм-фани, маданиятидан баҳраманд бўлиб, юксак мақсадлар сари интилган миллатгина дунёга чиқа олади. Ўзлигини кашф эта олади. Бу миллий мустақиллик мафкурасининг асл моҳияти. Чўлпон 17 ёшидаёқ келажакдаги бу қутлуғ манзилни кўра олган. Шу боис ҳам Чўлпон сингари ёшларни кашф этиш “Садои Туркистон” учун ҳам янгилик бўлди.

Газетада таниқли маърифатпарвар ва шоир Абдулла Авлонийнинг алоҳида ўрни бор. У газетада ўзининг бир қатор фельетон, шеър ва публицистик мақолалари билан қатнашган. Аксарият ҳолларда “фельетон” рукнида босилган мақолаларига “Индамас” деб имзо қўйган. Юқорида келтирган мисолларимиздан ҳам буни яққол кўриш мумкин. А.Авлоний фельетонларида очерк жанрига хос воқеаларни бадиий-публицистик рухда таҳлил этиш кўзга ташланади. Масалан, газетанинг 1-сонида чоп этилган фельетонида шундай бадиий тасвир бор: “Рўбарўмиизда ўн тўрт кечалик ойнинг бизнинг мажлисимизга электрик киби ошиқ ва зиё бериши, бир тарафдан тоғларнинг устида чўкуб ётган қорларнинг

¹ Садои Туркистон. 1914, 28 июль.

икки тарафдаги кўкмак дарахтларнинг орасида намоён ўлиши, кўк бахмалга ўралиши маҳбуб киби кўринур эди”.

Англашиладики, мазкур матн ҳозирги тушунчадаги фельетон жанрига мос келмайди. Аммо воқеалар ривожида киноя, қочириқлар, заҳарханда кулгу унинг моҳиятини очиб берган. Чапани билан Мулла ўртасидаги диалогда ҳаётнинг мазмунини фақат моддий бойликда деб билувчи, жамият ривожи, халқ турмуш тарзидан мутлақо бехабар нодон бойлар устидан муаллиф кулади. Хайрия жамияти ҳақидаги сұхбатдан бир парча келтирайлик:

- Чапани: жамият бу оқчаларни олуб қаю ерларга ва нималарга сарф қиласур?

- Мулла: жамият тарафидан очилғон камбағалхоналарга, бева-бечораларга, мактаб ва мадрасаларга.

Газетанинг 5-сонида босилган “Маданият тўлқинлари” фельетонини таҳлил этайлик: “Хар бир миллат майшат тарафидан тараққийға юз қўймаса маънавият тарафдан ҳам тараққий қилолмас”. Бу жадидлар келган хулоса. Гарчи бу сатрлар “фельетон” рукни остида берилган бўлса ҳам, соғ танқидий публицистик руҳда ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Газетанинг 8-сонида босилган ушбу мақоланинг иккинчи қисмида эса муаллиф “бошлариға Оврупо қалпоғини кийиб, “маданият”, “маданият” деб оғизларини кўпуртируб, оз-моз мусулмонча, чала ярим русча сўйлашуб кулги бўлуб юрган ватандошларини заҳарханда кулги билан танқид қиласи

Ёшлиқ куч-ғайратини беҳуда ишларга сарф этаётган, миллатдошларини эзгу ишларга чорлайди. Авлоний мақоласини:

Илм ила олам мазҳар бўлди, биз жоҳил ҳануз,

Faфлат бошимизға етса ҳам, ғофил ҳануз,

Очмайин ибрат кўзин, биз уйқуға мойил ҳануз,- сатрлари билан якунлайди. “Садои Туркистон” Авлоний каби маърифат зиёлиларининг орзу-истакларини бежиз “фельетон” рукнида чоп этмаган. Халқ руҳиятидаги бидъат ва қусурларнинг ушбу рукида танқид

қилинишининг ўзиёқ ўқувчини зийракликка, ҳушёрликка чорларди.

Авлонийнинг газетанинг 1914 йил 11-июль сонида босилган “Кайфим учди” сарлавҳали фельетонида ҳажвий публицистикага хос турли кулги воситаларидан усталик билан фойдаланганликни, кулгининг гўзал намунаси яратганлигини кўрамиз. “Бир куни томошабоғ ёнидаги Кауфман губернатурнинг ҳайкалига яқин бир чорпояда хушум оғуб ўлтуриб эдим. Тошкандинизнинг машхур бойларидан бирининг бир ақллик оти бўлур экан. Мазкур бойнинг банкаға тўлдурғон “платужи” бўлур экан. Бой афанди шул куни тўловни эсдан чиқоруб тўйдами, зиёфатдами, тўловдан кўра ошовни ғанимат билиб кайф - сафо қилуб юрган экан... Инсоф қилинг. Бой афанди тўйда юрса, тўловга тўлдирган оқча уйда турса, жонивор ақллик от Ҳалокунинг итидек югуриб юрса, борса-ю векселининг муддати ўтуб просент бўлиб қолса, бечора отнинг чеккан меҳнати бекорға кетармикун деб мунда бир хангум учди”. Газетанинг 54-сонида босилган фельетонида ҳам муаллиф енгил кулги асосига қурган бўлса-да, миллатда бўлган нуқсонларни, майший турмушимиздаги қусурларни ўткир танқид қиласади. Муаллиф барчага ўхшаб саёҳатга чиқмоқчи бўлади. “Узокқа боришга кучим етмаса ҳам, ўз шаҳримни айланиб саёҳат қилуб турай” деб кўнка арабаға (трамвай) ўтириб йўл олади. Йўл давомида жуда қизиқ воқеаларга дуч келади. “Бир мусулмон бир баққол ила ёқалашуб, муштлашуб хотун демай, қиз демай, оғиз демай, сукушиб турубдурлар. Бир неча мусулмонлар аралашуб ўртага тушуб аларни зўрға ажратиб қўйдилар. Сўрдимки, баққол aka! Нима толашуб урушдингиз?

Баққол: Эй ўртоғ нимани сўрайсиз? Олти ой бўлди насияга мол олғонига энди пулимни бер десам ёқалашуб кетди.

Байт: Бирорга насия қилма эй дўкондор,

Олур вақтида муштлашмоқ на даркор,

деб йўлимга жўнаб кетдим. У ўз сафари давомида умрини чойхоналарда бекорга ўтказаётган, бемаъни сўзларни сўзлаб

ўтирган ёшларни кўриб кўнгли ранжийди. Унинг кўнглидан қуидагилар ўтади:

Миллатнинг авлоди сизлар бўлсангиз, эй ёшлар,
Сўзларингизға йилонлар пўст ташларми, бошлар”.

Аслида оддий ҳаётий воқеалардан тузилган ушбу асар ижтимоий чиркин турмуш манзарасини намоён қиласди. Яъни ўқувчи юрагида кулгу ўрнида дард, оғриқ пайдо қиласди. Ҳажвий публицистиканинг бош мақсади ҳам шудир. Филология фанлари доктори, профессор Мухтор Худойқулов таъкидлаганидек, Абдулла Авлоний нафақат фельетон жанрида, балки публицистик мақола ва шеърлари билан ҳам “Садои Туркистон” саҳифаларида фаол қатнашди¹.

Газетанинг 28 май сонида босилган “Хифзи лисон” публицистик мақоласида Авлоний тил ва адабиёт тўғрисида илгари сурган ғоялар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. (Бу ҳақда II-бобимиизда батафсил тўхталган эдик). Муаллифнинг “Жаҳолат”² сарлавҳали публицистик мақоласи ҳам тили, услубининг соддалиги ва равонлиги, фикрлар ифодасининг тиниқлиги билан ажralиб турди. “Жаҳолат деб ўқимаган, билимсиз, ҳеч нарсага тушунмайдурғон нодонлиғни айтилур. Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур”, - дея таъриф беради муаллиф. Сўнг шундай байт келтиради:

“Суймагай фазл эгаси жоҳилни,
Жоҳил аҳл улумнинг душманидур”.

Мақолани Абдулла Авлоний “Азиз жонимиздан азизроқ авлодимизни жаҳолат ва нодонлиғ балоларидан қутқармоқ учун жонимиз борича, кучимиз еткунча чолишмоқимиз тоабад лозим адоимиздур”, сўзлари билан якунлайди. У умри охиригача мана шу сўзларига содик қолди. Унинг фикрларида ўз умридан миллат болалари баҳти, истиқболини баланд тутган чин маънодаги маърифат маёғи эди.

¹ Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикаси:шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари. 1-кисм. -Т.: Университет. 2001. -Б-55.

² Садои Туркистон. 1914, 17 июнь.

Авлонийнинг “Ким нимани яхши кўрар?” танқидий мақоласи ҳам “Жаҳолат” да кўтарилиган мавзунинг давоми дейиш мумкин. Бироқ бу мақола заҳарханда кинояларга бой. Фельетон жанрига яқинроқ ёзилган. “Эҳтимол бизнинг халқ илму ва маърифатни, тарбия ва таълимни, хунар ва саноатни яхши кўрар деб ўйлайдурғондурсиз? Йўқ, бу фикрингиз янглиш. Эшонларимиз тоат ва ибодат, панд-насиҳат зикру тасбех ўрнига тўйларда тўн кийиб кўб ошаб, кўб ухлашни яхши кўрурлар. Уламоларимиз дарсу таълим ўрнига бир-бирлари ила ўрун талашуб мударрис бўлишни, ўзлари бўлолмай қолсалар, эшикма-эшик юруб сайловни бузишни яхши кўрурлар. Имомларимиз халойиқقا ваъз ва насиҳатлар ўрнига жанозаларда жома кийиши яхши кўрурлар... Думаларимиз мажлисга келуб устулга суюлуб фароғат қилуб турғон вақтларида бир тарафдан қаттиқ товуш чиқса чўчиб уйғонишни яхши кўрурлар”. Буларни ўқиркансиз кўз ўнгингизда Туркистоннинг манзараси яққол намоён бўлади. Мақола ўткир киноя, пичинг қўлланган ҳолда ёзилган.

Абдулла Авлонийнинг жамият ҳаётини ёритувчи мана шундай публицистик мақола ва фельетонлар билан бирга 15 дан ортиқ миллий руҳдаги шеърлари “Садои Туркистон”да чоп этилган. Айниқса, “Шоир ила тўти” (1914, 24 апрель), “Инсонлар” (1914, 15 апрель), “Офатли инсонлар” (1914, 2 май), “Гапурманглар” (1914, 20 май), “Биз налар қиласиз” (1914, 3 июн), “Ғалат” (1914, 10 июн), “Диққатман” (1914, 13 июн) каби шеърлари замон дарди, ижтимоий иллатларини очишга қаратилган.

Кўп қизиқ бул жаҳоннинг савдоси,

Кўринур ранг-баранг томошаси.

Ҳар ерга борса сўзи мақбулдир

Кимни бор бўлса нуқра-тиллоси

деб ёзади шоир “Ўз майшатимиздан” шеърида. “Ғалат” радифли шеърида эса миллат истиқболи, ривожига тўсиқ бўлаётган жоҳил ва мутаассиб шайхлар устидан кулади:

Шайхлик даъво қилуб беилм гуфторинг ғалат,

Шайх Санъон бўлмасанг, бўйнингдаги зунноринг ғалат.

Сўфиман деб соф дил бирла ибодат қилмасанг,
Сўзинг тўғри эмасдур, жумла кирдикоринг ғалат¹.

Ижтимоий руҳдаги яна бир шеъри “Гапурманглар” деб номланади:

Келинг, инсоф этинг, оғу адоватдан гапурманглар!
Масожид олдида фийбат, шикоятдан гапурманглар!
Етар ғафлат, етар зиллат, етар беилмлик, ҳам
Очинг ибрат кўзини, хоби ғафлатдан гапурманглар!

Авлонийнинг “Ўз турмушимиздан” шеърида бўлса, киноявий, сиёсий ўткир тиг намоён бўлган.

Миллат авлоди ҳама аробакаш ва ҳаммол,
Офт ангори қаро, кийгани жулдур-жулдур.
Тўлур тобеълиғимиз Русияга эллик йил,
Билмайин рус лисонин кўзимиз мўлдур-мўлдур².

Абдулла Авлоний газетада нафақат мақола, шеърлари билан иштирок этди, балки унга ҳам моддий ҳам маънавий томондан кўмак берди. “Театр труппаси” тузиб, газета ғояларини халққа етказди. Тушган маблағларни газета фаолияти учун сарф этди.

Бу ҳақда газетанинг 54-сонида босилган “Миллий кечада” таҳририят мақоласида батафсил баён бор. Ҳатто Абдулла Авлоний актёр сифатида бош роллардан бирини ижро этган. У ўзининг “Мұҳотабамсан” сарлавҳали шеърини:

Етар ғафлатда ҳижронлиғ, қадам қўй боғи таълима,
Чолишмишлар нечук таҳсила ўтмиш торихингни ёд эт!³
дэя якунлаган. Бу юртдошларига мурожаат эди.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати уч босқични босиб ўтган бўлса, “Садои Туркистон” газетаси унинг икки даврида фаолият юритди. Тарихдан маълумки, Нижний Новгород шаҳрида 1905 йил 15 августда бўлиб ўтган I Бутунrossия мусулмонлар съездига ва Петербургда 1906 йил 13-23 январда бўлиб ўтган II Бутунrossия

¹ Садои Туркистон. 1914, 10 июнь.

² Садои Туркистон. 1915, 13 март.

³ Садои Туркистон. 1914, 23 май.

умуммусулмонлар съезди қарорлари ўлкада анча шов-шувга сабаб бўлди. Бу съездларда “Россия мусулмонлари иттифоқи” ташкилоти тузилди. Биринчи съезд шундай қарор қилди: “Мусулмонлар имкон қадар ҳар бир вилоятда янги мактаблар очиши, газета, журналлар, китоблар чиқариши ва уни халқ орасида тарқатишлари лозим”¹. Бу имконият либерал – ислоҳотчилик харакатининг ривожланишига туртки бўлди. 1906 йил 14 (27) июнда чиққан “Тараққий” газетаси ҳам мана шу сиёсий фаолликнинг натижаси эди. Ва яна бир қатор “Хуршид”, “Шухрат”, “Тужжор” газеталари нашр қилинди. Бу босқичда айниқса, “Тараққий” газетаси ўта сиёсий кучга эга бўлган газета эди. Унинг саҳифаларида: ҳукмрон синфлар имтиёзларини тугатиш, миллатлар тенглиги, барча ерларни дехқонларга бўлиб бериш каби ҳуқуқий чақириқлар қўп учрайди: унинг 1906 йил, 26 июн сонида “ҳукумат халқ қонини зулукдай сўрмоқда, қаттиқ азобламоқда, 1905 йил 17 октябрдаги чор манифести эса халқни тинчлантирувчи айёрлиқдир” дея баҳоланади. “Тараққий” газетаси ҳукуматга қарши чақириқлар босгани, социал – демократларни қўллагани учун ёпилади, муҳаррири Исмоил Обидов эса қамоқقا олинади. Айтиш мумкинки, “Тараққий” бўрондек тутқунликка, зулмга қарши курашди. Умуман, 1905-1907 йиллар давомида жадидчилик илғор сиёсий ҳодиса сифатида намоён бўлди”².

Биринчи жаҳон уруши жадидлар тафаккурида янада қатъий ўзгаришларни юзага келтирди. Европа маданияти, фан-техникасига қизиқиши ортди. Туркистонни қалоқлиқдан халос этиб, тенг ҳуқуқли давлат барпо этиш истаги йўлида янгидан уйғониш пайдо бўлди.

“Садои Туркистон” мана шу давр нашри сифатида жуда фаол иш юритди. Ўлкада руслаштириш сиёсати кундан-кун кучайиб борарди. Маҳаллий тубжой, халқнинг серҳосил ерларини кўчириб келтирилаётган русларга тортиб олиб бериш қонунлаштирилгач, Туркистонда мустабид халқнинг сиёсий устунлиги янада ортди.

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон муҳторияти. -Т.: Маънавият, 2000. -Б-14.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон муҳторияти -Т.: Маънавият, 2000. -Б-21.

1914 йилнинг 24 июлида подшонинг шаҳсий фармони билан Туркистон ўлкасида фавқулодда қўриқланадиган ҳолат эълон қилинади¹. Губернатор ва уезд бошлиқларига аҳолининг ўй-фикрини кузатиб бориш, озгина бўлса ҳам душманлик ниятида бош кўтарилигудек бўлса, ғоят шафқатсизлик билан дарҳол бостириш хақида кўрсатма берилади. Бу шубҳасиз, “Садои Туркистон” атрофига жипслашган адабий кучларнинг эҳтиёткорона иш юритишиларига сабаб бўлди. Баъзан газета саҳифаларида Туркистоннинг Русия забт этиш билан боғлиқ эзгу ишлар тилга олинадики, бу газета муҳаррири Убайдулла Асадуллахўжаевнинг сиёсий жиҳатдан кўзни шамғалат қилиш тактикаси эди. Чунки, бу борада жадидлар анча тажриба тўплаган эдилар. Мақсад “Ватан таржумони” деб катта умид боғланган газетанинг ёпилишига йўл қўймаслик эди.

Шу оғир шароитда ҳам газета:

“Туфроғимиз олтиндур”, “Саноатимиз қўлдан кедиор”, “Ўз холимизга бир назар”, “Ичкулик ва онинг заарлари”, “Шаҳар сайлови ва мусулмонлар”, “Бизда ўқув ва ўқитув”, “Тил ва дин” каби бир қатор сиёсий-ижтимоий мақолалар эълон қила олди.

Жадидлар аста-секин сиёсий йўналишда илгорлаб кетдилар. 1917-1918 йилларда нашр қилинган “Эл байроғи”, “Хуррият”, “Кенгаш” газеталар айнан мана шу ҳаракат маҳсули бўлди. Биргина “Хуррият” газетаси мисолида кўрадиган бўлсақ, у публицистиканинг ажойиб намуналарини берди. Фитратнинг 35 та, Беҳбудийнинг 15 та, Сиддиқийнинг 6 та, Ҳожи Мўйиннинг 10 та, Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг 8 та, Шокир Мухторийнинг 4 та йирик мақоласи эълон қилинган. Айниқса, Фитратнинг “Юрт қайғуси” рукни остида берилган “Темур олдинда” (47-сон), Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “Эй, Туркистон” (48-сон), Ҳожи Мўйиннинг “Туркистон фигони” каби насрый шеърларини ўша давр бадиий публицистикасининг ноёб намуналари десак бўлади.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 том. -Т.: Шарқ, 2000. 108-110-бетлар.

“Устимга инсонлар эмас, шайтонлар қўшини келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, яна сен сари чопарман”, (“Хуррият”, 25-сон, 31-сон) дея Ватанга қасамёд қиладилар. Газетанинг ҳар бир сонида алданган қалб изтироблари, миллат олдиаги бурч ва масъулият ҳисси қалам аҳлларини руҳан улғайтирди. Қалбан аждодлар руҳи билан диллашдилар. Чунончи, улуғ саркарда Амир Темур руҳи олдида чўккан муаллиф шундай ёзади: “Эй, арслонлар арслони! Менинг ёзуқларимдан ўт, менинг қўлларимдан тут, белимни боғла. Муқаддас фотиҳангни бер! Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туронни эски шараф ва улуғликка қайтармасдан бурун оёқларингда ўлтурмасман” (47-сон).

“Хуррият” бир лаҳза, Она Туркистон тимсолида гавдаланади: “Хўнгир-хўнгир йиғлайман. Нола ва фарёд қиласман... Кургувчи кўз қайд? Қайғули товушимни эшигувчи қулоқ қани... Мени баҳтсиз авлодим бир-бирлари ила нифоқ ва адован кучи билан талашиб, ёқалашиб, оҳири ҳориб, кучсизланиб жаҳолат тушагида ҳануз уҳламоқда” (“Хуррият”, 150-сон).

Бу фифонни муаллиф Туркистон фифони деб атайди. Туркистон муҳторияти кунлари... яна бир умид чироқлари ёқилгандек бўлади. Газета ўз саҳифаларида “Яшасун Туркистон Муҳторияти” шиори билан она Туркистонни табрик этади: “Шод ул! Сенинг ул шавқатли замонларинг қайтмоқдадур” (57-сон). Она тупроққа “Эй, Туркистон”, дея мурожаат этар экан, фарзандлик куч-қудрати ила унинг эртанги келажагига умид билдиради: “Шул болаларинг соясинда сенинг истиқболинг шояд умидли бўлур!” (1917, 3 ноябрь, 48-сон). Албатта, жадидлар қайси йўналишда фаол юритишимасин, бир мақсад йўлида – Туркистон озодлиги учун курашдилар. Бу маърифатпарвар, ҳурриятпарварларнинг Россиядаги мавжуд сиёсий партияларга муносабати қандай эди?

Бу ҳақда тарих фанлари доктори С.Аъзамхўжаев батафсил маълумотлар келтирган¹. Жадид йўлбошчиларидан Маҳмудхўжа

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон муҳторияти. -Т.: Маънавият, 2000. -Б-21.

Беҳбудий Россиядаги 4 та партия – монархистлар, кадетлар, социалистлар ҳамда Нижний Новгородда 1905 йилнинг 23 августида тузилган мусулмонлар партиясига баҳо беради. У конституциявий монархия тизимини ёқлаб, кадетлар партиясининг йўлини маъқуллайди. Давлат Думасини подшоҳ билан халқни бевосита мулоқот қилишга кўмак берадиган минбар деб билади. Биз бу ҳолни Убайдулла Асадуллахўжаев фаолиятида ҳам кўршимиз мумкин. “Садои Туркестон” газетасига бир неча чиқишлиарида у Давлат Думасига мусулмон депутатларини сайлаш ҳуқуқларини кенгайтириш таклифи билан чиқади. Ўзи ҳам аъзо бўлиб сайланади.

У.Асадуллахўжаев 1916 йилда IV Давлат Думасида Туркестонда рўй бераётган воқеалар юзасидан маъруза қиласи, маҳаллий аҳолидан мардикор олиш хатарли эканлиги ҳақида ҳарбий вазир номига телеграмма юборади.¹ Думада ҳатто мардикорликка олиш ҳақидаги император фармонини бекор қилдириш талабини қўяди. Ўша пайтларда у “Иттиҳоди тараққийпарвар” ташкилотининг раҳбари бўлган².

Большевиклар Убайдулла Асадуллахўжаевни меншиivism ғояларининг тарғиботчиси, шўроларга қарши курашган, деган айб билан қурбон этдилар. Ёзувчи Шукруллонинг “Тирик руҳлар” романида шундай сатрлар бор: “Мен шўроларга қарши курашганим йўқ! Мен Туркестон миллий озодлиги учун курашдим”³.

Мана шундай симо раҳбарлигидаги “Садои Туркестон” газетаси ҳамиша ўз ғояларига содик қолди.

Абдулла Авлоний қаторида Убайдулла Асадуллахўжаев, Чўлпон, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Холид Саид, Сора Музаффария каби газетанинг бир қанча муаллифлари бўлганки, уларнинг ҳар бири “Садои Туркестон” газетасининг жон-томиридек, ўз сўзидағи сабитлик, руҳидаги улуғворлик билан унга ҳаёт бахш этган. Газета сахифаларида

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-том. -Т.: Шарқ, 2000. -Б-427.

² ЎзМДА.ТФ.461. 1-иш, 70-варақ.

³ Шукрулло. Тирик руҳлар. -Т.: Шарқ, 1999. -Б-116.

Убайдулла Асадуллахўжаевнинг 10 та, Абдулла Авлонийнинг 5 та публицистик мақоласи, 2 та ҳикояси, 16 та шеъри, Чўлпоннинг 2 та публицистик мақоласи, 7 қисмдан иборат прозаик асари, 1 та шеъри, Рауф Музаффарзоданинг 40 дан зиёд йирик публицистик мақолалари, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 4 та публицистик асари, 5 та шеъри, Нуширован Ёвушевнинг 5 та публицистик мақоласи, 16 қисмдан иборат очерки босилган.

Энг эътиборли жиҳати, “Садои Туркистон” саҳифаларида Мунаввар қори Абдурашидхонов имзоси билан бирорта мақола чоп этилмаган. Ҳолбуки, у газетанинг адабий маслаҳатчиси, Убайдулла Асадуллахўжаевнинг энг ишонган ходими бўлган. Бу ҳақда ишнинг I бобида архив маълумотлари асосида фикр юритгандик. Хулосаларимиз шундан иборатки, “Садои Туркистон” саҳифаларида публицистика жанрларининг ўзига хос илк намуналари яратилди.

“Туркистон мактаблари” (1-сон), “Қўш садо” (“Садои Фарғона” газетаси чиқиши муносабати билан (2-сон), “Ичкулик ва онинг заарлари” (3-сон), “Вазифамиз муштарак” (4-сон), “Шаҳар сайлови ва мусулмонлар” (5-сон), “Тўй масаласина жавоблар” (6-сон), “Мусулмон идора руҳониялари ҳақинда кенгаш мажлислари” (7-сон), “Дохлия назорати ҳузурида иккинчи мажлис” (12-сон), “Кенгаш мажлиси” (16-сон), “Эрон мустақилмиш” (17-сон), “Жамият қандай очилур?” (22-сон), “Петербургда кенгаш мажлиси” (23-сон), “Саодат ойи ийд” (25-сон), “Бухоронинг аҳвол ҳозираси” (26-сон), “Муҳорабанинг бориши” (32-сон), “Ийди шариф” (34-сон), “Миллий ва тарихий икки кун” (56-сон), “Вазифамиз нима?” (62-сон), “Петроградда мувафқат мусулмон комитети” (66-сон) каби ижтимоий-сиёсий мақолалари билан “Ватан таржумони” бўлишдек, юксак масъулиятни адо этди. Бу публицистик мақолалар ўзбек журналистикаси жанрларининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу фидойи меҳнатлари билан “Садои Туркистон” Ўзбекистон журналистикаси тарихида ўзига хос муносиб ўрин эгадир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг XX аср бошидаги ўзбек миллий журналистикасининг босиб ўтган йўлини тўла ва яхлит холисона тадқиқ этиш имконияти туғилди. Тарихда “жадид матбуоти” деб ном олган миллий уйғониш даври матбуоти шўро давридаги бир ёқлама мафкуравий қолипдаги матбуот эмас, балки миллатни курашга, маърифатга чорлаган матбуот эканлигига янги далиллар келтирилди. Тараққийпарвар жадид матбуотининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш жамиятимиздаги чинакам покланиш, миллий ўзликни англаш учун хизмат қиласи

“Садои Туркистон” жадидларнинг маърифатли жамият сари илгари сурган улуғ ғояларига таяниб, ўз саҳифаларида миллий истиқлол ғоясининг асосини яратди. Унинг яна бир муҳим хизмати, газета миллатпарварлик, маърифатпарварлик каби юксак ғояларни тарғиб этди. “Садои Туркистон” газетасининг ношири ва бош муҳаррири Убайдулла Асадуллаҳўжаев миллий матбуотни “миллатнинг умумдарсонаси” дея ўнлаб илғор зиёлиларни газета теварагига жалб қилиб, Русиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши жасорат билан ғоявий кураш олиб борди. Унинг кўмагида Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Абдулла Қодирий, Нуширавон Ёвшев, Фузайл Жонбоев, Ҳожи Муин, Шокиржон Раҳимий каби қалам аҳллари “Садои Туркистон”нинг мазмун-мундарижасини бойитишга, ижтимоий-сиёсий чиқишлирининг ўткир бўлишига муносиб ҳисса қўшдилар. Жадид публицистларининг бу жасоратли қадами истиқлол ғояларига таянган миллий адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлди. Бу газета таҳририятида миллий адабиётимизнинг беназир истеъдодлари Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон ва Абдулла Қодирий тарбия топди. “Садои Туркистон” “матбуот нафақат хабар берувчи восита, балки миллатда бўлғон бутун қусурларни ислоҳ қилувчи ҳокимиятдир. Унинг бу ҳуқуқига тажовуз қилмакка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир”, дея матбуотнинг ўрнини юксак баҳолади. Ўз даври

учун бундай дадил фикрни айта олиш катта жасорат эди. Газета Туркистонда миллий нашриёт ширкатларини ташкил этиш, ноширлик соҳасида маҳаллий аҳолидан мутахассислар тайёрлаш, ҳомийлар ва ўтқир қалам соҳибларини матбуот ишларига жалб қилиш, аҳоли ўртасида тарғибот, ташвиқот ишларини йўлга қўйишни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшди. “Садои Туркистон” Туркистонда матбуот, театр ташкил қилишда, янги усул мактабларини очища, чоризмнинг маҳаллий халқларни ўзлигидан, тарихи, дини ва тилидан жудо қилишдек мустабидлик сиёсатига “ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини қўрсатадуроғон ойнаи ҳаёти- тили ва адабиётидир” деган илгор ғояни қарши қўйди. Газета имкон қадар матбуотнинг ўзига хос оммабоп, соғ тилини шакллантиришга ҳаракат қилди. Бу вазифани зиммасидаги масъулият деб билди. Шу боис ҳам “Садои Туркистон” газетаси ўз даври нашрлари орасида тилининг соддалиги, равонлиги ва халқчиллиги билан ажralиб туради.

Газета саҳифаларида шундай фикр-мулоҳазаларга дуч келиш мумкин: “Бир замонлар келур, бу шояд майдонға чиқмасдан қолмас”. Бугун бу башорат ҳақиқатга айланди. Уларнинг “матбуот – бош ислоҳотчи бўлиши керак, матбуот -миллат ойинасидир, маърифат – миллатнинг ҳаёт-мамоти” каби илгор ғоялари асрлар оша авлодларга етказилиши зарур бўлган дастуриламалдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Монографиялар, тўпламлар, дарсликлар

1.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент.”Ўзбекистон” НМИУ, 2017. -29 б.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-47 б.

1.3. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.”Ўзбекистон” НМИУ.2017.-485 б.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 – сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2017 й.6-сон.70-модда.

